


R 496

139

2016/6

GULISTON



3th
No 1



**2017-yil – «Xalq bilan muloqot
va inson manfaatlarini yili»**





2016/6

GULISTON

ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-badiiy, madaniy-ma'rifiy jurnal

Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

Muassis:

O'zbekiston Respublikasi

Madaniyat va sport

ishlari vazirligi

Bosh muharrir:

Minhojiddin MIRZO

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI

Suyima G'ANIYEVA

Fotih JALOLOV

Shuhrat SIROJIDDINOV

Akmal NUR

Baxtiyor SAYFULLAYEV

Adhambek ALIMBEKOV

Isajon SULTON

Nurbob JABBOROV

Abduvahob NURMATOV

Fatxulla MA'SUDOV

Tahririyat:

Bosh muharrir o'rinbosari:

Temur A'ZAM

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Ahmad TO'RA

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz

USHBU SONDA:

Erkin VOHIDOV
She'r qolur, shoir qolur

Charos HAMIDOVA
«Temurxon naslidin sulton
Ulug'bek...»

Qunduzxon HUSANBOYEVA
Badiiyat kaliti

Nasiba ABRAYQULOVA
Raq s'an'ati talqini

O'lmas UMARBKOV
Hayot qo'shig'i

Abduxalil QORABOYEV
Qog'oz ham yig'laydi

Sirojiddin AHMAD
«Halima»ning qismati

Sotvoldi RAJABOV
Buvimni topdim...

Muxtor XUDOYQULOV
Dilga ilhom solgan sayohatlar



Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 13.09.2016-yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. «Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x841/8. Buyurtma № 77 Adadi: 1050 nusxa.
Hajmi 6 bosma taboq.
Bosmaxonaga 17.12.2016-yilda topshirildi. Bosishga 19.12.2016-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 42-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «SILVER STAR PRINT» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 22-mavze, 17-uy.



ХАЛҚ ИШОНЧИ – ОЛИЙ БАХТ

2016 йил 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, деб белгиланган эди.

Шу кундан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Наримон Мажидович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

Сайловолди ташвиқоти даврида барча номзодларга тенг шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9 минг 383, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тузилди. Сиёсий тадбирга ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник жиҳатдан юксак даражада тайёргарлик кўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустақамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очиқ-ошқора ва адолатли ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг овоз беришда иштирок этиши учун қулайликлар яратиш мақсадида сайлов участкаларида пандуслар ўрнатилди, кабиналардан бири ногиронлар учун ҳозирлаб қўйилди. Брайль алифбосида кўзи ожиз сайловчиларга мўлжалланган сайловга оид турли рисоалар тайёрланди, илк марта улар учун махсус сайлов бюллетенлари чоп этилди.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори савияда, халқаро талаблар даражасида ўтказилди.

5 декабрь куни пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Президент сайловининг дастлабки натижаларига бағишланган тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда ЎзЛиДеП фаоллари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар, турли соҳа вакиллари, санъат ва маданият намояндалари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Йиғилганлар Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказига онлайн тарзида боғланиб, сайловнинг дастлабки натижаларини кузатиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг дастлабки натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловида Шавкат Миромонович Мирзиёев 15 миллион 906 минг 724 овоз, яъни



сайловда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоиз овози билан ғалаба қозонгани ҳақидаги хабар йиғилганлар томонидан гулдурас қарсақлар билан кутиб олинди.

Шавкат Мирзиёев тадбирда сўзга чиқиб, ўзига билдирилган юксак ишонч учун бутун халқимизга миннатдорлик билдирди. Биринчи Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида ўтган 25 йилда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида беқиёс ўзгаришлар амалга оширилгани, миллий давлатчилигимизнинг мустақкам асослари яратилиб, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти шакллантирилгани, бозор иқтисодиёти тамойиллари ривожлантирилганини таъкидлади. Бундай кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш барчамизнинг, бутун халқимизнинг энг асосий мақсади, бурчидир. Зеро, Ватан равнақи, юрт келажаги, халқ фаровонлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош ғоясидир.


Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган бешта халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислоом ҳамкорлик ташкилотидан, 46 давлатдан келган 600 га яқин кузатувчиларга ҳам самимий миннатдорлик билдирди.

Сайловда халқимиз мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиши, халқимизнинг турмуш фаровонлиги янада юксалиши, давлатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини мустақкамлаш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун овоз берди. Ҳар бир сайловчи ўз оиласи, фарзандлари бахту камоли, ёруғ келажаги учун овоз берди.

Энг муҳими, халқимиз ушбу сайлов орқали дунё ҳамжамияти олдида жуда муҳим, масъулиятли синовдан муваффақиятли ўтди. Биринчи Президентимиз илгари сурган ғояларга содиқлигини, ўзаро аҳил, ҳамжиҳатлигини, Ватан тақдири, халқимиз келажаги учун бефарқ эмаслигини, улуг мақсадлар йўлида яқдиллик билан ҳаракат қилишини ва улкан натижаларга эриша олишини яна бир бор намоён қилди. Буни дунёнинг турли минтақаларидан, нуфузли халқаро ташкилотлардан келган кузатувчилар ҳам эътироф этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидан кўп минг сонли одамлар иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикасидан меҳнат фахрийси Қ.Қамоллов, Бухоро вилоятидаги «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» корхонаси муҳандис-технологи Х.Латипов, Навоий кон-металлургия комбинати «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Н.Лаққай, Қарши шаҳридаги «Хонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Зоҳиров, Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиги раҳбари Л.Муродова, «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича инспектори К.Ортиқов, Тошкент вилоятидан меҳнат фахрийси У.Мирзақулов, Сурхондарё вилоятидан бахши С.Шайдилов, Тошкент шаҳридан меҳнат фахрийси Д.Фуломова ва бошқалар Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриқлаб, Ватан ва халқ манфаати йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар тилади.

Тадбирда Ватан, мустақиллик, бахт ҳақидаги кўшиқлар янгради.



ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Ватанимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Конституциямиз қабул қилинган кунни нишонлаш арафасида гўзал ва муҳташам «Ўзбекистон» анжуманлар саройида сизлар билан учрашиб турганимдан гоёат мамнунман.

Барчангизга, бутун халқимизга ўзимнинг чексиз хурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди.

Конституциянинг яратилиши ва ҳаётимизга татбиқ этилишида замонамизнинг буюк давлат арбоби, улуғ йўлбошчимиз, муҳтарам Ислом Абдуганиевич Каримовнинг хизмати беқиёс эканини барчамиз яхши биламиз.

Халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва бутун ҳаётини тубдан ўзгартирган ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни ишлаб чиқишда Ислом Абдуганиевичнинг концептуал аҳамиятга эга, теран фикрлари мустаҳкам замин бўлди.

Олий Кенгаш депутати сифатида мен ҳам Конституциявий комиссия таркибида Бош қомусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрланиб эслайман. Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда.

Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта оғир даврда Асосий қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда Ислом Абдуганиевичдек кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узоқни кўра оладиган буюк сиёсий арбобнинг бу ишга раҳбарлик қилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ёш давлатимиз эндигина оёққа туриб келаётган қалтис ва нозик бир вазиятда турли тор манфаатлар, маҳаллийчилик, сепаратизм ва миллатчилик каби салбий ҳолатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмасди.

Асосий қонунимизда умумэтироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди.

Айнан Биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Конституциямизда **«Инсон ва унинг қадр-қиммати»** деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилди.

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич Конституциямизнинг лойиҳаси бўйича 1992 йил 8 декабрда, Олий Кенгашнинг тарихий сессиясида сўзлаган нутқида қуйидаги фикрни алоҳида таъкидлаган эдилар:

«Биз сўнги етмиш йил мобайнида давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган.

Яъни, Асосий қонунимизга «давлат, унинг идорала-

ри ва мансабдор шахслари жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деган модда киритилган.

Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонида кафолатланади».

Биринчи Президентимизнинг ана шу фикрлари у кишининг давлат, жамият ва инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир масалага нақадар теран ёндашганидан, шу асосда Конституциямизда энг мураккаб саволларга ҳам жавоб топиш мумкин эканидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, Ислом Каримовни ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи, деб эътироф этиш учун барча асосларга эгамиз.

Қадрли дўстлар!

Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий тартибни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий қонунимиз фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва қоидаларини мустаҳкамлади.

Бош қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар негизида юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислохотларга асос бўлди.

Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Куни кеча мамлакатимизда бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқимизнинг фаол иштироки эса бунинг яққол далилидир.

Азиз дўстлар, биз бу сайловни Биринчи Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримовнинг сиёсий меросига ва у киши ўзининг чексиз меҳрини берган халқимизга муносиб тарзда ўтказдик.

Сайлов сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат ва кураш, президентликка номзодларнинг сайловолди дастурларини эркин муҳокама қилиш шароитида ҳамда демокра-

тик принципларга тўлиқ мос келадиган ошкоралик ва очиқ руҳида ўтганини мамнуният билан қайд этамиз.

Сайловларни мана шундай юқори савияда ташкил этган Марказий сайлов комиссиясига, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, уларга кўмак берган барча фуқаролик жамияти институтларига, сиёсий партиялар фаолларига самимий ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов жараёнида 5 та халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчилар иштирок этдилар. Жумладан, илк бор Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 32 та мамлакатга мансуб 200 нафарга яқин таркибдаги тўлақонли миссияси кузатувчилари қатнашдилар.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларга юксак баҳо бердилар. Барча сайлов участкаларида сайловчиларга қулай шароитлар яратилганини, айниқса, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар, турли миллат вакиллари учун сайлов ҳуқуқини амалга ошириш имконияти юқори даражада ташкил қилинганини эътироф этдилар.

Барча чет эллик кузатувчилар томонидан сайлов тенглик ва адолат принциплари асосида, очиқ ва ошқора ўтгани бир овоздан тан олингани ҳаммамизга мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларга катта эътибор бериб, сайлов жараёнида иштирок этган барча халқаро кузатувчиларга, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимларига ташаккур изҳор этамиз.

„Азиз ватандошлар!

Мана шу юксак минбардан туриб, аввало, бўлиб ўтган сайловда менга юксак ишонч билдириб, мен учун овоз берган барча сайловчиларга, нуруний отахон ва онахонларимизга, муҳтарам опа-сингилларимизга, навқирон ёшларимизга, кўпмиллатли бутун халқимизга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдириб, таъзим қиламан.

Халқимиз ўзининг хоҳиш-иродаси билан мени мана шундай юксак лавозимга муносиб кўрганини ўзим учун олий шараф деб биламан. Сизларнинг менга билдирган юксак ишончингизни оқлаш учун бор куч ва салоҳиятим, билим ва тажрибамни, бутун борлигимни сафарбар этаман.

Қадри дўстлар!

Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир.

Ўтган даврда қабул қилинган 400 га яқин яхлит қонунлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур.

Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда.

Бу ҳолат мамлакатимиз қонунчилик тизимига фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Аминманки, ҳурматли Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари бу масалага жиддий эътибор қаратадилар.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда авваламбор қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғри-

дан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоровий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда Ҳукуматнинг парламент билан қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил соҳасидаги ҳамкорлигини янада самарали ташкил қилиш мақсадида **Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисда доимий асосда фаолият кўрсатадиган вакили лавозимини таъсис этиш мақсадга мувофиқ бўлади.**

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш – бу ишнинг бир қисми, холос.

Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир.

Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида охириги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асосида чиқарилган.

Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин?

Бу муаммони самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли – қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир.

Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида битта-иккита мақола ёки кўрсатув билан чекланиш мумкин эмас. Қабул қилинган қонунларни атрофлича муҳокама қилиш, юртдошларимизнинг уларга муносабатини ифода этадиган таҳлилий материаллар, кўрсатув ва эшиттиришлар, афсуски, жуда кам.

Янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг асосий маъносини аҳолига етказиш бўйича самарали механизм яратиш керак.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлигининг бу борадаги фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайди. Шу муносабат билан ушбу вазирлик ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятини танқидий кўриб чиқиш зарур.

Адлия вазирлиги мутасадди идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунларнинг маъно-мазмунини жойларга етказиш, уларни кенг тарғиб қилишга қаратилган аниқ таклифларни ишлаб чиқиши лозим.

Иккинчидан, қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, 20 йил аввал бу борада қабул қилинган Миллий дастурни янгидан ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Парламентимиз жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича янги Миллий дастурни яратишда бош-қош бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун **суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш** нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини албатта барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада яқинда қабул қилинган Фармон ижросини таъминлаш биринчи даражали вазифамиздир.

Хусусан, судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, юксак малакали суд ходимлари корпусини шакллантиришимиз лозим.



Суд ҳоқимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим қафолатиدير.

Судларда ишларни кўриш сифатини ошириш, айниқса, фуқаролик ишларида овора бўлиб юришларнинг олдини олиш, айнан бир инстанция судида ишни бир неча маротаба кўриб турли қарорлар қабул қилиш амалиётига чек қўйиш вақти келди.

Қонунчилигимизда адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча асослар яратилган. Лекин, афсуски, адвокатура ҳанузгача фуқаролар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш институтига айлангани йўқ.

Шу боисдан ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида адвокатуранинг ўрни ва ролини янада ошириш, унинг ваколатларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак.

Биз «Адолат – қонун устуворлигида» деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросамизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз.

Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзлари томонидан қонунни бузиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатга принципиал баҳо берилади ва қатъий чора кўрилади. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмадлиги керак.

Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат – бу коррупция балосидир. Бундай хатарга қарши курашиш мақсадида яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим.

Буларнинг барчаси ўз навбатида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, халқимизнинг давлат ҳоқимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Сизларга яхши маълумки, 2016 йил Биринчи Президентимиз ташаббуси билан «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинган эди.

Бу борада давлат дастури тасдиқланиб, кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Бу ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттириб, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Биринчи навбатда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланаётган давлатнинг негизи бўлган оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база янада кучайтирилди.

Хусусан, жорий йилда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни аниқ белгилаб берди.

Соғлом болани вояга етказишнинг муҳим шарт бўлган репродуктив саломатликни яхшилаш, туғма нуқсон ва хасталиклар билан туғилишларнинг олдини олиш, тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш учун тизимли ишлар амалга

оширилди.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин, лекин мен фақатгина баъзи бир мисолларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун жорий йилда 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Дастурда белгиланган тадбирлар бўйича 9 миллионга яқин фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва 10 миллионга яқин болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсон бўлган 350 дан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. Бунинг учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Лекин биз учун қанча маблағ кетгани эмас, балки юзлаб болаларимизнинг саломатлиги тиклангани муҳимдир.

Ана шундай ишлар қаторида 700 минг нафар бола пневмокок инфекцияси ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланди.

Дастур доирасида аёлларимиз учун зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш борасида ҳам катта ишлар қилинди.

Айни вақтда хорижий сармоялар иштирокида қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш, туман ва шаҳарлардаги сув тармоқларини модернизация қилиш мақсадида 100 миллион доллар маблағ жалб этилди.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қиз болалар ўртасида спортни оммалаштириш борасидаги ишларнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида 220 дан зиёд спорт заллари барпо этилди.

Ёш оилалар, тадбиркор аёллар, коллеж битирувчилари, оилавий бизнес ва ҳунармандликни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан йил давомида 2 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Албатта, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларимиз ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, ана шу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 7 триллион 480 миллиард сўм ва 190 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди.

Шунинг ўзи, ўйлайманки, бу борадаги фаолиятимизнинг кўлами ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, шу йўлда фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча ватандошларимизга чин қалбдан миннатдорчилик билдирамиз.

Бугун мана шу залда ўтирган, бу масалада ўзининг ёрдам ва кўмагини аямаган халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, келинглар, ҳаммамиз биргаликда самимий ташаккур ва эзгу тилакларимизни билдирайлик.

Азиз юртдошлар!

Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – **инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда.**

Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду тавшишлари, орзу-ниятлари, ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.

Яқинда бўлиб ўтган сайловолди учрашувларида мен бир нарсага амин бўлдим. Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очик ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди.

Ҳозирги вақтда одамлар давлат идораларидан нимани истаяпти? Бу ҳақда гапирганда, эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман.

Хабарингиз бор, шу йил 25 сентябрда Бош вазирнинг интернет тармоғида электрон қабулхонаси ташкил этилган эди. Ўтган даврда ушбу қабулхонага фуқароларимиздан 218 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг қарийб 59 фоизи ечимини топган бўлса, 41 фоизи кўриб чиқилмоқда.

Очиқ айтишим керак, бу мурожаатлар таҳлилидан кўп нарса аён бўлди. Таъбир жоиз бўлса, улар ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткир муаммоларга кўзимизни очиб берди.

Мана, одамлар нималар ҳақида мурожаат қилмоқда. Аввало, улар турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонунга зид бўлган кўплаб идоравий йўриқ-номаларни бекор қилиш, ставкаси оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам бериш ҳақида, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти ҳақида мурожаат қилмоқда.

Шу билан бирга, аҳолимиздан уй-жой қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хизмати, энергия таъминотини, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

Кўриб турибсизки, азиз дўстлар, бу талабларнинг барчаси қонуний ва адолатли. Бу борада ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Лекин шу ўринда бир савол туғилади: мана шу мурожаатларда кўтарилган ҳаётий муаммоларни жойлардаги ҳокимлик ва идоралар, тегишли мутасаддилар ўз вақтида ҳал этиши зарур эмасми? Ҳолбуки, бу масалада алоҳида қонун, яъни, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Лекин, минг афсуски, бу қонуннинг ижросини назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шу сабабли ана шу қонун талабларини бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахсларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка тортиш зарур, деб ҳисоблайман.

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур.

Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш юзасидан яқинда қабул қилинган Фармон талабларига сўзсиз амал қилишни таъминлаш шарт. Нега деганда, халқ бой бўлса, давлат ҳам албатта бой ва қудратли бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчалари ўзаро шунчалик боғланиб кетганки, уларни бир-биридан асло ажратиб бўлмайди.

Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда, барча қонун ҳужжатларида халқ билан мулоқот тизими ҳақидаги нормаларни аниқ белгилаб қўйиш лозим, деб ҳисоблайман.

Ана шу фикр-мулоҳазаларнинг барчасини ҳисобга олиб, кириб келаётган 2017 йилни юртимизда **«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Энди, ижозатингиз билан, бу борадаги энг долзарб ва устувор вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтсам.

Аввало, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»нинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишининг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор.

Биз аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган давлат идоралари фаолиятида одамлар билан ишлаш бўйича сифат

жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш ҳақида ўйлаяпмиз. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, ҳар бир туман ва шаҳарда «Халқ қабулхоналари»ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашимиз зарур.

Айтиш керакки, бундай қабулхоналар сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тизимида фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Чунки сиёсий партия фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлиши керак.

Айни вақтда бу қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақомини, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг асосий мақсадимиз – «Халқ қабулхоналари»га қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборат.

Мухтасар айтганда, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш – аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу мақсадда аҳолига кундалик ва энг зарур бўлган давлат хизматларини «ягона дарча» принципи бўйича бир идора орқали кўрсатиш тизимини такомиллаштиришимиз керак.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳудуддаги вазиятни, аввало, фармон ва қарорлар ижросини, уларнинг самарадорлигини доимий равишда ўрганиб, бу борада давлат органлари масъулиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадиган тизимни шакллантиришимиз керак.

Фурсатдан фойдаланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбарияти, депутатлар ва сенаторларга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман.

Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ҳар қайси вилоятдан, масалан, Сурхондарёдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда, айтилик, Музработ туманида бўлиб, ўзлари сайланган ҳудуддаги ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши ва тегишли хулоса бериши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маълумки, ҳозирги кунда Олий Мажлисимиз Сенати томонидан ҳар йили Бош прокуратуранинг ҳисоботи эшитилади. Бу албатта муҳим, лекин жойлардаги, масалан, узок Олот туманида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар бўлимларининг ҳисоботини ким эшитади?

Шу нуқтаи назардан қараганда, Биринчи Президентимиз жорий этган тизим асосида ҳурматли Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат раиси жойларга чиққанларида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларидан улар ўз зиммасидаги вазифаларни қай даражада ижро этаётганига, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни, уларнинг мурожаатларини қандай ҳал қиладиганига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда парламент сўрови, тегишли давлат идоралари раҳбарлари ахборотларини эшитиш каби ваколатлардан кенг фойдаланиш керак.

Ўтказилган барча ўрганишлар натижаларини умумлаштириб, ҳар йили бир марта ички ишлар вазирининг энг аввало профилактика соҳасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботини Сенатда эшитиш амалиётини жорий этиш ҳам



тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Шу мақсадда Олий Мажлис 2017 йилдан бошлаб ҳар қайси вилоят бўйича бир йилга мўлжалланган иш режасини белгилаб олиши ўринли бўларди.

Келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан сайлаш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўришимиз керак. Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин.

Ҳозиргина баён қилинган устувор вазифалар давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Бу борада 2017-2021 йилларга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикасида маъмурий бошқарув соҳасидаги ислохотлар концепциясини қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Ушбу концепцияга мувофиқ, давлат бошқаруви органлари тузилмасини, вазифа ва ваколатларини оптимallasштириш, уларнинг ўзига хос бўлмаган, такрорланадиган функцияларини ҳамда ходимлар умумий сонини қисқартириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодий бошқаришдаги ролини кескин камайтириш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилади.

Президент девони ва Вазирлар Маҳкамаси ижро аппарати фаолиятини такомиллаштиришга, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар самарали амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Шу билан бирга, давлат хизмати институтини ислох этиш, давлат хизматчиларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, уларнинг касбий тайёргарлигини тубдан такомиллаштириш, бу соҳага янгича фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар кадрларни жалб этиш бўйича самарали тизим яратилади.

Ана шу масалаларнинг барчаси яқинда ишлаб чиқиладиган «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топади.

Ҳурматли дўстлар!

Инсон манфаатларини таъминлашда иқтисодий тизимнинг юксак суръатлар билан барқарор ривожланиши қандай катта аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш – буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислохотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир.

Шу борада нафақат энг кам ойлик иш ҳақини, балки бюджет ташкилотларида ҳам, хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ўртача иш ҳақи миқдорини, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини босқичма-босқич кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Аҳолини иш билан таъминлаш биз учун нафақат иқтисодий, айтилган катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, иш берувчи ташкилотлар билан бир қаторда банк муассасалари ҳам бу ишга янада фаол жалб этилиши керак.

Аҳоли бандлигини ҳал этишда туризмни ривожлантириш бўйича катта имкониятларни ҳам ишга солишимиз лозим.

Шу мақсадда яқинда ташкил этилган Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз маблағларини ва хорижий сармояларни халқаро стандартларга мос келадиган инфра-тузилмаларни ривожлантиришга йўналтириши зарур.

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини кучайтириш масаласига биз алоҳида устувор аҳамият қаратамиз.

Хорижий сармояларни ва илғор технологияларни иқтисодий таълимга жалб этиш учун чет эллардаги дипломатик ваколатхоналаримиз жиддий иш олиб бориши лозим.

Бунинг учун Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини кучайтириш, чет мамлакатлардаги элчиларимиз нафақат сиёсий, айтилган юртимизга инвестицияларни жалб қилиш масалалари билан ҳам фаол шуғулланишлари даркор. Уларнинг бу борадаги фаолиятини назорат қилиш учун Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг фаолият соҳаси ва ваколатларини кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Бу қўмита халқаро иқтисодий ҳамкорлик, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш масалалари бўйича парламент назоратининг муҳим бўғинига айланиши лозим.

Қўмита мамлакатимизга инвестицияларни жалб қилиш борасидаги ишларнинг самарадорлиги, бу соҳадаги муаммолар, тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича тегишли идораларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўриши мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон манфаатларини таъминлаш яна бир муҳим масала – аҳолимизнинг ярмидан кўпи яшайдиган қишлоқ жойларда ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли биз бундан буён ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, илғор технологияларни жорий этишга асосий эътиборни қаратамиз. Шу билан бирга, хомашёни, энг аввало пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича аниқ режалар белгиланмоқда.

Яна бир устувор вазифа – янги 2017 йилдан бошлаб қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон ва қулай уй-жойлар қуриш дастурини амалга оширишга киришамиз.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётининг манфаатлари авваламбор унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади. Албатта, бу борада юртимизда улкан ишлар қилинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Бу ҳақда гапирганда, барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайдиган бир мисолни айтиб ўтмоқчиман. Жорий йилда Бразилияда ўтказилган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз 44 та медаль, жумладан, 12 та олтин медални қўлга киритгани мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтариб келадиган спортчи ёшларимизга, уларнинг ота-оналари ва устоз-мураббийларига чуқур миннатдорлик билдираман.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаши табиийдир.

Бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга кўтарамиз.

Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келадиган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим.

Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар:

«Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши,

жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ».

Қаранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг сўзлар!

Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ҳаризли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳлики янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бизнинг навқирон авлодимиз манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятимиз яқинда қабул қилинган **«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»**ги қонун асосида қатъий давом эттирилади.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ёшларимиз интиладиган, уларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқарадиган ва манфаатларини ҳақиқий ҳимоя қиладиган ташкилотга айланиши учун барча чораларни кўрамиз.

Азиз дўстлар!

Барчамизга яхши аёнки, инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз. Буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бу борада маҳалла идоралари, хотин-қизлар, нурунийлар, ёшлар ташкилотларининг ўрни ва ролини янада кучайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Айни вақтда ҳозирги мураккаб замон тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда. Шу мақсадда биз ҳозирги вақтда Ички ишлар вазирлиги тизимини тубдан ўзгартириш чоратадбирларини кўряпмиз.

Ўз пайтида муҳтарам Юртбошимиз ички ишлар органларининг энг қўйи тизимида профилактика инспекторларини ташкил қилган эдилар. Аммо бугун бу инспекторлар профилактика, яъни жиноятларнинг олдини олиш билан шуғулланмаяпти, аксинча, содир бўлган жиноятларни рўйхатга олиш, юқори идораларга ҳисобот ёзиш билан банд.

Шу сабабли бу масалага қарашимизни тубдан ўзгартириб, маҳалладаги участка нозирларига самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур иш ва турмуш шароитларини яратиб берамиз.

Шунингдек, ҳар бир туман ҳокими ва туман ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозими жорий этилади. Бу раҳбарларнинг асосий вазифаси маҳаллада участка инспекторлари билан ишлашни ташкил этишдан иборатдир.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимизда инсон манфаатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бизнинг сайловолди дастуримиздан жой олган, ҳозирги кунда ишлаб чиқиладиган мақсадли дастурлар муҳим ўрин тутади. Бу дастурлар одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишни таъминлашга қаратилган.

Шу мақсадда мамлакатимиз Ҳукумати Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан биргаликда ва жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар иштирокида 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича **Ҳаракат стратегиясини** ишлаб чиқмоқдамиз.

Ушбу стратегияда давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликини мустаҳкамлаш бўйича энг долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилади.

Азиз дўстлар!

Биз ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни аввало халқимиз, Ватанимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда амалга оширамиз.

Бу сиёсатнинг асосини тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш ташкил этади.

Биз бундан буён ҳам узоқ-яқиндаги барча хорижий мамлакатлар, жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлигимизни давом эттирамиз. Бу борада очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб бориш тамойилига содиқ қоламиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар билан фаол муносабатлар ва ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилади.

Биз Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси, бошқа халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни янада ривожлантирамиз.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Биз янги – 2017 йилга эзгу ва олижаноб мақсадлар билан қадам қўймоқдамиз.

Буни ҳозиргина эълон қилинган «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» бўйича барчамиз, бутун халқимиз қалбидagi орзу-интилишлар ифодаси бўлган режа ва мақсадларимиз яққол тасдиқлаб турибди.

Ишончим комил, ана шу олижаноб вазифаларни ҳал этишда давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол иштирок этади.

Кириб келаётган янги йил сиёсатимизнинг бош мақсадини, яъни, **инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ**, деган эзгу ғояни изчил давом эттириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида яна бир улкан қадам бўлади.

Барчангизни Конституциямиз байрами билан самимий табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.



O'ZBEKISTON IFTIXORLARI

XV Паралимпия ўйинларида Ўзбекистоннинг 32 спортчиси дзюдо, сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш ва пауэрлифтинг турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда муносиб иштирок этиб, 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза, жами 31 медалга сазовор бўлди. Мазкур кўрсаткич билан Ўзбекистон делегацияси 160 дан ортиқ давлат орасида ўн олтинчи, Осиёда учинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги Бразилиянинг «Рио-де-Жанейро» шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинлари голиб ва совриндорларини пул мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармойишига мувофиқ Паралимпия ўйинларининг голиб ва совриндорларига пул мукофотлари ажратилди. Шунингдек, уларга Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ҳузуридаги Олимпиячиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан «Malibu» русумли автомобиллар тақдим этилди.

2016 йил 22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рио-де-Жанейро» шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармон спортчиларимизга кўрсатилган эътироф ва эъзознинг, эътибор ва эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Хусниддин НОРБЕКОВ, Паралимпия ўйинлари голиби:

– Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон байроғини кўтариб чиқишдек шарафли вазифа менга топширилди. Бу менга ўзига хос масъулият юкледи. Паралимпия ўйинлари голиби бўлганимдан бир қувонган бўлсам, бу натижага Паралимпия рекордини янгилаган ҳолда эришганимдан икки ҳис-

са қувондим. Биринчи бўлиб оила аъзоларим ва мураббийимга қўнғироқ қилдим. Улар қувончдан йиғлаб юборишди. Келажакда бундан ҳам юқори натижаларга эришиш учун бор кучим билан ҳаракат қиламан.

Шерзод НАМОЗОВ, Паралимпия ўйинлари голиби:

– Спортда ютуққа эришиш учун моддий-техник базанинг мустаҳкам бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Биз спортчиларга бу борада энг юксак шароитлар яратиб берилганини алоҳида эътироф этмоқчиман. XV Паралимпия ўйинларидаги ҳар бир баҳсга Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг хотирасини ёд этган ҳолда чиқдим ва яқунда олтин медални қўлга киритдим. Буюк юрт фарзанди эканимдан ғурурланаман.

Ҳаётжон АЛИМОВА, Паралимпия ўйинлари кумуш медали соҳиби:

– Биз Риога етиб борганимизда Юртбошимиз Ислам Каримов вафот этганини эшитдик. Ҳаммамиз чуқур қайғуга ботдик. Кейин биз спортчилар ўз-ўзимизга сўз бердик: биз у кишининг руҳини шод этамиз, қилган меҳнатларининг самарасини бутун дунёга кўрсатамиз. Майдонга чиққан ҳар бир спортчини бу ҳис бир муддат ҳам тарк этгани йўқ. Бизни қўллаб-қувватлаб турган барча юртдошларимизга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Фирдавс МУСАБЕКОВ, Паралимпия ўйинлари голиби:

– Бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган халқимизга, ҳукуратимизга барча спортчилар номидан раҳмат айтмоқчиман. Юртимизда барча талабларга жавоб берадиган спорт комплекслари қурилган. Уларда шуғулланган, тобланган спортчилар бугун дунё миқёсидаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Очиғи-



ни айтганда, ана шундай имкониятларга эга бўла туриб, чемпион бўлмасликнинг иложи ҳам йўқ.

Аҳрор БОЗОРОВ, Паралимпия ўйинлари бронза медали соҳиби:

– Мазкур Паралимпия ўйинларида бронза медалини қўлга киритдим. Ваъда бериб айтаманки, Токио паралимпиясида бу медал, албатта, олтин бўлади. Бизни юксак даражада тақдирлашди. Бу кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Бундан жуда ҳам миннатдоримиз. Бизни олдинда яна янги ғалабалар кутиб турибди.

Одил ТУЛЕНДИБАЕВ, Паралимпия ўйинлари голиби:

– Ҳаётда жисмоний имконияти чекланган одамлар тушкунликка тушиб қолган вазиятларни кўп кўрганмиз. Мен ўйламанки, одам ҳар қандай ҳолатда ҳам олдинга интилиши, ўз олдига катта мақсадлар қўйиши зарур. Бугун Ўзбекистонда паралимпия спортчилари ҳеч кимдан кам бўлмаган даражада эъзозланяпти. Бунинг учун давлатимизга раҳмат. Биз бу галги Паралимпия ўйинларида 31 медални қўлга киритдик. Кейинги мусобақаларда бундан ҳам кўпроқ медаллар шодасига эга бўламиз.

Турсунпоша НУРМЕТОВА, Паралимпия ўйинлари бронза медали соҳиби:


– Юртимиз азалдан полвонлар ватани бўлган. Бизда ҳатто эрактларнинг курагини ерга теккизган аёл курашчилар ҳам кўп. Болалигимда улар ҳақида эртақлар айтиб беришарди. Уша пайтда менда ҳам курашчи бўлиш истаги туғилган. Юртимизда аёллар спортини ривожлантиришга берилаётган юксак эътибор сабабли менда ҳам дзюдо билан шуғулланиш имкони пайдо бўлди. Устозларимнинг ўғитларига амал қилиб, Паралимпия ўйинларида совриндор бўлдим. Натижаларимни янада яхшилаш учун бор кучим билан ҳаракат қиламан.

Феруз САИДОВ, Паралимпия ўйинлари бронза медали соҳиби:

– Биз Рио Паралимпиадасида ўзбек спортчиларининг қандай кучга эга эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Шахсан мен бу олимпиадада иштирок этишни жуда истагандим. Тўғри, бироз омад етишмади. Насиб бўлса, ҳозирги натижам билан чекланиб қолмай, кейинги Паралимпия ўйинларида ва халқаро турнирларда ғалаба қозонишга сўз бераман.

Давоми 18-бетда





Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

She'r qolur, shoir qolur...

То тирикдурки табииат,
То кучеъ саргайки нур,
Уч эгиз бордир ишунга,
Уч бу сўз ёндош бўлур.
Моҳиру меҳру маҳорат,
Ошму илму амал,
Ошиқу ишқу машаққат,
Шоиру шеърү шуур.

Эркин Воҳидов

ШЕЪР АЗИЗ ОЛАМ АРО

Шеър азиз олам аро
Менга тириклик, жон қадар,
Жон недир ошиқ учун,
Жондин азиз жонон қадар.

Шеърдан айру тонгларим
Ялдо тундай зим-зиё,
Шеър билан тунлар чарогон
Хуршиди тобон қадар.

Шеър ўзи жонон эмасму,
Ёндирар ҳижронида,
Гоҳи боқса бир қиё,
Бошим бўлур осмон қадар.

Кимки ошиқдур жаҳонда
Шеърга бўлгай мубтало,
Ишқ учун тенгдур гаодан
То буюк султон қадар.

Шоҳ Бобур Ҳинду сори
Юрди-ю, шоир ва лек
Йиғлади Фарғонадин то —
Мулки Ҳиндистон қадар.

Шеър зулолидан симирдим
Бир пиёла тўлдириб,
Воҳ, кўринди менга ҳар бир
Қатраси уммон қадар.

Нуқта қўй назминга, Эркин,
Мухтасарлик сўзга зеб,
Йўқса, тонг отгунча шеъринг
Бўлғуси дoston қадар.

БИР НИҲОЛ

Юртдошим, боғинга бир ниҳол қада,
Бу ниҳол номини Яхшилиқ ата.

Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй,
У гулнинг исмини Гўзаллик деб қўй.

Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,
Сув бер ва бу сувга Меҳр деб қўй от.

Сендан фарзандинга боғ қолсин, эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.

ГЎЗАЛЛИК

Мулки борлиқ ичра бир маҳал
Кўрксизгина олам яралган.
Бермоқ учун дунёга сайқал
Олам аро одам яралган.

Шундан бери инсон тинмайин
Шу ер узра тер тўкар ҳамон.
Ерни гўзал қилгани сайин
Гўзал бўлар ўзи ҳам инсон.

ЙЎҚ, ҲАЛОВАТ ИСТАМАЙМАН

Йўқ, ҳаловат истамайман,
Ором билмас ёш жоним.
Тўлқин урган уммонча бор
Юракдаги туғеним.
Бўронларга, довулларга
Пешвоз юргим келади.
Дарёларнинг гирдобига
Кўкрак ургим келади.
Тинчлик билмас одатимдан
Озор чексам майлига.
Олов бўлиб бир дам ёнсам,



Сўнг ўчсам ҳам майлига...
 Ҳар мушкулга бардош берар,
 Чидар менинг тош бошим.
 Аммо сокин, тинч яшашга
 Сира йўқдир бардошим.

СЕВГИ

Ўн саккизга кирмаган ким бор,
 Боғингдан гул термаган ким бор.
 Сен ҳақингда ёзиб тўрт сатр,
 Сирдошига аста кўрсатиб,
 Қўшни қизга бермаган ким бор.
 Дастлаб ҳар ким қалам олган он
 Ёниб сени куйлар бегумон.
 Маскан қуриб ҳар бир кўнгилдан,
 Ошиқларни қолдириб тилдан,
 Шоирларни қилурсан бийрон.
 Тушдим чоғи мен ҳам доминга,
 Эзгу ҳислар бахш этдинг менга,
 Ҳаётимга зар лавҳа бўлдинг,
 Илк шеъримга сарлавҳа бўлдинг,
 Хаёлларим улфатдир сенга.
 Юрагимда ҳис этдим қанот,
 Тилсим каби очилур ҳаёт,
 Висолдаги дамларим ширин,
 Ҳижрондаги ғамларим ширин,
 Кулиб боқар менга коинот...
 Ўн саккизга кирмаган ким бор,
 Боғингдан гул термаган ким бор...

ИШҚ ИСТИЛОСИ

Кўнгул мулкини торож —
 Айлаган ишқ истилосидир.
 На бўлгай охири, бу
 Истилонинг ибтидосидир.
 Дегайлар, дўстликдан —
 Бошланур ишқ, акси эрмасми,
 Биз энди дўст, деди ёр,
 Оҳ, бу севги интиҳосидир.
 Баланд парвоз этар ёр —
 Дил қуши, кўзларни дом айлаб,
 Уни сайд айламоқ ё
 Ҳар кўнгилнинг муддаосидир.
 Нечун ҳусну садоқатни
 Эгиз тугмабди бу олам,
 Табиат қасдидир ёки
 Бу ҳам битта хатосидир.
 Кўнгил дардини айтиб
 Йиғламасман кўчаю кўйда,
 Ўзи кўнглимга дард солган,
 Ўзи бу дард давосидир.
 Топиндим ёр — санамга мен
 Муҳаббат саждагоҳида,
 Билинг, динсизлар осиймас,
 Муҳаббатсизлар осийдир.
 Жафо қил, майли, дилбар,
 Васл умидин қўймагай Эркин,
 Ётар йўлингда кўнглим —
 Бир ширин сўзнинг гадосидир.

* * *

Ой фонусин кўтарди осмон,
 Юлдузчалар бўлди парвона.
 Сайр этайлик, кел, бирга, жонон,
 Кўнглим сени истар ягона.

Қўлларимдан тут ўзинг, дилбар,
 Ойдин йўлга етакла мени.
 Ошиқ бўлиб, ишон, шунчалар
 Севмагандим ҳеч қачон сени.

Ажаб, ортиқ сармастман букун,
 Кўкрагимга сиққудай олам.
 Бу кун лим-лим тўлмиш лолагун
 Ишқ майига кўнгил пиёлам.

Кел, юлдузлар тўшалган йўлдан
 Етакласин бизни муҳаббат.
 Ғамларингни чиқар кўнгилдан,
 Шод кунларни эслайлик фақат.

Сайр этайлик, кел, бирга, эркам,
 Рози кетсин биздан умрбод —
 Шодлик учун яралган олам,
 Севмоқ учун берилган ҳаёт.

ЯНГИ ЙИЛ ШЕЪРИ


Инсон феъли ажабдан ажаб,
 Йўқдир унга мезонсиз олам.
 Юлдузларни ўлчар ботмонлаб,
 Қаричлайди чексизликни ҳам.

Ўзи эга, ўзи қул мангу
 Ўзи топган ақидаларга,
 Не дей, ҳатто мангуликни у
 Бўлиб чиққан дақиқаларга.

Дақиқадан соатлар йиғиб,
 Кунлар тузиб ой жам қилади.
 Йиғламайди умр ўтди деб,
 Йил ўтди деб байрам қилади.

Кўпайса-да, ажинлар ҳарчанд,
 Оқарса-да, йиллардан боши,
 Қувонади – кўпайди фарзанд,
 Севинади – улғайди ёши.

Бу туганмас орзу ҳавасда
 Бор умидбахш имонга асос:
 Инсон ўлмас.
 Аста ва аста
 Боқийликка ўтади, холос.





Темурийлар сулоласининг энг машхур вакилларидадан – Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай) буюк давлат арбоби, адолатли шоҳ, илм-фанда юксак чўққиларни забт этган улуғ алломадир. Ҳазрат Навоий: «Темурхон наслидин султон Улуғбек, Ки олам кўрмади султон анингдек», дея бе-жизга таъриф бермаган.

«Temurxon naslidan sulton Ulug'bek...»

Мирзо Улуғбек – Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шохрух Мирзонинг фарзанди бўлиб, Соҳибқироннинг энг севимли набираси эди. Шу боисдан бобосининг барча ҳарбий юришларида иштирок этган. Кейинчалик буюк олим ва ҳукмдор бўлиб етишган.

Адабиётимизда Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва ижоди кенг қамраб олинган китоблар санокли. Ана шундай қиймат ва салмоққа эга асарлардан бири Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясидир. Мазкур асар ўзбек тарихий драма санъатини янги босқичга кўтарди, десак хато бўлмайди. Адиб асарда Мирзо Улуғбек яшаган даврни, у ҳукмронлик қилган сарой муҳитини кўз ўнгимизда яққол гавдалантиради.

Саҳна асарида Мирзо Улуғбек, бир томондан, салтанат яхлитлиги учун курашган қатъиятли ҳукмдор сифатида, иккинчи томондан, илму-фан жонкуяри, жаҳоншумул кашфиётларни амалга оширган олим сифатида тасвирланади. Ҳақиқатан ҳам, Мирзо Улуғбекнинг тарих олдидаги катта хизмати илм-фан, маърифат, маданият ривожига кўрсатган эътибори ва ҳомийлигида кўринади.

Ўзбек миллий академик драма театрида ўз даврида машхур бўлган, санъат дарғаларимиз маромига етказиб ижро этган «Мирзо Улуғбек» трагедияси бу йил режиссёр Олимжон Салимов томонидан қайта саҳналаштирилди.

– Бугунги глобаллашув даврида, дунёда инсон қалби учун курашлар, четдан туриб, одамлар дунёқарашини бошқаришга бўлган уринишлар авж олган замонда мазкур асар маънавий баркамоллик йўлида абадий маёқ бўлиб хизмат қилиши билан аҳамият-

лидир,- дейди таниқли адабиётшунос олим, драматург Шухрат Ризаев. Спектаклда бу жиҳат асосий ғоявий-бадиий концепция даражасига кўтарилган. Мана бу мисраларга эътибор қаратинг:

Ҳар ёқ хатарнок!

Бизга лозим забардастлик, бирлик ва идрок.

Бу фурсатда оломонга ғалаён солиб,

Бизга қарши қўзғатганлар бизга дўст эмас.

Улар Темур хонадонин ёвуз душмани,

Бундай овоз зиндонлардан чиқмай бўғилар.

Спектаклда саҳна декорациясидан тортиб актёрлар либосигача, реквизитлар, бутафориялар, муסיқалар, оммавий саҳналар Мирзо Улуғбек яшаган даврни томошабин кўз ўнгида реал гавдалантиради. Парда очилиши билан расадхонада Мирзо Улуғбек сиймоси кўзга ташланади:

Маърифатнинг даргоҳига қўйдим ихлосим.

Оғир бўлди қисмат менга ортган вазифа.

Мен, султонлар ўртасида бўлдим донишманд,

Донишмандлар тепасида султон саналдим.

Маърифатни ҳукуматга қилиб раҳнамо,

Бу ўлканинг ерида ҳам юлдузлар ёқдим.

Асар бежиз бундай сўзлар билан бошланмайди. Бу унинг давлатчилик фаолияти маърифат асосига қурилганига ишорадир. Дарҳақиқат, ўзи қурдирган мадраса пештоқига «Илм олиш ҳар бир мусулмон учун фарздир» деган ҳикматни ёздирган Мирзо Улуғбек ҳамини кишиларни илмли-бўлишга даъват қилган.

Бир пайтлар беназир санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Шукр Бурҳонов талқин этган Мирзо Улуғбек сиймоси бугун унинг шоғирди – Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ижросида саҳнага қайтди. Образга нафақат ижодий, балки руҳан ва маънан

тайёргарлик кўрган Эркин Комилов Мирзо Улуғбекнинг шоҳлик, олимлик ҳолатларини, ички кечинмалари, қалб туғёнлари, дардини устозидек баъзида сукут, баъзида сўз, баъзан кўз қарашлари орқали очиб беришга ҳаракат қилган.

Саҳнада Улуғбек характери асардаги бошқа образлар орқали ҳам очиб берилади. Масалан, унинг Али Қушчи, Саккокий, Пири Зиндоний, Шайхулислом Бурҳониддин, Чин, Ҳинд, Фаранг каби давлатлар элчилари билан бўлган мулоқотида илм-фан ҳомийси, буюк олим, маърифат фидойиси каби хислатлари намён бўлса, Саид Обид, Абдулатиф Мирзо, Аббос кабиларга бўлган муносабатида мутаассибликка қарши қатъий курашган инсон сиймоси кўз олдимизда гавдаланади.

Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов Саид Обиднинг қабих қиёфасини кўз қарашлари, фикрий зиддиятлар орқали томошабин тасавурида жонлантиради. Саид Обид худбин, манфаатпараст, разил кимса сифатида намён бўлади. Айниқса, Мирзо Улуғбек ва Саид Обиднинг кескин суҳбати асносида маърифат ва жаҳолат, адолат ва қабихлик ўртасидаги тафовут ойдинлашади. Спектакль давомида воқеалар кескин тус олган сайин актёрлар ижроси ҳам босқичма-босқич ривожланиб бораверади.

Саҳна асарида аёллар образлари ҳам ўзига хос гавдалантирилган. Гавҳаршодбегим, Феруза, канизаклар, уларнинг барчаси ўз дунёқарашини, орзу-мақсадларига эга персонажлардир. Мирзо Улуғбекнинг суюкли ёри, садоқатли шогирди Феруза образини актриса Лола Элтоева самимий, оқила, кези келганда эътиқодида собит, шижоатли, ўз замонасининг маърифатли аёли сифатида жонлантира олган. Актриса қаҳрамоннинг ички дунёсида кечаётган мураккаб ўзгаришлар, дарду изтиробларни лирик ва драматик ҳолатлар уйғунлигида очиб беришга ҳаракат қилади. Бу ҳол унинг Абдулатиф билан кечган суҳбати саҳнасида яққол кўринади. Феруза Мирзо Улуғбекка бўлган вафоси ва чин муҳаббати туфайли Абдулатифнинг қинғир ишлари аён бўлса-да, ота ва фарзанд ўртасига нифоқ солишни истамайди. Чунки Мирзо Улуғбек ҳукмдор, катта салтанат эгаси бўлишига қарамай, аввало, инсоний фазилатлардан бегона бўлмаган меҳрибон отадир. Бироқ у салтанат, илм-фан ишлари билан банд бўлиб, ўғлини ўзига душман сифатида қайраб, аввал тахтидан, сўнг ҳаётидан маҳрум қилиш учун амалга оширилган фитналардан беҳабар қолади.

Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг Улуғбек тилидан айтган қуйидаги сўзлари ёдга тушади:

*Қанча ғамга ботмаган эдим,
Қанча оғу ютмаган эдим...
Ўз боламдан кутмаган эдим...
Мен дардимни кимга айтаман?!*

Саҳна асарида қарама-қаршилиқ, зиддиятга сабаб бўлувчи, асосий конфликтни ҳаракатга келтирувчи куч Абдулатифдир. Тожтаҳт учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган, мутаассиблар қўлида қўғирчоқ бўлган Абдулатиф образини гавдалантирган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов ўзига юклатилган вазифани маҳорат билан бажарган, десак хато бўлмайди. Асардаги ота ва фарзанд ўртасидаги кескин суҳбатда Фатхулла Маъсудов ўз ҳаракатлари, ғазабнок сўзлари, беқарорлиги, қиёфасидаги иккиланишлар билан образнинг ишончли чиқишига эришган.

Мирзо Улуғбекнинг ҳақиқий инсоний қиёфаси унинг тахтдан воз кечиши саҳнасида ёрқин кўринади. У аҳволи танг бўлганидан ёки ўз жонини қутқариш учун эмас, балки мамлакат фуқаролари тинчлигини ўйлаб, Абдулатиф билан сулҳ тузмоқчи бўлади. Кўксаройда ҳибсда ушлаб турилган Пири Зиндонийни ҳам озод этади.


*Ўтиб кетар бу даҳшатлар, бу маъракалар,
Уруш, вабо ва жаҳолат ўтиб кетади.
Оҳ, нақадар саодатли бўлур дунёмиз,
Ва нақадар азиз бўлур эркин одамзод.
Бу жаҳонда биродарлар қолур-ку, охир,
Бир сўзимиз ё изимиз.
У ойдин элда зора мени ва бизларни
эсласалар бас.*

Мирзо Улуғбек тилидан айтилган мазкур монолог спектаклнинг бутун гоёвий мақсадини очиб беради.

Мирзо Улуғбек ва Али Қушчи устоз-шогирд, қолаверса, ота ва фарзанддек бир-бирига меҳрибон, ҳамфикр, маслақдош бўлишган. Асарда бу жуда маҳорат билан тасвирланган. Мирзо Улуғбек ва Али Қушчи ўртасидаги бундай самимий муносабатлар спектаклда янада тўлақонли акс эттирилса у бойиган бўларди. Албатта, ушбу саҳна асарида қаҳрамонлар тили, ўзаро мулоқоти жараёнида кўзга ташланган айрим жиҳатлар, сайқаллаш зарур бўлган саҳна кўринишлари ҳам йўқ эмас.

Мазкур асар ёш авлод қалбига ажодларимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик туйғуларини сингдириши билан аҳамиятлидир.

Чарос ҲАМИДОВА



BADIYYAT kaliti

Бадиий асарни англаш, сўзнинг моҳиятига кириш, бадиий яратикдан таъсирланиш, маънавий озуқа ва завқ ола билиш, ўзга бир шахс томонидан ифодаланган фикрни тушуниш, айниқса, тушунтириб бериш адабий таълимнинг барча босқичларида энг мураккаб масалалардан бири бўлиб, жуда мушкул, айна замонда, шарафли юмушдир. Ўқитиш жараёнида бунга эришиш жамиятда маънавият юксалишида ғоят муҳим ўрин тутаети.

Махсус филологик билим эгалари бўлмиш адабиёт ўқитувчилари ҳам, филолог мутахассислар ҳам асарларнинг бадиий ва дидактик таҳлили, унинг етакчи тамойиллари, ҳар хил тур ёки жанрдаги бадиий матнни муҳокама қилишнинг ўзига хосликлари, уни текшириш босқичлари, бу жараёнда объект ва субъект муносабатлари ҳақида тизимли билимга эга эмаслар. Филологик йўналишдаги олий ўқув юрларида адабиётшуносликка кириш, адабиёт тарихи, назарияси ва адабий танқидни ўрганишга қаратилган дарсларнинг бирортаси замирида бадиий матн таҳлили бўйича мукамал билим берилмайди. Кўпчилик мутахассисларнинг асар таҳлиliga бағишланган битикларда бадиий матннинг ўзидан кўра унинг атрофида айланиб фикр юритиши сабаби ҳам шундан. Қозоқбой Йўлдош ва Муҳайё Йўлдош ҳамкорлигида яратилган «Бадиий таҳлил асослари» асари юқорида саналган муаммоларни ечишга қаратилган илк тадқиқотдир.

Келажакда минг-минглаб ўқувчи-талабалар, бўлажак адабиётшунослар, шоирлар эзувчилар ва адабиёт ўқитувчиларининг таянч китобига айланиши тайин бўлган бу асар мамлакат университетлари филология факультетлари ўқув режасидан ўрин олган «Бадиий таҳлил асослари» фани учун дарслик ўлароқ ёзилди. Фанлар методологиясидан маълумки, илмнинг бирор тармоғи алоҳида фан сифатида эътироф этилиши учун ўз мустақил тадқиқот предмети ва илмий тадқиқот усуллари-дан ташқари, салмоқли ижтимоий аҳамиятга эга бўлмоғи лозим. Китобда «Бадиий таҳлил асослари»нинг алоҳида фан экани ишонарли далилланган. Бу фаннинг мақсади: «бўлажак филолог мутахассисларни исталган бадиий асарни илмий таҳлил қила олишга ўргатиш»дан иборат. Китобда «Бадиий таҳлил асослари» фани олдиға: «...филолог-мутахассисларга муайян адабий асарнинг миллий бадиий-эстетик тафаккур тараққиётидаги ўрни, конкрет асарнинг ўзига хос жиҳатлари, тасвирдаги ютуқ ва камчиликлар ҳамда буларнинг сабаблари нимадан иборатлигини топиш йўлларини ўргатиш»га қаратилган вазибалар қўйилиши кўрсатилган. «Бадиий таҳлил асослари»нинг объекти ва предмети ҳам бошқа фанларникидан фарқли бўлиб: «...очун бўйича энг қадимги замонлардан бугунга қадар яратилган озғани ва ёзма бадиий асарлар» унинг объекти экани таъкидланган. Шунингдек, «Адабий асарнинг бадиийлигини таъминлаган омиллар, унинг эстетик жозибасини ташкил этган унсурлар, эзувчининг услуги, бадиий асар ва ижод-

кор дунёқараши, бадиий асар ҳамда жамият муносабати, бадиий асарда инсон руҳиятининг ифодаланиш йўсини каби... жиҳатларни назарий текшириб, уларга асосли илмий баҳо бериш йўллари» тадқиқ этиш бу фаннинг предмети экани айтилган. Таъкидлаш жоизки, китобда мутлақо янги фаннинг мавжудлигини таъминлайдиган параметрлар тўғри белгилаб берилган.

«Бадиий таҳлил асослари» китоби «Назарий чизгилар», «Амалиёт кирралари» ва «Илмий мактаблар» сингари уч бўлимдан иборат. «Назарий чизгилар» деб номланувчи илк бўлимда ҳар қандай таҳлилга асос бўладиган «бадиий асар» тушунчасининг моҳияти очиб берилган. Унда дунё миқёсидаги бир қатор олимларнинг қарашларига муносабат билдирилган ҳолда бадиий асарга: «...эстетик мақсадга йўналтирилиб, образлар воситасида киши руҳияти ва тафаккурига таъсир кўрсата оладиган, муайян мантиқий тугаллик ҳамда бадиий ўзига хосликка эга теран мазмун ва таъсирчан шаклдан иборат яратик бадиий асар дейилади» тарзида таъриф берилган. Айни ўринда адабиётнинг: мулоқот-коммуникатив; баҳолаш-аксиологик; тарбиявий-ахлоқий; завқлантириш-ҳедонистик ва билиш-гносеологик сингари вазибалари ҳам саналган.

Асарда адабиётнинг юқорида санаб ўтилган бошқа вазибаларига хос хусусиятлар ҳам ишонарли кўрсатилиб, уларнинг бадиий асарни таҳлил қилишдаги ўрни очиб берилган.

Илк бўлимнинг «Бадиий таҳлил моҳияти» қисмида кўркам асарни таҳлил қилиш йўсинининг илмий тадқиқи тарихига алоҳида тўхталинган. «Бадиий асар таҳлили» тушунчасининг моҳиятига кириш учун илмий таҳлилнинг нимадан бошланиши, бу жараёнда нималарга эътибор қаратилиши лозимлигига ойдинлик киритилган. Китобда «Бадиий асар таҳлилининг етакчи тамойиллари» сарлавҳаси остида ҳар қандай бадиий таҳлилнинг тугал бўлмаслиги; ҳар қандай илмий таҳлил фақат шахсий фикр ифодаси бўлиб, ҳеч қачон мутлақ ҳақиқатлик даъвосини қилиши мумкин эмаслиги; бадиий матнга ғояни ифодалаш воситаси дебгина қарашнинг мумкин эмаслиги; санъат ҳодисаларига борлиқнинг нусхаси тарзида муносабатда бўлмаслик кераклиги; яхлитлик; тизимлилик; тарихийлик; эстетик асосларнинг устуворлиги; ҳиссийлик сингари тамойиллари хусусида сўз юритилган. Ҳар бир принципнинг бадиий асар таҳлилидаги ўрни, роли ва аҳамияти очиб берилган. Масалан, «ҳар қандай таҳлилнинг тугал бўлмаслиги» тамойили ҳақида гапириларкан, чинакам бадиий асар формал мантиқ билан изоҳлаш мушкул бўлган руҳий-интеллектуал фаолиятнинг маҳсули ўлароқ ҳиссий-иррационал идрок этиш мумкин бўлган яратик экани айтилади. Маълумки, жамики санъат феномени мантиқий тушунчаларга сигмай қолган жойдан бошланади. Энг зўр, ўта билимли тадқиқотчи ҳам асл ижод намунасини тўлиқ, барча замонлар ва инсонлар учун ўзгача талқинга ўрин қолдирмайдиган тарзда таҳлил қилолмаслиги ҳақидаги фикр ҳам ҳақиқат. Чунки асл бадиий асар асрлар оша яшайверади ва ҳар бир давр вакили уни ўз савияси, диди, дунёқараши, интеллектуал имкониятлари даражасида қабул этади ҳамда ўзича таҳлил қилади. Унинг таҳлили ҳеч қачон тўлиқ тугалликка ёки қатъий, ўзгармас хулосага даъво қилолмайди.

Битикнинг «Мавзу ва муаммонинг таҳлил йўналиши»

ни белгилашдаги ўрни» номли қисмида таҳлилда бадий асар мавзуси ва унда кўтарилган муаммони аниқлаб олиш зарурлиги айтилади. Таҳлилни амалга ошириш тартибини сўздан образга, образдан ифодага, ифодадан фикрга тарзида ташкил этиш самарали экани таъкидланади.

Бадий асар таҳлилида ниманинг бирламчи эканини аниқлаб олиш, нимага устувор аҳамият қаратиш кераклиги, яъни таҳлил йўналишини аниқлаб олиш асар таҳлилининг самарадорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этиши асарда алоҳида қайд этилган. Таҳлилнинг йўналишини белгилаб олишда унинг мавзуси алоҳида ўрин тутуди. Чунки тасвирнинг нимага қаратилгани бадий асарнинг мавзусида маълум даражада акс этган бўлиши мумкин. Муаллифларнинг фикрича, бадий асар таҳлилида мавзунинг назардан қочирмаган ҳолда унга ортиқча эътибор қаратмаслик зарур. Бу хулосага келингунга қадар асарнинг мавзуси масаласида ҳам бир қатор олимларнинг қарашлари ўрганиб чиқилган. Маълум бўладики, бадий асар таҳлилининг амалга оширишда эътиборни мавзу ва тимсоларга қаратишдан кўра ундаги марказий муаммони аниқлаб олиш кўпроқ аҳамиятга эга. Айнан асарда кўтарилган муаммода унинг бошқа яратилганга ўхшамайдиган жиҳатлари намоён бўлиши мумкин. Шу бобда бадий асар таҳлилининг генетик, типологик, функционал, фалсафий, психологик, лингвистик (семиотик) сингари йўналишлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва улардан фойдаланиш йўллари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилган.

Китобнинг «Бадий таҳлилда шакл ва мазмун муносабати» деб номланувчи бобида бадий асарлар таҳлилида унинг шакл ва мазмун мутаносиблиги бекиёс аҳамият касб этиши очиб берилган. Таъкидланишича: «...асарнинг руҳий-интеллектуал асоси – мазмун, шу асоснинг моддий ифодаси – шакл». Яъни ҳар қандай бадий асарнинг моҳияти, мавжудлиги унинг мазмунини, бу моҳият ва мавжудликнинг ўзига хос ифода тарзи эса шаклини ифодалайди. Мазмун мавжуд нарса-ҳодисага муаллифнинг ички муносабати бўлса, шакл шу муносабатни ифода этиш йўсинидир. Ҳар қандай бадий асар учун шакл ҳам, мазмун ҳам бирдай аҳамиятли. Муаллифлар асар таҳлилининг амалга оширишда шаклдан мазмун сари борилса, самарадорликка эришиш мумкинлигини айтадилар. Чунки ҳар қандай бадий матннинг гўзаллиги кўпроқ унинг шаклида намоён бўлади. Бу ҳол бадий таҳлилнинг янада теранлашишига имкон яратади, шаклнинг қирралари кашф этилгани сари эса ундан чиқадиган бадий мазмун чуқурлашиб, турфалашиб бораверади.

Китобнинг навбатдаги боби «Таҳлилда субъект ва объект муносабати» деб номланади. Асарда «субъект» ва «объект» тушунчаларига ҳам фалсафий, ҳам бадий-эстетик таъриф берилади. Соддароқ ифодалаганда, бадий асар – объект, уни таҳлилга тортувчи шахс эса – субъект саналиши кўрсатилади. Бадий асар, яъни объект таҳлилининг тўлалик, чуқурлик ва аниқлик даражаси субъект – таҳлилчи савиясининг баландлиги, дунёқарашининг кенглиги, муносабатда ҳолислиги ва компетентлилигига боғлиқ экани таъкидланади.

Асарнинг «Амалиёт қирралари» бўлимида бадий матннинг илмий, яъни филологик таҳлилига: «адабий асардаги тасвирнинг яратилган ҳамда ўрганилаётган пайтдаги бадий ва ҳаётий мантиғи ҳамда эстетик ўзига хослигини англашга қаратилган интеллектуал-ҳиссий

фаолият илмий (филологик) таҳлил дейилади», тарзида таъриф берилган. Бадий асар таҳлили учун муҳим аҳамият касб этадиган икки жиҳат: бадий матн мазмунини айтиб беришга уринмаслик ва таҳлилнинг фақат таассуротлардан иборат бўлиб қолишига йўл қўймаслик кераклиги алоҳида таъкидланади. Чиндан ҳам асар мазмуни қайта ҳикоялаб берилганда унинг таъсир кучи бутунлай йўқолади. Чунки ҳеч ким, ҳатто муаллифнинг ўзи ҳам асар матнини ёзилганидек таъсирли қилиб айтиб беролмайди. Шу боис матнни битилганидек ўқиш керак бўлади. Китобда бадий таҳлилда синчи фикрларининг изчил, англашимли, ҳолис, айна вақтда, эҳтиросли баён этилиши мақсадга мувофиқ экани айтилиб, бу борадаги назарий қарашнинг амалий мисоли сифатида Шавкат Раҳмон шеърояти таҳлили тақдим этилган.

Мазкур бўлимдан ўрин олган «Кўркем асарнинг ўқув таҳлили» қисмида бадий асарлар дидактик таҳлилининг ташкил этишнинг назарий асослари белгиланган, унинг илмий-филологик таҳлилдан фарқли жиҳатлари кўрсатилган. Дидактик таҳлил ҳам филологик таҳлил сингари бадий матн моҳиятига кириш, бадий сўз жозибасини ҳис этиш, сўз замирига беркитилган ҳақиқатларни кашф этиш экани таъкидланган. Ўқув таҳлилининг филологик таҳлилдан асосий фарқи шундаки, у маълум педагогик мақсадга, яъни ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантиришга қаратилган бўлади. Дидактик таҳлил ҳамisha жамоавий фаолиятдир. Агар илмий таҳлил бир кишининг фикри ифодаси бўлса, дидактик таҳлил ўқитувчи-ўқувчи ёки ўқувчи-ўқувчи ҳамкорлигида амалга ошириладиган жараёндир. Китобда: «Дидактик таҳлил иштирокчилари ҳамisha биттадан кўп бўлади ва барча ақлий-эстетик операциялар муайян макон, замон чегараси ҳамда қатнашчиларнинг имконияти-ю савияси ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади», дейилади. Чиндан ҳам ўқув таҳлилида дарс вақти, ўқувчиларнинг ёши, тайёргарлик даражаси, синфхона, дарс жадвали сингари чегаралар бўлади.

Китобда: «...бадий асарнинг тўғри қабул қилинишини таъминлаш орқали ўқувчи ва талабаларда бадий асарни тўғри изоҳлаш малакасини қарор топтириш билан бирга уларда эзгу ахлоқий сифатларни шакллантиришдан иборатдир» тарзида дидактик таҳлилнинг мақсади белгилаб берилган. Ўқув таҳлилининг мақсадини белгилашда ўсиб келаётган авлоднинг шахсиятида эзгу маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш устувор мақомда экани қайд этилган. Чунки тарбияланувчиларда бадий асарни тўғри изоҳлаш малакасини шакллантиришнинг ўзи филология йўналишидаги мактаб, лицей ёки коллежларда устувор аҳамият касб этиши мумкин. Аммо оддий таълим тизимидаги ўқув муассасалари учун дидактик таҳлилдан кузатиладиган пировард мақсад ёшлар маънавиятини шакллантиришга қаратилган.

Асарда ўқув таҳлилининг вазифалари: «...бадий асарнинг ўзига хослиги, жозибаси ва таъсир қилиш сабабларини аниқлаш йўли билан ўқувчи-талабаларда таъсирчан қалб, ҳассос туйғулар, соғлом эстетик дид, равон ҳамда ифодали нутқ шакллантириш» сифатида кўрсатилган.

Давоми 32-33-бетларда.





(Давоми. Боши 10-11-бетларда)

Фотима ОМИЛОВА, Паралимпия ўйинлари ғолиби:

– Авваламбор, бу ғалаба фақатгина менинг ютуғим эмас. Унда юртимиз, халқимиз, ҳукумати-миз ва Биринчи Президентимизнинг хизматлари катта. Агар бизга шундай шароитлар яратиб берилмаганда, бугунги натижалар бўлмасди. Паралимпия ўйинларида дастлаб бронза медалини қўлга киритдим. Кейинги баҳсларда эса кумуш медалга эришдим. Бироқ менинг мақсадим олтин олиш эди ва учинчи ўринда бу мақсадимга эришдим. Мен бахтли ўзбек қизиман.

Миран САҲАТОВ, Паралимпия ўйинлари бронза медали соҳиби:

– Ушбу ғалабаларни қўлга киритишимиз йўлида бизни тинимсиз қўллаган халқимизга паралимпия делегацияси номидан миннатдорлик билдираман. Тақдир тақозоси билан менинг кўзларим кўрмай қолди. Бироқ бундан тушкунликка тушмадим. Ҳаётнинг оғир қийинчиликларига бардош бериб, шу кунларга етиб келдим. Бундан 6 йил аввал енгил атлетиканинг югуриш турлари билан шуғуллана бошладим ва бу ҳаётим мазмунига айланди. Кейинчалик эса Франция, Англия каби давлатларда бўлган халқаро турнирларда иштирок этиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилдим. Биз, тўрт киши қўлга киритган эстафета бронза медали санок бўйича битта ҳисобланади. Бизга ажратилган пул мукофоти тўрт кишига бўлиб берилиши керак эди. Бироқ Фармойишга асосан ҳар биримизга алоҳида пул мукофоти берилгани бўлди. Ана шу биргина мисолнинг ўзи ҳам бизга кўрсатилаётган юксак эътибор ва қадрнинг намунаси, деб биламан.

Мавлон ҲАЙДАРОВ, 2014 йилги ПараОсиё ўйинлари ғолиби:

– Мусобақада қатнашган ҳар бир спортчи ғолиб бўлавермайди. Рио Паралимпия ўйинларида менинг омадим келмади. Совриндор бўла олмадим. Лекин мен ҳам чемпионларга аталган «Malibu» автомобили билан тақдирландим. Менга ўхшаб совриндор бўла олмаган бошқа спортчиларга ҳам автомашина топширилди. Ўзбекистонда инсон қадр ҳамиша баланд...

Ўткиржон НИҒМАТОВ, Паралимпия ўйинлари ғолиби:

– Спортчи ғолиблик шоҳсупасида турганида ўзини энг бахтли инсон деб билади. Ватанига қайтиб келганида эса бахтиёрлиги икки ҳисса ошади. Мен ҳам Тошкент аэропортидан чиқиб келар эканман, ўша пайтдаги ҳиссиётларимни таърифлаб беролмайман. Карнай-сурнай наволари, ота-оналар, ҳукумат аъзолари ва юзлаб ишқибозларни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Чарчоқлар бир-пасда унутилди.

Олимпия шон-шўхрати музейида бизга пул мукофоти ва автомобиль топширилди. Эртаси куни бизга Ватанимизнинг юксак унвонлари берилди. Мен «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирландим. Бу унвон ҳар бир спортчининг, ҳар бир ўзбекистонликнинг орзуси десам хато қилмаган бўламан.

Инсон доимо умид билан яшайди. Мен 2018 йилда ПараОсиё ўйинлари, 2020 йилда бўладиган Паралимпия ўйинларига янада кучлироқ тайёргарлик кўришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Ғолиблик ёқимли бўларкан. Одам яна ва яна ўша ҳиссиётни бошдан кечиргиси келавераркан. Яна бир бор ғолиб бўлиш учун бор кучимни ишга соламан...

Паралимпиячиларимизни Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олиш маросимида XXXI ёзги олимпиада ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари ҳам қатнашди. Ўзаро суҳбат жараёнида олимпия ўйинлари чемпиони ва рекордчиси Руслан Нуриддиновнинг билдирган фикри эътиборимни тортди. Хулоса ўрнида шу гапни келтирмақчиман: «Тўрт мучаси соғ бўлган инсонлар спорт билан шуғулланишга кунт қилмаслигини ҳаётда кўп кўрганмиз. Паралимпиячиларимиз ҳақиқий жасорат намунасини кўрсатди. Улар замонамиз қаҳрамонларидир...»

Темур АЪЗАМ тайёрлади





Миллий рақс санъати номоддий маданий мерос тури бўлиб, одатда инсонга кўриш, ҳис этиш, тасаввур орқали таъсир этади. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил октябрь ойидаги «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган. Номоддий маданий меросни чуқур биладиган, уни сақловчи, етказувчи мутахассис ва амалиётчилар ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш ишига ва ўқув жараёнига жалб этилди. Бунинг натижасида ўқувчи-талабаларга билим бериш учун ўқув адабиётлар тайёрланди ва чоп этилди.

Санъат турлари ичида энг латиф, энг нафис бўлиши рақсни талқин этиш тўртга бўлинади:

- теле-радио воситалари орқали талқин этиш;
- ёзма талқин этиш;
- амалий санъат орқали талқин этиш;
- жонли ижро орқали талқин этиш.

Биринчи тур радио эшиттиришлар, телекўрсатувлар, бадий ва ҳужжатли фильмлардан иборат. Ўзбекистон радиоканалларининг турли рукндаги эшиттиришларида кўплаб мутахассислар, олимлар, санъат усталари, талаба ёшлар ва қизиқувчилар билан рақс санъатининг тарихий асослари, ҳозирги кундаги ҳолати каби қизиқарли мавзуларда қизғин суҳбатлар олиб борилади. Ушбу кўриниш рақснинг товушли талқинидир. Режиссёрлар фильмнинг мазмунини янада кенгроқ очиб беришда рақс санъатидан ҳам фойдаланиши барчамизга аён. «Мафтунингман», «Тўйлар муборак», «Маҳаллада дув-дув гап» бадий фильмлари, «Чархпалак», «Ту-таш тақдирлар» каби кўплаб телесериаллар бунга мисол бўлади. Бундан ташқари ўзбек рақс санъати усталаридан Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Розия Каримова, Маъмура Эргашева, Қизлархон Дўстмухамедова, Дилафруз Жабборова, Назриддин Шерматов, Қодир Мўминов каби устоз санъаткорларнинг ижодига бағишлаб тасвирга олинган фильм-концертлар ушбу санъатни талқин этишда алоҳида ўринни эгаллайди.

Бу турнинг яна бир кўринишига концерт дастурларининг видео ёзувларини ҳам кўшишимиз мумкин. Рақс санъати билан қизиқувчилар, таълим олувчилар ва шу соҳада таълим берувчи мутахассислар ижтимоий тармоқлар орқали ҳам рақс санъати билан танишадилар ва фойдаланадилар. Ушбу кўринишларни рақснинг экран талқини деб аташ мумкин.

«Ёзма талқин этиш» турига мутахассислар томонидан ёзилган ҳамда чоп этилган ўқув қўлланма, дарслик, монография, рисоалар, илмий манбалар, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган илмий-оммабоп



мақолалар киради. Абу Али Ибн Сино, Форобий каби бошқа кўплаб шарқ мутафаккирларининг илмий асарларида ҳам рақс санъатига оид маълумотлар баён этилган. Ҳатто, «Авесто»нинг Ясна бобида қадимий Хоразм рақслари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, рақс санъати таълими йўлида ўқув қўлланмалар, адабиётлар ишлаб чиқилди. Тайёрланган адабиётлардан шу соҳа ўқув юртларининг барчасида фойдаланилмоқда. Республикамызда ўз нуфузига эга бўлган «Гулистон», «Театр», «Мозийдан садо» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тошкент оқшоми» каби газеталар, ҳаттоки, чет эл матбуоти саҳифаларидан ўзбек рақс санъатининг ривожланиш тарихига, бугунги рақс санъати ва истиқболдаги вазифаларга оид таҳлилий илмий ва оммабоп мақолалар ўрин олиб келади. Бу рақснинг ёзма талқини ҳисобланади.

Рақснинг тасвирий санъатдаги ифодасини кузатсак, унинг турли даврдаги ривожланиш босқичларидаги ҳаракатлари, либослари ҳақида маълумот беради ҳамда кенгроқ тасаввур қилиш имкониятини яратади. Масалан, бобурийлар даври тарихи ўрганилганда, ҳиндча ва ўзбекча рақсларнинг бир-бирига ўхшаш элементлари айнан тасвирий санъат асарларида намоён бўлган. XV-XVI аср тасвирий санъати миниатюра жанрида созилган, ҳофизлар қаторида раққос эрақлар, аёллар даврасидаги раққосалар тасвирланганини кўришимиз мумкин. Камолиддин Беҳзоднинг шогирди бухоролик мусаввир Маҳмуд Музаҳҳиб ҳам ўз миниатюраларида аёллар образига ургу бериб, раққоса қизлар мавзусини танлайди. Унинг кўзга кўринган миниатюриси «Уч раққоса» композицияси шулар жумласидандир. Ёки Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг «Бухороча рақс», «Хоразмча рақс» асарлари бой колоритда жўшқин, оташин ҳаракатларнинг фақат шу ҳудуд халқига хос аксини кўриш мумкин. Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалоловнинг «Рақснинг туғилиши» асарида шарқона назокат, ҳаракатлар ва пластика чиройли очиб берилган. Халқ амалий санъати нодир

асарларида ҳам рақс санъатига мурожаат этилади. Ҳайкалтарошлик, кулолчилик, каштачилик, зардўзлик, ҳаттоки фотография санъати асарларида рақс санъати талқин этилиши орқали ўзбек миллатининг урф-анъаналари тасвирлаб берилди.

Жонли талқин эса мамлакат миқёсида ўтказиладиган оммавий байрамларда, муаллифлик, ҳисобот ва махсус мусиқий концерт дастурларида, республика ва чет элларда ўтадиган кўрик-танловларда намоён бўлади. Бундан ташқари театр спектакллари ва мюзиклларда бирор аниқ ғоя негизда саҳналаштирилади. Рақс санъатининг жонли талқинини цирк санъати, дорбозлик санъати, спортнинг бадий гимнастика, фигурали учиш турларида ҳам кўришимиз мумкин. Бунда рақс либослари, грими, саҳнадаги шарт-шароит ҳам мавзудан келиб чиқиб турлича бўлади. Рақс талқинининг бу тури ижрочилар олдида биринчи галда тартиб-интизом талабларини кўяди.

Бугунги кунда рақс санъати таълимида электрон дарсликларнинг яратилмаганлиги, сюжетли рақсларнинг камлиги, миллий рақсимизда ҳаракатларнинг турли мактаб ва халқлар рақс ҳаракатлари билан қоришиб кетаётгани, эрақлар рақсидан кам фойдаланилаётгани муҳим масалалар ҳисобланади. Бу каби камчиликларни бартараф этиш учун бўлажак мутахассисларнинг энг фидойи ва билимлиларини танлов асосида таълим тизимида жалб этиш, уларни ўқув, илмий-ижодий ишларга тўғри йўналтириш ва қўллаб-қувватлаш лозим. Миллий рақс санъати ижрочилигини тўғри йўлга солиш мақсадида «Ўзбекрақс» бирлашмаси қошида етук тажрибали мутахассис ва балетмейстерлардан иборат «Бадий кенгаш»ни ташкил этиш лозим. Ёш балетмейстерларнинг ижодий фаолиятини доимий назорат қилиш орқали санъатнинг миллийлигини асраб қолишга, янада ривожлантиришга эришилади.


Насиба АБРАЙҚУЛОВА

Наво

90' shig' i

Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ҳикоя



Марказий хирургия клиникасининг бош врач
Мирсидиқ Жалилов бир ҳафтадан бери Наманган
да дам оларди. Шу ерлик ҳамкасби, уруш йилла
ри бир қисмда хизмат қилган қадрдон ошнаси:
«отпускангни бир гал бизнинг шаҳарда ўтказ,
Наманган ҳам курорт жойлардан қолишмайди»,
деб чақиртириб келган эди.

Мирсидиқ дўстининг таклифига рози бўлиб,
яхши қилган экан, Абдуқодир уни қаёқларга олиб бормади, нима
ларни кўрсатмади! Кунни кеча беш-олти киши бўлиб, истироҳат
боғидаги оролчада ошхўрлик қилишди. Ўйин-кулги, аския билан
ўтириш ярим кечагача чўзилиб кетди. Кимдир ашула қилди.
Ширин овози бор экан, деди Мирсидиқ берилиб эшитди.

— Яхши айтар экан, — деди қайтишаётганида. — Эртага
уйга чақириб, ўзимиз ўтиришсак!

Абдуқодир жавоб бермади.

— Ҳа, индамайсан? Сенга ёқмадимми?

— Йўқ, ёқди, лекин ашула эшитмоқчи бўлсанг, эртага
сени Янгибозорга олиб бораман. Маъқулми?

— Ихтиёр сенда, — деди Мирсидиқ елкасини қисиб. —
Қаёққа сургасанг, кетавераман.

Эртасига икки ошна Янгибозор қишлоғига қараб йўл
олишди. Мирсидиқ бу қишлоқ қаерда ўзи, узоқми, яқин
ми — суриштиради. Инжиқ, чўрткесар дўстининг ода
тини яхши биларди. Сўрагани билан барибир айтмайди,
юраверсанг-чи, сени ёмон жойга бошламайман-ку, дейди,
энсаси қотиб. Сўраб ҳам нима қилади. Отпусқада, барибир
эмасми, қаёққа борса?

Янгибозорга кечга яқин кириб боришди. Қишлоқнинг
қоқ ўртасидан кесиб ўтган асфальт кўча гавжум. Даладан
қовун-тарвуз ортиб келаётган арава, машиналар ғиз-ғиз
ўтиб турибди. Одамлар қаёққадир шошилишади.

Абдуқодир катта кўк дарвоза олдида тўхтаганда, бир
тўп ёш-яланг қаҳ-қаҳ уриб ўтиб кетди.

— Келдик, — деди у ошнасига. — Ашуланинг сарасини
шу ерда эшитасан.

Улар ичкарига киришди. Кенг ҳовлининг ўртасидаги
баланд шийпон ёнида оқ ятак кийган бир мўйсафид гул
қирқиб юрарди.

— Ҳорманг, Дўсимбой ота! — деди Абдуқодир ўша
томонга юриб. — Саломат бормисиз?

— Ие, ие, келинг, Абдуқодир ўғлим, — мўйсафид гуллар
ни шийпонга қўйиб, меҳмонлар билан кўриша кетди. — Бу нима
деган гап ўзи? Жуда жим бўлиб кетдингиз? Қани, марҳамат.



Меҳмонлар шийпонга кўтарилишди.

— Оббо, ўғлим-эй, жуда соғинтириб қўйдингиз-ку, а?

— Хизматчилик, қўл тегмайди, — деди Абдуқодир кулиб. — Мана, отпуссага чиқиб, бобойни бир зиёрат қилиб келайлик, деган эдик.

— Ҳа, баракалла, кам бўлманг, ўғлим.

— Ҳотамжон қанилар?

— Клубда. Қўшни райондан мусобақадорлар келган экан. Раис қўймай олиб кетди. Концерт беришар эмиш. Ўзи кечагина қирдан қайтувди.

— Ҳа, қирда нима бор экан?

— Шу касбни орттирди-ю, ишқибозлари кўпайиб қолди. Қирда ҳам концерт бериб келди.

Дўсимбой ота бошидаги янги марғилон дўпписини олиб, тиззасига уриб, чангни қоққан бўлди, кўкрагига тушиб турган мошкичири соқолини тутамлаб, оғир хўрсинди.

— Қаёққа борса ҳам майли, кўнглини тинчитиб юрса бўлгани.

— Ишқилиб, кайфияти тузукми? — сўради Абдуқодир.

— Шукр. Илгариги хафагарчилиги йўқ деса бўлади. Аммо ёлғиз қолса эзилади. Кечалари билан ухламай чиқади. Қўлига танбурни олиб, ашула қилгани қилган. Кўнгилларни ўртаб юборади. Онаси шўрлик чўп бўлиб кетди. Ўртоқлари омон бўлсин, ёлғизлатишмайди. Клуб мудирини қилиб қўйишди. Кун бўйи ўша ерда. Тўгарак тузиб, нималарнидир ўргатиб юрибди ёшларга. Мен ҳозир...

Дўсимбой ота ўрнидан турди. Абдуқодирнинг эътирозига қарамай, дастурхон ёза бошлади. Нимагадир ичкари уйга кириб кетганида ҳеч нарсага тушунолмаётган Мирсидиқ сўради:

— Ҳотамжонга нима қилган?

Абдуқодир «тсс» деб бармоғини лабига қўйди.

— Кейин айтиб бераман. Бунинг тарихи узун. Бобойнинг олдида ҳеч нарсани сўрама. Ярасига туз сепган бўласан. Ҳотамжон шу кишининг ёлғиз ўғли.

— Зерикиб қолмадиларингми? Кампир тушмагур киём қилувди, чумолидан беркитиб қўйган экан, зўрға топдим. Қани, нонга қаранглар.

Дўсимбой ота меҳмонларнинг рўпарасида чордана қуриб ўтирди. Шу пайт узокдан чирманданинг овози эшитилди.

— Бошланганга ўхшайди, — деди Дўсимбой ота Мирсидиққа чой узатар экан. — Олинг, ўғлим. Қиёмдан солинг.

— Биз ҳам клубга чиқсак, — деди Абдуқодир бир пиёладан чой ичилгач. — Анчадан бери Ҳотамжонни кўрганам йўқ. Бу ошнаимиз ҳам ўғлингизнинг ашуласини эшитмоқчи эди.

— Шундайми? — Дўсимбой ота меҳмонларга қараб чиқди. — Майли бўлмаса. Холангиз ҳам ўша ёқда. Бирга қайтинглар, қўлбола ош қилиб тураман.

Меҳмонлар кўзғалишди. Ота уларни эшиккача кузатиб чиқди.

— Кутаман-а, Абдуқодир?! Ҳотамжон билан албатта бирга қайтинглар.

— Раҳмат, раҳмат.

Мирсидиқ муюлишга етганда, шеригига ўгирилди.

— Қани, энди гапир, Ҳотамжонга нима қилган, ким ўзи?

Абдуқодир ўйланиб қолди. Бароқ қошлари чимирилди. Анчагача индамай борди-да, кейин деди:

— Ҳотамжон ҳам врач эди. Шу қишлоқнинг врач эди. Бундан етти-саккиз йил муқаддам фалокат юз бериб, икки оёғидан ажраган...

Мирсидиқ бир сапчиб тушди. Абдуқодирнинг ҳам томоғига бир нарса келиб тиқилди шекилли, гапиролмади. Икки ўртоқ бошларини эганларича жим боришар экан, клубга етиб келишганини пайқашмади. Эшикни очишлари билан гулдурос қарсақ садолари эшитилди. Кейин кимдир ашула бошлади. Клуб сув қўйгандек, жим бўлиб қолди.

— Ҳотамжон! — деди Абдуқодир шивирлаб. — Юр.

Ғилдиракли кичкина аравачада бир йигит ўтириб куйларди. Мирсидиқ аввал қандай ашула эканлигини аниқлай олмади. Саҳнага кўзи тушди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Уни шу топда қўшиқ эмас, йўқ, аравачада ўтирган яримта тана сеҳрлаб қўйган эди. Умрида йиғламаган одам, кўзларидан ёш чиқиб кетганини сезмай қолди. Шўртанг бир нарса лабига оқиб тушганда, ўзига келди. Ёшини артиб, ашулага қулоқ сола бошлади. Ҳотамжон «Ўн саккиз ёшимда-дир»ни айтарди. Ҳа, Абдуқодир айтганича бор экан. Бу йигит гўё ашула айтиш учун яратилгандай эди...

Бирдан қарсақ кўтарилди. Абдуқодир дўстини тирсагидан ушлаб, олдинга бошлади. Кимдир меҳмонларни кўриб, иккита стул олиб келиб қўйди. Ёшгина бир қиз кенг атлас қўйлагини ҳилпиратиб, саҳнанинг ўртасига келди-да, ниманидир эълон қилди. «Гур» этиб кўтарилган қарсақдан нималигини англаб бўлмади. Ҳотамжон аравачанинг ғилдиракларини итариб, олдинроққа чиқди, залга қандайдир илиқ бир назар билан жилмайиб боқди-да, янги қўшиқ бошлади.

Залга жимлик чўқди. Ҳотамжоннинг ниҳоятда ширали, тиниқ овози қўшиқ сўзларини киши юрагига қуйиб, ҳаяжонга соларди:

*Куйла, созим, куйла, тинма,
Куйла, куй бу — шодлигим.
Боғлару қирлар, адирлар
Сенга жўрдир, шодлигим.*



Мирсидиқ кўшиқни тинглар экан, алланечук бўлиб кетди. Сўзлари танишдек туюлди. Қачон, кимдан эшитган экан бу кўшиқни? У диққат билан Ҳотамжонга қаради. Қирра бурни ёнидаги мошдек холга кўзи тушди-ю, ханг-манг бўлиб қолди. Наҳотки... наҳотки ўша, бундан олти-етти йил илгари ўзи операция қилган йигит шу бўлса?! Мирсидиқ зарб билан шеригини туртди.

— Менга қара, Ҳотамжон Тошкентда даволанганимиди?

— Ҳа, — деди Абдуқодир сахнадан кўзини узмай.

— Профессор Власов ҳам кўрган.

— Профессор Власов?

— Ҳа.

Мирсидиқ янглишмабди. Бу ўша, унинг ўзи операция қилган йигит. Ҳотам... Ҳотамжон Дўсимбоев... Ҳа, бу йигит унга таниш. Мирсидиқ ўйга толди. Унинг кўз олдида операция столи устида ётган йигирма уч-йигирма тўрт ёшлардаги нимжон йигит пайдо бўлди. Ўшанда москвалик машхур профессор Власов клиника ишлари билан танишаётган эди.

Кунларнинг бирида кечга яқин навбатчи врач янги касал қабул қилингани, аҳволи оғирлигини айтиб қолди. Биргалашиб касал ётган палатага киришди. Ҳотамжон иккала оёғини қимирлатолмай ётарди. Мирсидиқ очиб кўриб, кўрқиб кетди, аммо сездирмади.

— Нима бўлди? — сўради у ўзини босиб.

Ҳотамжон сўзлаб берди.

Бундан бир йил олдин қирда чўпонлардан бири оғир бетоб бўлиб қолибди. У бу хабарни эшитиб, ярим кечаси отда йўлга тушибди. Қишлоқдан чиққанида от нимадан хурқиб, олиб қочибди. Ҳотамжон тўхтатаман деб жиловидан маҳкам тортган экан, от қоқилиб йиқилибди-ю, йигит унинг тагида қолибди. Ҳушига келиб қараса, ўтовда ётган эмиш. Врачнинг келмаганидан хавотир олиб, йўлга чиққан чўпонлар уни олиб кетишган экан. Ҳотамжон белида бир оз оғриқ сезибди, аммо эътибор бермай касални кўрибди, дори-дармон қилиб уйига қайтибди. Отдан йиқилганини ҳеч кимга айтмабди ҳам. Лекин эрталаб оғриқ зарбидан туrolмай қолибди. Оғриқ шу-шу қолмас экан.

Мирсидиқ палатадан чиқиб, профессор Власов билан маслаҳатлашди. Беморнинг умуртқа суягини рентгенга солиб, операцияга тайёргарлик кўра бошлашди. Бироқ бу операциянинг фойда беришига Мирсидиқнинг ўзи ҳам ишонмас эди. Бемор жуда кеч муружаат қилган экан. Шундай бўлса ҳам операция қилинди. Профессор Власов ўзи бош бўлиб турди, аммо шундан кейин бир ой ўтди, икки ой ўтди, бемор тузалмади. Унинг иккала оёғи аллақачон фалаж бўлиб қолган эди. Буни беморнинг ўзи ҳам тушунди, кулча юзидаги кулги йўқолди, эрталабдан кечгача шифтга тикилиб ётадиган одат чиқарди.

Бир куни Мирсидиқ уни клиника боғига олиб чиқишни буюрди. Ўзи ҳам чиқди. У ёқ-бу ёқдан гапга солди, овутмоқчи бўлди, аммо бемор оғиз очмади. Унинг учун энди ҳамма нарса тугагандек, бутун

орзу-умидлари пучга чиққандек, ҳаёт бу — фақат қийноқ, азобдан иборатдек туюларди. Шу алфозда бир неча ҳафта ўтди. Мирсидиқ бемор ётган палатага репродуктор ўрнаттириб қўйди. Яхши концерт берилаётган бўлса, ўзи келиб бураб кетади. Аввал бу ҳам таъсир қилмади, бироқ бориб-бориб у беморнинг кўшиқларни диққат билан эшитадиган бўлиб қолганини кўрди. Яна гапга солди. Аммо жавоб ололмади. Шундан бир неча кун ўтгач, даҳлиздан ўтиб кетаётиб, кимнингдир хиргойи қилаётганини эшитиб қолди. Қулоқ солди. Овоз Ҳотамжоннинг палатасидан келар эди. Мирсидиқ эшикни секин очди-ю, севиниб кетди. Ҳотамжон ярим овозда куйларди. Деворга суяниб эшита бошлади:

*Куйла, созим, куйла, тинма,
Энди сенсан шодлигим.
Боғлару қирлар, адирлар
Сенга жўрдир, шодлигим...*

— Э, кечирасиз доктор, — Ҳотамжон Мирсидиқни кўриб қолиб, докадек юзига қон югурди. — Хаёл билан бўлиб кўрмабман.

— Ҳечқиси йўқ, — Мирсидиқ унинг ёнига ўтирди... Яхши кўшиқ экан. Қандай кўшиқ бу?

Ҳотамжон жиддийлашди, ингичка лаблари енгил титради.

— Ҳаёт кўшиғи...

— Ҳаёт кўшиғи? Яхши ном.

— Сизга ёқдим?

— Жуда ҳам. «Куйла, созим, куйла, куйла, тинма... Энди сенсан шодлигим...» Яхши кўшиқ. Ким ёзган экан?

Ҳотамжон жилмайди.

— Биз томонларда деярли ҳамма кўшиқ тўқийди. Ўзим тўқидим.

— Жуда яхши. Бу кўшиқ ҳақиқатан ҳам, сизнинг ҳаёт кўшиғингиз бўлсин!

Мана, ҳозир Мирсидиқ шу кўшиқни иккинчи марта эшитиб ўтирибди. Тагин ўша нимжон йигитнинг ўзи айтди. Мирсидиқ диққат билан унга тикилди. Йўқ, унинг олдида бундан беш-олти йил илгариги яримта тана эмас, катта қалб, катта ҳаёт эгаси гўзал ҳаёт кўшиғини куйларди. Бу кўшиқда на нолиш бор, на азоб, унда яшаш иштиёқи, пок муҳаббат, битмас-туганмас орзу ва қудрат бор эди!

Концерт тугаши билан Абдуқодир дўстини сахнанинг орқасига бошлади. Ичкаридан иккита йигит арвачадаги Ҳотамжонни олиб чиқмоқда эди. Ҳотамжон сочида битта ҳам қораси қолмаган жиккаккина бир кампирнинг қўлидан ушлаб олган.

— Ойи, қаранг, Абдуқодир акам! — деди у шу топда.

— Вой, бўйидан ўргилай, қани? — кампир шундай деб, гапини тугатгани ҳам йўқ эдики, ўгли билан кучоқлашиб кўришаётган Абдуқодирни кўрди: — Сизнинг ҳам келадиган кунингиз бор экан-ку, болам, эсонмисиз-омонмисиз?

— Мирсидиқ ака!.. Доктор!..

Мирсидиқ ичидан тўлқинланиб келаётган ҳаяжон билан Ҳотамжоннинг кўлини сиқди.

Улар клубдан чиқишганда, вақт алламаҳал бўлиб қолган, кўк бетини сон-саноксиз юлдузлар қоплаб олган эди. Баланд қайрағоч тепасидаги ой худди болаларини кўриқлаб юрган она ўрдакдек, секин-секин сузиб борарди.

— Хўш, ишлар яхшими, Ҳотамжон? — сўради Мирсидиқ аравача ёнида битта-битта одим босиб боришар экан.

— Мана шу клубдаман. Тўгарак очганмиз. Яхши болалар. Улар билан ишлаб зерикмайсан киши.

— Анчадан бери ишляпсизми?

— Ҳа, икки йил бўлиб қолди.

— Жуда яхши, жуда яхши.

Шу пайт узокдан Дўсимбой ота кўринди.

— Ҳаяллаб қолдиларинг? — Дўсимбой ота меҳмонларни олдинга ўтказиб, ўғлига юзланди.

— Чарчамадингизми, ўғлим?

— Ўғлингиз чарчашни биладимми? — гапга аралашди кампир. — Кўйиб берсангиз, эрталабгача клубда қолиб кетса! Яхшиям меҳмонлар бор экан.

— Чарчамадим, дада, — деди Ҳотамжон жилмайиб.

— Ундай бўлса, уйда ҳам хизмат қиласиз. Меҳмонлар атайлаб сизни деб келишган.

Меҳмондорчилик анчагача чўзилди. Тонг ёришгунча кўшиқ янгради. Эртасига кечқурунгина Ҳотамжон меҳмонларга рухсат берди. Икки ошна кечки салқин билан пиёда йўлга тушишди. Икковининг ҳам фикрини алланарсалар чулғаб олган эди. Йўлнинг ярмини босиб ўтишганда, Абдуқодир:

— Шу йўлдан икки йилча қатнадим, — деди.

— Дори таъсир қилмади, лекин бориб-келишим таъсир қилди.

— Тўғри гапирдинг. Яхши гап, диққат-эътибор ҳар қандай доридан кучли экан.

Мирсидиқ дўстини кўлтиқлаб йўл бошлади. Кўп ўтмай, азим чинорлар ичида фарқ бўлган шаҳарга кириб келишди. Ёқимли ёз шабадаси эндигина қад кўтариб келаётган ёш ниҳолларни тебратар эди. Ҳамма ёқда гул: оқ, пушти, қизил, сариқ, кўйинг-чи, минг хил тусдаги гуллар очилиб-сочилиб ётибди.

Мирсидиқ кўчанинг икки бетидаги турнақатор фонарлар нурида эрон гиламидек товланиб ётган бу гулларга суқ билан тикилиб борар экан, бир шохи синган наъматакка кўзи тушиб қолди. Қайси бағри тош синдирди экан? У яқинроқ келиб қаради, йўқ, синибди-ю, узилмабди. Қуёшга томон бўй чўзиб қаддини ростлаб боряпти. Мирсидиқ жилмайиб кўйди. У, албатта ўсади, улғаяди. У очган гулнинг муаттар ҳиди кишилар чехрасига табассум, шодлик бахш этади, қалбларини равшан қилади. Ҳаёт қонуни шундай!

Икки дўст шаҳар кўчаларидан ўтиб боришар экан, юраклари қандайдир ўзларига номаълум қувонч, ғурур билан лиммо-лим эди.

Ҳикматлар қатиди

Тарихда шундай зотлар ўтганки, улар ўзларини, ўзликларини англаб етиш учун инсон ким, унинг асли қаердан, дунёга нима учун келган, нима учун яшайди ва қаерга кетади каби саволларга жавоб ахтарганлар. Шулардан бири Аҳмад Яссавий бўлиб у зотнинг ҳикматлари халқчиллиги билан ажралиб туради.

Алишер Навоий Яссавийни «Туркистон мулкининг шайхул машойихи» деб атайди. Аҳмад Яссавий ҳикмат ёзиш анъанасини бошлаб берган ижодкордир. У «Девони ҳикмат»-ида шарият (ислом дини қонун-қоидалари ва урф-одатлари), тариқат (тасаввуф маслаги), маърифат (ишқи илоҳий), ҳақиқат (Аллоҳ ва унга эришмоқ)ни тарғиб қилди. Аҳмад Яссавийнинг фикрича, ҳақиқат қалбда. Қалб эса Аллоҳнинг мулки. Бутун олам билан руҳан уйғунлашиш олий саодат. Саодат маърифат нурлари билан онг ва руҳни тиниқлаштиришдир.

Шарқ шеъриясида, дунёвий ва илоҳий илмлар оламида алоҳида ҳикматлар ниҳоятда кам битилган. Ушбу бадиий ҳодисанинг ҳамон тўқис, мукаммал таърифи мавжуд эмас.

Ҳикмат – ўта донолик, донишмандлик, ақл-заковат деган маънони англатади. Яна тағ-замирини англаш қийин бўлган, яширин бир маъно, яширин бир сабаб сингари маъноси ҳам бор. Шуларга асосланиб, ҳикматлар – замирида катта яширин маъно жамлаган, ўта донишмандлик билан битилган ва назмий тартибга солинган, ифодаси ҳамда ўқилиш оҳанги билан халқ оғзаки ижодида яқин бўлган шеърий асар дейиш мумкин. Улар киши руҳига яқин, ҳамоҳанг, ўзига хос бир кўшиқдай куйланади. Ҳикматлар ўқувчига унинг тушунчалари ва дунёқараши доирасига қараб ҳар хил таъсир кўрсатади, ўз даражасида мулоҳаза уйғортади. Яссавий ҳикматларидаги ишқ, ҳақиқат, адолат, қаноат, диёнат сингари масалаларга ислом дини қарашларига таянган ҳолда тартиб берилган. Улар муаллиф вафотидан бир неча йиллар ўтгач, халқдан ёзиб олинган. Ҳикматлар бир ўринда ориф номидан, иккинчи бир шаклда ошиқ тилидан, учинчи бир ҳолатда шайх даъвати тарзида, яна бир ўринда донишманд ғоялари сифатида, бошқа бир жойда дарвеш қарашлари шаклида янграйди. Улардаги тимсоллар жуда теран ва мураккаб. Таҳлил ва талқин этиш осон эмас. Ҳикматларга эркин мушоҳада усули билан ёндашиш керак. Улар одамни ўзига нисбатан танқидий назар билан қарашга ундайди. Ўзлигини тафтиш қилишга ўргатади.

Лазиза БОЙМУРОДОВА



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 октябрдаги мажлиси баёни ижросини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан жорий йил 28 октябрь-3 декабрь кунлари «Олтин куз» халқаро санъат фестивали ўтказилди. Фестиваль Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида кўтаринки руҳда ташкил этилди. Ўзбек халқининг ноёб номоддий маданий меросини, жумладан, миллий мусиқа, анъанавий ижрочилик ва театр санъати, оркестр ижрочилиги ва жаҳон классик мусиқа санъатини кенг тарғиб қилиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбида миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга нисбатан эҳтиром ҳисларини юксалтириш, жаҳон халқлари миллий мусиқа ва кўшиқчиликлари санъатининг ноёб намуналари билан кенг таништириш фестивалнинг асосий мақсади этиб белгиланди.

Илк бор ташкиллаштирилган халқаро тадбирга жаҳонга машҳур фортепиано ижрочилари ва дирижёрлар, хонанда ва бастакорлар таклиф этилди. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида ўтказилган италиялик машҳур хонанда ва бастакор Тото Кутуньо ҳамда машҳур опера санъати намояндаси, италиялик ижрочи Алессандро Сафининг концерт дастурлари мухлисларга олам-олам завқ бағишлади.

Исроил ва АҚШ фуқароси, машҳур скрипка-альт ижрочиси Юрий Гандельсман, россиялик Игорь Калнин (скрипка), АҚШлик Сеннет Рошелль (фортепиано) иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди.

Халқаро фестиваль доирасида пойтахтимизда «Туркистон» камер оркестри иштирокида бастакор Феликс Янов-Яновский асарлари асосида концерт ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси хонанда ва созандалари томонидан ўнга яқин концерт дастурлари намойиш этилди.

Фестиваль доирасида Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида Россия кунлари ташкил этилди. Унда «Отрада» болалар хор жамоаси, «Терема» халқ чолғулари оркестри, «Синодаль» хор жамоасининг мусиқий чиқишла-

ри томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

«Олтин куз» халқаро санъат фестивали юртимизнинг деярли барча ҳудудларида ҳам кенг миқёсда ўтказилди. Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси, Фольклор-этнографик жамоалар томонидан тадбирлар ташкил этилди. Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри, Академик рус драма, Ёшлар, Муқимий номидаги мусиқали театрлари жамоаларининг гастроль сафарлари уюштирилди.

– Мен фаолиятим давомида кўплаб концертларда иштирок этганман, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Рамиз Усмонов – Бу каби йирик, кенг қамровли фестивалда иштирок этиш, кўшиқ куйлаш менга ва ҳамкасбларимга катта масъулият юклади. Юртдошларимиз опера санъатига ҳам чанқоқ эканини, концертларимизни соғиниб куттишларини фестиваль кунлари яна бир бор дилдан ҳис қилдик.

Бир сўз билан айтганда, «Олтин куз» халқаро санъат фестивали доирасида мамлакат миқёсида 80 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди.

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида дирижёр Азиз Шоҳақимов, солист Беҳзод Абдураимов ҳамда Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг концерти «Олтин куз» халқаро санъат фестивалига яқун ясади.





Haqiqat yo'lini hech kuch to'solmas!

ЎЗБЕКИСТОН

Аллоҳ Ер юзини тақсимлаганда
Ўзбекка тегмаган Ердан, дейдилар,
Яйрасин, деб шу эл боғу чаманда
Аршдан бир кафт тупроқ берган, дейдилар.
Зуваласи Аршдан
Қутлуғ ошён бу –
Ўзбекистон бу!

Шу боис тиллолар ниҳон қаърида,
Бу ернинг тупроғин ҳар мисқоли зар.
Тўрт фасл ризқу рўз қайнар бағрида
Одамнинг жонидан бошқаси унар.
Худо ёрлақаган
Жаннатмакон бу –
Ўзбекистон бу!

Боқсам воқиф бўлгум яна бир сирдан,
Ҳақ ўзи яратиб,
Ўзи суйгандир.
– Пайхон этолмасин, – деб ёвлар гирдин
Дарё, тоғлар билан ўраб қўйгандир
Пўлатдан мустаҳкам
Қалъа, кўрғон бу –
Ўзбекистон бу!


Тақдири азалнинг битик-хатида
Шу ойдин қисмат бор бундан кўнгил тўқ:
Дунёнинг бирон бир мамлакатиди
Номига бек сўзи қўшилган халқ йўқ.
Беклик ҳеч бир халқда
Йўқ бир унвон бу –
Ўзбекистон бу!

Навоий бобомга таъзимда олам,
Шеър ила ўзбекнинг донғи кетгандир.
Қуёш нури етмас овлоқларга ҳам
Ўзи етмаса—да сўзи етгандир.
Шеърят мулкида шоҳ бу,
Султон бу –
Ўзбекистон бу!

Писандмас машаққат тўла синовлар,
Ғолиб халқ ҳеч қачон чарчамас, толмас.
Пўшт, ҳей! Йўллардаги тўсиқлар—ғовлар,
Ҳақиқат йўлини ҳеч куч тўсолмас!
Катта йўлга чиққан
Катта карвон бу –
Ўзбекистон бу!

Дерлар:
Оққан дарё оқаверади,
Бизга қисмат кулиб боқа бошлади:
Хурлик нашъаси-ла тўлиб сарҳади
Тамом янги дарё оқа бошлади.
Дарёмас,
Истиқлол
Номли уммон бу –
Ўзбекистон бу!

Буюк манзилларда кўрганда ўзни
Тилларда янграгай шўх қўшиқ-ялла.
Ва дилдан отилган шу қутлуғ сўзни
Дунё ҳам бизга жўр айтар баралла:
Кўхна бу жаҳонда
Янги жаҳон бу –
Ўзбекистон бу!



Зиёвуддин МАНСУР

ЁР ЭТСА ҲАМ, ЗОР ЭТСА ҲАМ

Дил ичра бор ул дилрабо
 Ёр этса ҳам, зор этса ҳам.
 Ошиқдирман маҳлиё
 Ёр этса ҳам, зор этса ҳам.

Дилни ул оҳанрабо
 Мисли қилмиш истило.
 Ўзни қилгайман фидо
 Ёр этса ҳам, зор этса ҳам.

Айламиш тарки вафо,
 Мен чун вафосизлик хато.
 Кечмагайман мутлақо
 Ёр этса ҳам, зор этса ҳам.

Жо эрур қалбим аро
 Шундайин бир илтижо:
 Унга бахт бўлсин раво
 Ёр этса ҳам, зор этса ҳам.

Ул гўзал васфин, Зиё,
 Айлабон ашъорга жо.
 Мангу тузгайман наво
 Ёр этса ҳам, зор этса ҳам.

ОНА

Қирқ ёшни қоралаган қизин сочин ўраркан,
 Фарзандлар ташвишидан кексайиб қолган аёл.
 Ногоҳ унинг сочида бир тола оқ кўраркан
 Оғир хўрсиниш билан суриб кетар ўй-хаёл.


О, она!
 Фарзанд учун бунчалар дилпорасан,
 Бунчалар азиз экан, мунисам, сенга бола?!
 Ўз ҳолинга боқсангчи тим қора сочларингдан,
 Меҳрибоним, оқармай қолганми бирор тола...

САДОҚАТ

Арчалар бир тусли
 Тўрт фаслда ҳам,
 Азалий либосда – ям-яшил, бахмал.
 Гуллар-чи?
 Улар ҳам ўзгача олам,
 Лекин нигоҳ ташланг
 Қаҳратон маҳал...

Бу чоғ дилга солиб хушнуд туйғулар,
 Ям-яшил арчалар турса-да яшнаб,
 Йил бўйи яшнаган гуллар-чи,
 Улар
 Қиш фасли боғларни кетурлар ташлаб.

Дўстларим!
 Айб этманг
 Гуллардан бу дам
 Тилайман арчалар истиқболини.
 Уларда кўрарман ўзгача олам —
 Иссиқ-совуғингни тенг кўрган баҳам
 Ҳақиқий содиқ дўст – ёр тимсолини.



QOQ'UZ HAM YIG'LAYDI

••
Ётавба! Қоғоз ҳам йиғлайдими? Жонсиз, тилсиз нарса-я?.. Балки, биз уни ҳис қилмаётгандирмиз. Етим боладай ўкси-ниб йиғлаётган шўрлик қоғознинг ҳалқа-ҳалқа ёшларини кўришга кўзларимиз ожизлик қилаётгандир, балки. Қоғозни исроф қилиш, қоғозга бераҳмлиқ минглаб, миллионлаб инсонларнинг дилига озор етказиш, ҳурматсизлик қилиш, десам фикримга қўшиласизми?

«Бундоқ кўриниб туринг», деган гап барча танишлар, ҳатто чойхонани эртадан-кечгача бўшатмайдиганлар орасида ҳам кулоққа чалиниб туради. Бу – тўғри маънода кўришиб турайлик, дегани. Ижод аҳли ўртасидаги «кўриниб туринг» дегани эса кўчма маънода, яъни «Ёзиб турибсизми, нега асарларингизни нашр эт-тирмаяпсиз?» дегани бўлади. Бундай пайтларда кўнгилдан кечган ўй-фикрларни батафсил айтишга ҳаммиша ҳам имкон бўлавермайди.

Қалам аҳлининг вақтли матбуотда ёхуд алоҳида китоб ҳолида асарлари билан бот-бот кўриниб туриши яхши ва керак ҳам. Лекин «кўриниб туриш»нинг кўриниб туришдек масъулияти, оғир юки бор, қолаверса, адабиёт ихлосмандлари, бу майдонга катта ихлос билан кириб келаётган ёшлар ва халқ, жамият олдидagi бурч ҳам бор-да.

Ижодкорларнинг ҳозиржавоб, фаол бўлишлари жуда зарур ва шарт. Модомики, давр шиддатли, замон ҳайратомуз кашфиётларга, бунёдкорликларга тўлиб-тошган экан. Бу воқеа-ҳодисалар мазмун-моҳиятини шитоб ва тўғри англаб олиш, уларнинг инсониятга, жамиятга, она юрт равнақиға маънавий куч-ғайрат бағишлайдиган манзараларини ишончли, таъсирчан, бадиий гўзал тимсолларда тасвирлаб беришга ҳар бир ижодкор бурчлидир. Акси бўлса-чи? Унда ёзувчининг ҳам, шоирнинг ҳам, асарнинг ҳам обрў-эътибори бўлмайди.

Кўриниб туриш керак. Лекин кўнгил қолдирмайдиган бўлиб кўри-ниб туриш керак. Баъзан шеърият мухлисларидан, фалон шоир кўринмай кетди, деган иддаоларни эшитиб қоламан. Бирор бир ижод-корни газета ва журналларда илҳом билан ёзган шеър ёки ҳикоясини ўқиганда ўша одамни бағримга босиб табриклагим келади. Кўриниб туриш мана бунақа бўлади, дея ич-ичимдан яйраб кетаман.

Машҳур адиб, Нобель мукофотининг совриндори Михаил Шолохов: «Китобхонлар бизни секин ёзганимиз учун кечиради, лекин бемаза, ғўр асар ёзганимиз учун сира ҳам кечирмайди. Пардоз буюмлари, тирноқ эговлари, хилма-хил чўткалар ва шунга ўхшаган турли-туман пўрим буюмларга тўла энгил қутича билан самолёт-да учгандан кўра халққа нафи тегадиган оғир юкни ортиб аравада юриш, назаримда, маъқулроқдир», дея ҳақ гапни айтганди.

Кейинги пайтларда айрим адибларнинг тез-тез кўриниб туриш-ни ижодий фаолликка йўйиб қилаётган ўта «енгил» чиқишларини кўриб, суистеъмолчиликка йўл қўйилмаяптими, деган фикрга бо-раман. Оддий, ўта жўн, чайналавериб шираси қолмаган фикрлар, қиёфасиз, жонсиз тимсоллар қалашиб ётган асарларни ўқиб бун-дай чиқишнинг фойдасидан кўра зиёни кўпроқ бўлмасмикин, деб ўйланиб қоламан. Негаки, саёз асар ўқувчи савиясини ҳам ўтмас-лаштиради. Энг ёмони ёшларда, адабиёт шунақа бўларкан-да, деган тушунчани шакллантиради. Шунинг учунми, ҳозирги пайтда ёшлар орасида адабиётни, айниқса, шеъриятни ўта энгил тушуниш ҳоллари кучаяётгандек...

Бир воқеа ёдимдан чиқмайди. Янглишмасам, шоир Ҳусниддин Шарипов ўзаро суҳбатда шоир тенгдошига: «Кеча газетада ажойиб расмингиз чиқибди, табриклайман!» дейди. Ҳа, бу куюнчак шоир-нинг ўзга шоирга «ширин шапалоғи» эди.

Кўриниб туришнинг энг ёмон жиҳати баъзилар адабиётга сўз санъати эмас, шон-шуҳратга эришиш, моддий бойлик орттириш, қандайдир имтиёзларга эришиш манбаи сифатида қараётганидир.

Бир куни ораста кийинган аёл ўқувчи қизини кўлида ялтироқ папка билан етаклаб келиб қолди. У мақсадини ишонч билан лўн-да-лўнда баён этди:

– Қизим шеър ёзади. Уларни китоб қилиб чиқармоқчиман. Туман-дагилар фалон танловга қўйишадиган бўлишди. Шунга тавсиянома



ёзиб берсангиз!

– Шеърларини қолдириб кетинглар, танишиб чиқай-чи,
– дедим ҳайронлигим ошиб.

– Танишишингиз унчалик шарт эмас. Бир қоғоз тавсия-
нома ёзиб берсангиз бўлди. Ҳақини тўлайман, – деди аёл
ишонч билан...

Беихтиёр кўз олдимга ўзбекона аёл қалби ила шеър-
риятни энг баланд пардаларда куйлаб дунё эътирофи-
га сазовор бўлган бетакрор шоирамиз, садоқат тимсоли
Зулфияхоним сиймоси намоён бўлди.

Сўз санъати бўлган адабиёт руҳий, маънавий бойлик.
Менинг назаримда, унга бир тарафлама, фақат моддий
бойлик орттирувчи манба сифатидагина қараш ўта кетган
жоҳилликдир. Пул ортидан қувиш нафақат ёзувчини асо-
сий мақсаддан чалғитади, балки кенг китобхонлар савия-
сини ўтмаслаштиради, ҳаётга қарашини юзакилашти-
ради. Поляк ёзувчиси Ян Парандовский ўзининг машхур
асари «Сўз кимёси»да қуйидаги хулосага келади: «Пул
ижодий ишга суқилиб кириб оладида, ижодга ўзининг
емирувчи қувватини олиб келади, ёзувчини тўхташ нима-
лигини билмайдиган конвейерга айлантиришга ҳаракат
қилади, бу конвейер эса имкони борича кўпроқ маҳсулот
бермоғи керак. Пул топиш иштиёқи ёзувчини машаққатли,
лекин гўзал ишлардан совутади, уни енгил-елпи ва осон
ишларга кўнгил қўйишга ундайди». Назаримда, ижодда
тез-тез кўриниб туришга интилиш ҳам шунга ўхшаган гап.
Нима бўлганда ҳам ёзувчининг вақти-вақти билан кўриниб
туриши яхши, лекин ўз номига яраша асар билан намоён
бўлиши ундан-да яхши.

Адиб Рустам Раҳмон (охирати обод бўлсин) радиода
ишлаб юрганида оддий лавҳа ёки репортажнинг аппара-
тини «ғийқиллатиб», лентани парчалаб, қайта елимлаб,
биронта ортиқча сўз, жумла қолмагунча таҳрир қиларди.
Намунча ўзингизни қийнайсиз, бир бет матн ёзиб, суҳбат-
дошингизга ўқитиб қўйсангиз ҳам бўлади-ку, десак у киши
мийиғида кулиб:

– Сизлар айтгандай қилсам ўз номимга, шаънимга
хиёнат қилган бўламан, – дер эди.

Адабиёт бугуннинг нафаси билангина тирик эмас.
У эртанинг, индиннинг нафасини ҳам туйсагина умр даво-
мийлигига ноил бўлади.

Мен адибларнинг кўриниб туриши деганда кўпроқ марҳум
устозларимиз Озод Шарофиддинов, Пиримқул Қодиров,
Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир
Ҳошимовларнинг чиқишларини кўз олдимга келтираман.
Уларнинг ҳар бир чиқиши адабий доиралардагина эмас,
кенг жамоатчилик орасида ҳам шов-шувли баҳс муноза-
раларга сабаб бўларди, адабиётнинг қатта силжишларига
таъсирли туртки берарди.

Шукур Холмирзаевнинг дунё адабиёти билан бўйла-
шадиган асарларигина эмас, ҳатто миттигина «Шолохов-
ни ўқиб...» деган мақоласини ҳозир ўқисам ҳам таъсир-
ланаман. «Ўқишни «Тинч Дон»дан бошлаганман, – деб
ёзади адиб. – Бу қалин китобни очиб биринчи саҳифаси-
ни ўқидим-у: «Нега бундай?» деб шивирладим атрофимга
аланглаб. – Негача бунча оддий, содда ёзилган? Худди ҳаёт-
нинг ўзи-ку? Шу адабиётми энди?...» Муқим бир фикрга
келолмай, ўқишда давом этдим. Ўқиганим сари асар ичига
кириб бора бошладим. Қулоғига сирға тақиб, тўнгиллаб,
мудом рўзгор ташвишини еб юрган Пантелей бобони ҳам
ёқтириб қолдим. Тонгда бобой ҳовлига чиқиб қиров босган
қўқатда қолдирган изларни ҳам «севиб қолдим». Аксинья!
Ғўдайган, уйқусираган Григорий... Тан оламан: асарни
ўқиётганимда йиғладим. Мени йиғлатган нарса фақат
Григорийнинг ғами, Аксиньянинг вафоти бўлмади. Даҳо

ёзувчининг маҳорати бўлди! «Қандай қилиб бундай ёзиш
мумкин?» деб йиғладим...»

Абдулла Орипов эса бундай ёзганди: «Ёшлар «оқ»
шеър ёзадими, «кўк» шеър ёзадими, бешлик ёзадими,
олтилик ёзадими – ихтиёр ўзида. Фақат ўқувсизликни
услуг, деб билмасинлар». Мана бундай кўриниш, мана
бундай фикрлар кўлига қалам олган ҳар қандай ёш ижод-
корни кўзини каттароқ очишга, адабиёт муқаддас дар-
гоҳ эканини ҳис қилишга даъват этиб туради, масъулият
юқлайди, бўлар-бўлмас қораламалар билан кўриниб ту-
ришга интилаётганларни шаштидан туширади.


Айни пайтда турли-туман газеталар потирлаб чиқиб
турибди, саҳифалари шеър, ҳикоя, қиссаларга тўла. Бу
яхши, имконият майдони кенгайганидан далолат. Лекин
дуч келган нарсани адабиёт, бадиий ижод маҳсули деб
тақдим этавериш инсофданмикин? Айниқса, китоб бўлиб
чиқаётган ҳар бир асар китоб деган улуг номга муносиб-
микан? Бир нечта ҳикоя ва қиссани ўқиб чиқиб ўйла-
ниб қолдим. Сюжет, композиция бор. Макон йўқ. «Офис»,
«биржа», «компания», «фирма» сўзларини олиб ташла-
масангиз замон руҳи йўқ. Характер ҳақида гапирмасаям
бўлади. Иштирок этаётган шахснинг жони йўқ, лекин гапи-
ради, қиёфасиз. Эшматнинг ўрнига Тошматни қўйиб ўқи-
сангиз ҳам бўлаверади, фарқсиз. Ахир адабиёт аслида
характер яратиш санъати эмасми?

Алоҳида китоб босиб чиқараётган айрим кичик нашри-
ётлардаги аҳволга назар ташласангиз, янаям таажжубин-
гиз ортади. Бўлмайдиганни бўлдириб нашр этиш одат ту-
сига кириб боряпти, шекилли. Пул ўз оёғи билан келиб,
остонада ижозат сўраб турса, ундан юз ўгириш қийин,
шекилли-да?! Мана шу аҳволни кўриб, рус танқидчи-
си Белинскийнинг «Адабий орзулар» мақоласига Барон
Брамбеус (танқидчи ва журналист Сенковскийнинг тахал-
лусид)дан келтирган: «Сизда яхши китоблар борми?» «Йўқ,
лекин бизда буюк ёзувчилар бор» «Демак, ҳар ҳолда, сиз-
да бадиий адабиёт бор эканда?» «Йўқ, бизда фақат китоб
савдоси бор» эпиграфи ёдимга тушди. Дилимни бир зум,
наҳотки, бизнинг адабиётимиз ҳам шундай кўргуликка
яқинлашаётган бўлса, деган ҳадик чулғайди. Йўғ-е, де-
дим, шунда, ахир бугунги кунда тунни тонга улаб, зах-
мат билан ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзуларда, давр
билан ҳамнафас ижод қилаётган қанча ёзувчи ва шоир-
ларимиз бор. Катта мақсадлар билан адабиётга дадил
кириб келаётган биринчи шеъри, ҳикояси билан устозлар
эътирофига сазовор бўлаётган қанчадан қанча умидли
ёшларимиз бор. Шуларни ўйлаганда бирдан кўнглим ёри-
шиб кетади. Шукрки, ёшлар китобга қайта бошлади. На-
фақат марказий, балки олис шаҳар ва қишлоқларимизда
ҳам китоб дўконлари очила бошлади. Юсак бадиий ва
ноширлик савиясида чиқаётган китобларни кўриб кўзинг
қувнайди.

Булар кўнглимдаги гаплар. Нима бўлгандаям, чуқур
билим, истеъдод, маҳорат, машаққатли меҳнат талаб
қиладиган адабиётга, бадиий ижодга юксақдан қараган
ёшларни ҳам шунга ўргатган маъқулроқдир. Адабиёт –
маънавият мактаби.

Қоғоз доно сўзлар, доно фикрлар учун яратилган.
Унинг бегубор, оппоқ юзини бемаза сўзлар, енгил-елпи,
олди-қочди фикрлар, ғўр, тутуруқсиз асарлар билан бежа-
майлик, балки халқимизга керакли бўлган гўзал, бадиий
баркамол асарлар билан безайлик. Қоғозга зулм қилиш
инсофдан эмас. Қоғоз ҳам йиғлайди, ахир!

Абдухалил ҚОРАБОЕВ



Bu Mashrab dardini...

Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён қилсам, тақи ул хонумон ўртар.

Кишига ишқ ўтидин заррае етса бўлур гирён,
Бўлуб бесабру бетоқат, юрак-бағри чунон ўртар.

Мени бехонумон тинмай куюб ҳар дам фироқингда,
«Нигоро!» деб отинг тутсамки, шавқидин забон ўртар.

Қаю тил бирла, эй жоно, сенинг васфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгақларим ниҳон ўртар.

На қаттиғ кун экан, жоно, висолингдин жудо бўлмоқ,
Менинг оҳим тутунига замину осмон ўртар.

Юракда дарду ғам қат-қатки, менда қолмади тоқат,
Агар ул заррасин бул вақт десам, ишқи баён ўртар.

Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмассан,
Ғами бошқа, алам бошқа, бу тану жон, устихон ўртар.

Бу Машраб дардини, жоно, ки ҳеч ким бошиға солма,
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар.

Шоҳ Машрабнинг бу ғазали ошиқлик мақоми ҳақида. Маълумки, Ҳаққа ошиқлик Унинг яралмиши бўлган инсонга кўнгишдан, гўзаллигини улуғлашдан бошланади. Чунки ошиқлик висол лаззатидан баҳрамандлик эмас, балки тенгсиз ва сўнгсиз изтироблардир. Шунинг учун ҳам Хожа Аҳмад Яссавий «Азал ошиқларнинг ёстигин тошдин яратти» деган ҳукмга келишда ошиқлик – Ҳақ йўлида тинимсиз изтироблар чекиш эканини ишқ аҳлига ойдинлатмоқчи бўлган. Аини маънода Фузулий ҳазратлари:

*Азал котиблари ушшоқ бахтини қора
ёзмишлар,
Бу мазмун ила Хат ул сафҳаи рухсора
ёзмишлар...*

дея ошиқлик мақомини гарчи у зоҳиран бахти қоралиқдай кўринса ҳам, мазмуни Хат, яъни муқаддас китоблар саҳифасининг юзига ёзилган эканини таъкидлайди. Бобораҳим Машраб эса:

*Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон
ўртар,
Бу ишқ сиррин баён қилсам, тақи ул хонумон
ўртар.*

матлаъли ғазалида азал ошиқларининг қора кечмиши бўлган ҳақиқий ишқ изтиробларидан сўз очиш билан бу сўз жону жаҳонни ўрташини айтади. Бу ўринда жон «ғазал қаҳрамонининг жони»гина эмас, балки барча жонзотларга, уларнинг тожи бўлган инсонларга тегишли. Ошиқлик шунчалик оловли жараён эканки, у биргина жонларни эмас, жаҳонни ўртайди. Ишқ сирини баён этиш билан тагин хонумон ўртанади. Бу ўринда у «менинг хонумоним»гина эмас, балки тақи хонумон, борлиқнинг юксаклиги маъносиде келади. Демак, ошиқликдан сўз очиш жону жаҳонни ўртагани каби ишқ сирини баён этиш билан олам, борлиқ ўртаниш – изтиробга тушади.

*Кишига ишқ ўтидин заррае етса бўлур гирён,
Бўлуб бесабру бетоқат, юрак-бағри чунон
ўртар.*

Агар инсонга ишқ ўтининг бир зарраси етиб борса ҳам, бу учқун алангаси натижасида киши гирён, яъни кўз ёшларини оқизиб, бесабр ва бетоқатлана бошлайди. Чунки унга туташган ишқ зарраси энди юрак-бағрини чунон ўрташ даражасига олиб келади.

*Мени бехонумон тинмай куюб ҳар дам
фироқингда,
«Нигоро!» деб отинг тутсамки, шавқидин
забон ўртар.*

Бу ўринда бехонумонлик – ошиқликнинг белгиси. Шунинг учун фироқингда васл умиди билан куйиб-ёнишларим наинки изтироб, балки кўнгиш шавқи ҳамдир, деган маънони ўқиймиз. Бунда шоир Эй Нигор деб номингни тилга олсам, Сен оламни кўриб, кузатиб турибсанки, бу сўзнинг шавқи тилимни ўртайди, чунки менинг ҳолимдан огоҳлигинг менга шавқ беради, васлдан умидлантиради, дейди.

*Қаю тил бирла, эй жоно, сенинг васфинг баён
айлай,
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгакларим ниҳон ўртар.*

Шоир бу байтда Сен шундай улуғворсанки, сенинг васфингни мен тил билан айта олмайман, Сен ҳақда ўйлаш, мени шундай ҳолга солдики, уни қайси тил билан сўзлашни билмай қолдим, дея изтироб чекади. Давомидан тилим лол бўлиб тутилди, кўзим гирён ёшланган, бу ташқи ҳолатим, холос. Ичдан эса нафақат юрак-бағрим, балки суякларни ҳам зирқиратиб оғриқ беради, дейди.

*На қаттиқ кун экан, жоно, висолингдин жудо бўлмоқ,
Менинг оҳим тутунига заминун осмон ўртар.*

Бу байтда эса Васл умиди билан яшаб, висолдан жудо бўлиш қандай оғир кун – кечмиш экани ишқ аҳлигагина аёнлиги таъкидланади. Ҳазал давомида шоир Менинг бу васлсизликдан чеккан оҳим тутуну заминни чулғайди, осмонга ўрлайди, натижада еру осмонни бирдай азобга солади, дейди. Унинг бу изтироби бежиз эмаски, «васлнинг номумкинлиги»ни эсга олиш висолдан жудо бўлишнинг ўзидир. Шунинг учун ҳам унинг бу изтироб алангаси борлиқни ўртайди.

*Юракда дарду ғам қат-қатки, менда қолмади тоқат,
Агар ул заррасин бул вақт десам, ишқи баён ўртар.*

Юқоридаги байтда шоирнинг бу йўлдаги тоқатсизлиги янада ортганини ҳис қиламиз. У юрагимда ғам қават-қават бўлиб йиғилди, бу бетоқатликнинг агар заррасини айтар бўлсам ҳам, у ишқимнинг баёни бўлади. Ишқ давосиз дарддир, унинг баёнини айтиб адо қилиб бўлмайди, шунинг учун айтиб-айтолмаган ишқим баёни дилимни доим ўртайди, дейди.

*Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмассан,
Ғами бошқа, алам бошқа, бу тану жон, устихон ўртар.*

Шоир бу байтда ошиқлик бу давосиз дард, шунинг учун ҳам у кишини хароб қилади, келиб ҳолимни сўрмаганинг эса сенинг ғаминг, аламинг мазмуни бошқа эканидан дарак беради, деб ёзади. Менинг ҳолимни сўрмаганинг мени баттар хароб қиладики, уни баён эта олмайман. Мабодо, тилимдан эмас (тилим лол бўлиб қолган эди), юракдан уним – ночор овозим чиқадиган бўлса, у на тану жонни, балки устихонни ўртаб ташқарига чиқади, дея нола қилади.

*Бу Машраб дардини, Жоно ки ҳеч ким бошига солма,
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар.*

Ҳазалнинг сўнги байтида шоир, эй жонларнинг Яратувчиси, бу Машрабнинг дардини ҳеч кимнинг бошига солма, чунки бу давосиз дард, шу билан дунёдан ўтишим аниқ, бироқ оламни тарк этиб, маҳшарда оҳ урсам, бу дардим ўша ердаги абадийлик манзили бўлган жаннатни ҳам ўртаб юборади, дея фарёд чекади. Кўринадики, ошиқликнинг машаққати, бу йўлга кирганларнинг изтироби доимий, унда енгиллик тилашнинг ҳам, васлга эришишнинг ҳам имкони йўқ. Бироқ унинг машаққатидан қочиб, бу йўлнинг йўлсизлик эканини биллиб, ундан воз кечиб ҳам бўлмайди. Чунки ошиқликнинг моҳияти ўзини, ўзлигини Ҳақ ишқига бахшида қилмоқдир.

Ҳамид УБАЙДУЛЛОХ



Толибжон РЎЗИБОЕВ
БЎЛМАСА

*Одамийлик келмагай то нафс ила жанг бўлмаса,
Барча ёлгон, ичу тошинг токи якранг бўлмаса.*

*Кетмагай дилдан ғубори ҳар хатоким айладинг,
Гар чекиб афсус-надомат бирла тавбанг бўлмаса.*

*Гар қаноатпеша бўлсанг, бурда нон, қултум сувинг
Бойлигингдир, «Оҳ, фақирман!» дебки навҳанг бўлмаса.*

*Урмагил лоф ишқ ўтидан ёнмайин парвонадек,
Бил, риё ошиқлигинг ҳам дилда жазбанг бўлмаса.*

*Англамассан лаззати васлин агар дардлар чекиб,
Ҳажри бирла рўзгоринг токи шабранг бўлмаса.*

*Сирри асрори ниҳондан топмагайсан зарра шавқ,
Ишқидан гар дилда ҳайрат ҳисси баҳранг бўлмаса.*

*Бил, йироқдир манзили ишқ, унга етмоқлик маҳол,
Ул суюқлинг кўйида гар жони садқанг бўлмаса.*

*Ёр жамолин нури-ла бўлгай мунаввар ҳар кўнги,
Ғайри нақшидин дегайлар, унда гар занг бўлмаса.*

*Толибо, ишқин кўйида куйганинг ёлгон, агар
Полагун кўз ёшларингдан доғли саҳфанг бўлмаса.*

ИШҚ

*Тортмагил беҳуда оҳлар бўлмайин бемори ишқ,
Кутма васли лаззатини чекмайин озори ишқ.*

*Ишқ даъвосини қиларсан, айлагил қалбингни пок,
Чун дегайлар пок кўнгиладир махзани асрори ишқ.*

*Ошиқ аҳли айламас фош дилда пинҳон ганжини,
Келса ёрдан ҳар не анга сабридур изҳори ишқ.*

*Англагайсан ишқ аро бўлгач харидори висол,
Жон унинг нақдинаси-ю даҳр эрур бозори ишқ.*

*Аҳли ишқ кечгай ўзидан, ақлу ҳушдан ажралиб,
Етса унга бўйи атри жонсўзи гулзори ишқ.*

*Бир ниҳол ўтқазса дилга ҳуснининг гулзоридан,
Кўз ёшинг бирла суғоргай, бил, уни гулкори ишқ.*

*Тилкалаб минг пора қилгач, ошиқ аҳлин бағрини,
Бўлди ишқ саҳроси узра лоларанг ҳар хори ишқ.*

*Ҳар қадамда минг балолар кутгай ишқ саҳросида,
Ётгай унда қон ютиб минг-минг туман афғори ишқ.*

*Ёр ризосин истасанг гар, қўйма тилдан номини,
Толиби бўлгил ҳамиша жонфидо бедори ишқ.*

Ҳар қандай фаолият мақсад ва вазифаларининг тўғри белгиланиши ўша жараён қатнашчилари хатти-ҳаракатлари самарадорлигига асос бўлади. Битикда дидактик таҳлилнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унга: «...ўрганилаётган бадиий асардаги тасвирнинг ҳозирги ҳаётий ва бадиий мантиғи ҳамда эстетик ўзига хослигини англаш орқали ўқувчиларни баркамол шахс сифатида шакллантиришга йўналтирилган ва жамоа шаклида амалга оширилаётган эстетик-педагогик фаолиятдир» тарзида таъриф берилган.

Асардаги ўқувчининг диққатини тортадиган қарашлардан яна бири бадиий тимсолларни ижобий ёки салбий каби бир-бирига зид гуруҳларга ажратмаслик кераклиги масаласидир. Маълумки, ҳаётда том маънода ёмон одам бўлмагани сингари идеал даражадаги яхши одам ҳам йўқ. Бадиий асарлардаги тимсоллар ҳам ҳаётда у ёки бу даражада мавжуд одамларнинг намунаси ўлароқ таҳлилга тортилганда, қатъий тарзда яхши ёки ёмон одам деб эмас, балки унинг табиати, феълу аъволидаги ижобий ёки салбий жиҳатларнинг пайдо бўлиш сабаблари, оқибатлари ва ифодаланиш йўсинлари муҳокама этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бадиий асарлар таҳлили асносида ўқувчиларни ҳар бир бадиий тимсолнинг қарама-қарши табиатли кишилар томонидан қандай баҳоланиши мумкинлигини ҳисобга олишга ўргатиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутаяди.

Асарда илгари сурилган муҳим қарашлардан яна бири ҳар хил жанр ва турларга мансуб бадиий матнлар таҳлилидаги ўзига хослик масаласидир. Бу муаммога «Таҳлилда адабий тур ва жанрга хос хусусиятларни ҳисобга олиш» бобида алоҳида тўхталинган. Унда лирик, эпик, драматик турлар ва уларнинг турли жанрларига мансуб асарларни таҳлил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари, лирик битиклар таҳлилига ёндашув тарзи билан ҳикояни текширишнинг бошқача ҳодиса экани ишонарли йўсинда кўрсатиб берилган.

Лирик турдаги битикларни таҳлилга тортиш борасида гапириларкан, таҳлил тўлиқ, чуқур ва аниқ бўлиши учун, биринчи навбатда, бу турга мансуб асарларга хос бўлган муҳим жиҳатларни аниқлаб олиш лозимлиги таъкидланади. Яъни таҳлилчининг лирик яратилган ҳис-туйғуни ифодалаш, лаҳзалик кечинмалар ифодаси ўлароқ ҳажмнинг кичиклиги, шеърий шакл, монологик нутқнинг устуворлиги, бадиий замоннинг «ҳозир» эканлиги, бадиий шахснинг «мен»лиги, бадиий объект ва бадиий субъектнинг битта шахсда уйғунлашиши – муаллиф ички дунёсининг тасвирланиши мақсад бўлишини билиши лирик асарлар таҳлилининг тўлиқлигини таъминлайдиган омиллардир.

Лирик турдаги асарлар таҳлили шоира Зулфиянинг «Ойдинда» шеъри, шоира Ўктамойнинг лирик битиклари таҳлили мисолида кўрсатиб берилган. Эпик асарлар таҳлили Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикояси, драматик асарлар таҳлили Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асари орқали намойиш этилган. Бу таҳлил намуналари муаллифларнинг

бадиий асар устида ишлашнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини пухта билишларидан далолатдир.

Бадиий асар моҳиятини теранроқ очишда синчи адабиётчининг шахси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бадиий асар таҳлиliga ёндашувда таҳлилчининг шахслик хусусиятлари ҳам аҳамиятга эга бўлади. Таҳлилчи бадиий асарга қандай ният-мақсад билан ёндашса, асардан ўзи истаган нарсани қидиради ва топади ҳам. Бадиий асар – бир шахснинг истеъдоди, билими, дунёқарashi, савияси, ақл-заковати, фикри ва туйғуларининг маҳсули. Бу яратилган тушуниш, унинг замирида намоён бўладиган муаллиф ниятини ўзгаларга тушунтириб бериш иккинчи бир шахсдан юксак маънавий сифатларга эга бўлишни ҳам тақозо этади.

Битикда бўлажак адабиётчиларга маълум талаблар ҳам қўйиладики, бу шаклланиб келаётган мутахассиснинг зиммасига бир қатор масъулиятларни юклайди. Яъни келажакда бадиий асар таҳлили билан шуғулланишга бел боғлаган талаба текширилаётган бадиий оламни ҳам реал ҳаётий дунё билан, ҳам ўзга бадиий оламлар билан солиштири олиш салоҳиятига эга бўлиши; асар билан мулоқотда самимийлик ва табиийликни устувор билиши; ўз устида тинимсиз ишлаши; фақат касб нуқтаи назаридангина эмас, балки соф одабийлик жиҳатидан ҳам тинимсиз камолотга интилиши; ҳалоллик таҳлилга илмий салмоқ, холислик бахш этадиган омил экани алоҳида таъкидланади. «Адабиёттанувчи, - дейди муаллифлар, – ҳар қандай бадиий асарни инсоф билан ҳалол ўқий билиши ва баҳолай олиши керак. Бу кечимда уни бадиий матннинг моҳияти ва бадиий фазилатлари ёхуд нуқсонлари борасидаги ҳақ фикрни айтишдан ҳеч ким, ҳеч нарса тўхтатиб қололмаслиги керак».

Китобнинг «Илмий мактаблар» номли учинчи бўлими ҳам бир неча қисмдан иборат бўлиб, унда Шарқ ва Ғарб халқлари адабиётига хос ўзгачаликлар ҳақида сўз юритиларкан, Шарқ ижодкорлари учун мазмуннинг оригиналлиги билан бир қаторда ифоданинг бетакорлиги жуда муҳим экани, баъзан ҳатто, бошқа ҳамма нарсадан юқорироқ саналиши таъкидланади. Шарқ адабиётига хос бўлган «...гул, булбул, ошиқ, маъшуқа, ағёр, ҳижрон каби анъанавий тимсоллар тизими, мустаҳкам шаклий қолип ва анъанавий ёндашувлар доирасида бетакор кўркам янгилик яратиш чинакам истеъдоднинг белгиси» саналиши, Ғарб адабиётида эса «...бадиий матндан кўпроқ ижтимоий маъно излаш анъанаси бадиий таҳлилда социологик, функционал ёндашувлар устувор бўлишига олиб келган»лиги кўрсатилади. Ғарб адабиётшунослик илмида бадиий асар функцияси инсон фаолиятини англашга қаратилгани боис адабиёт ўз-ўзидан ижтимоий мазмунга эга бўлади, деган қарашга таянишади. Турли илмий-эстетик мактабларда бадиий асарга ёндашув йўсини қандай кўриниш олгани мисоллар билан кўрсатилади.

Мазкур бўлимда жаҳон адабиётшунослигида таҳлил билан шуғулланувчи мактаблар ва уларнинг бадиий асарга ёндашувдаги ўзига хос хусусиятлари ҳамда адабиётшунослик тарихи борасида қарашлар илгари сурилган. Бадиий асар таҳлилининг Қадимги Юнонистон ва Римда шаклланиган интерпретация ва ҳерменевтика сингари йўналишлари мавжудлиги,

интерпретациянинг тарихи Суқротга бориб тақалиши, унинг турлари, интерпретация дастлаб бадиий асарни бошқа бир шаклда, тушунарли тилда қайта яратиш маъносини англатган бўлса, бугунги кунда бадиий асар моҳиятини талқин этиш, изоҳлаш усули маъносида қўлланилиши айтилиб, бу борада А. Потеня, М. Эпштейн, А. Скафтимов, В. Хализов, Б. Каримовларнинг қарашларига тўхталинади. Ҳерменевтикага эса бадиий асарни таҳлил қилиш йўлидан кўра унга ёндашишнинг методологик асоси сифатида қараш мақсадга мувофиқ эканлиги эътироф этилади.

Бўлимда бадиий асар таҳлилининг ижтимоий ва формал, маданий-тарихий ва натуралистик, тарихий-функционал, тарихий-типологик ва қиёсий-тарихий сингари илмий мактаблари, уларнинг асосчилари, ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари борасида ҳам батафсил маълумотлар берилган.

Маълумки, назарий тушунчаларга бағишланган битиклар ўқувчини ҳам ақлан, ҳам руҳан зўриқишга мажбур қилади. Шу боис, кўпинча, одам ўқиган нарсасидан нимани ажратиб олишни, уни қандай таҳлил қилишни билмай ҳалак бўлади. Китобдан ўрин олган «Модерн асар ва унинг таҳлили» ҳамда «Постмодерн асарларга ёндашув йўсинлари» тарзида номланган боблар, менинг назаримда, ана шундай битиклар сирасига киради. Китоб муаллифлари табиатан чалкаш бу масалаларнинг моҳиятига кириш учун адабиётдан ташқари тарих, фалсафа, санъат, меъморчилик ва диний йўналишдаги неча ўнлаб асарлар билан танишганлари мақолалардан шундоқ кўриниб турибди. Мазкур мақолаларда англаб бўлмайдигандек туюладиган ҳар икки мураккаб тушунча ҳақидаги қарашлар раво, силлиқ тилда ифодалаб берилган. Улар билан танишган мактаб ёки коллеж ўқувчиси ҳам бу илмий атамаларнинг асл моҳиятини англаб етади. Болаларда ҳеч қандай англашилмовчилик ёки эътироз пайдо бўлмайди. Модернизм ва постмодернизм йўналишларининг илмий изоҳи тушунарли йўсинда ифодалангани сабаб одамда уларни англашга ички эҳтиёж пайдо қилади.

Албатта, одам боласи томонидан яратилган ҳар қандай иш мукамал бўлмагани сингари, бизнингча, ушбу китобда ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилган. Бадиий таҳлилнинг илмий асосларини тадқиқ этишга бағишланган илк уриниш маҳсулида учрайдиган камчиликлар ҳолис тақризчилару инсофли таҳлилчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида мукамаллашиб бориши аниқ. Дарсликда йўл қўйилган бир қатор имло ва услубий хатоликлар ҳам кейинги нашрларда бартараф этилиши турган гап. Шунингдек, модернизм ва постмодернизм ҳақидаги мақолаларни китобнинг «Амалиёт қирралари» бўлимига киритиш маъқулроқ кўринади. Шу бўлимдаги лирик, эпик ва драматик асарлар таҳлилига бағишланган мақолалардан кейин модернистик ва постмодернистик йўналишдаги асарлар ҳамда уларнинг тадқиқи киритилса, тизим бузилмайди.

Хуллас, «Бадиий таҳлил асослари» номли бу китоб бўлажак филологлар, адабиётчи ўқитувчилар, келажакда ёзувчи, шоир ёки синчи-адабиётшунос бўлишни мўлжаллаётган ёшлар, умуман, сўз билан ишлайдиган барча-барча учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши тайин.

Кундузхон ҲУСАНБОЕВА,
педагогика фанлари доктори

Adabiyot takomili

Ўзбек адабиёти тарихининг шаклланиш жараёнлари ҳақида сўз кетганда, илк ёзма манбалар, халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари тилга олинади. Ўрхун-Энасой тош битикларининг, Тўнқуқ ҳамда Култөгин битиктошларининг топилиши қадимги туркий ёзма адабиёт ҳақида жуда кўп маълумотлар берди.

Қадимги туркий адабиёт ҳақида фикр юритилганда, албатта, Марказий Осиёда туркийлар билан ёнма-ён яшаган, бу ҳудуддаги маданият яралишида бирга иштирок этган бошқа халқларнинг турмуш тарзи ва адабиётига ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Ўзбек адабиёти бевосита қардош – қозоқ, қирғиз, бошқирд, қорақалпоқ, туркман, уйғур, озарбайжон, усмонли турк, татар, ёқут ва бошқа туркий халқлар адабиёти билан бир хил жараёнда шаклланиган. Илдизлари бир, анъаналари ўхшаш халқларнинг адабий тарихи ҳам муштарак бўлиши табиий ҳол. Масалан, «Авесто» зардуштийлик нуқтаи назаридан кўп халқларга бир хилда хизмат қилади. «Авесто»нинг ватани бизнинг заминимизда бўлса ҳам, эътиқод тўғрисида унинг географияси қардош халқларга ҳам туташади. Шунингдек, эртак ва достонларимизда, адабий асарларимизда умумий жиҳатлар кўп. «Алпомиш», «Гўрўғли» каби достонларнинг ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ вариантлари борлиги шундан. Бу достонлардаги қаҳрамонлар, жой номлари бир хил бўлса-да, ҳар бир халқ уни ўзига, ўз анъана ва турмуш тарзига хос тарзда талқин этади. Халқ қўшиқлари, мақоллар, матал, эртак ва масаллар ҳам қардош халқлардаги вариантлари билан манتيқан яқинлик касб этади.

Ўзбекларда ҳозиржавоб, халқпарвар, ишбилармон Афанди образи қозоқларда Алдаркўса, қорақалпоқларда Умирбек лаққи деб аталади. Улар умуман бошқа-бошқа образлар бўлса ҳам латифалари, қилган ишлари, улар ҳақида халқ орасида юрадиган гап-сўзларда муштараклик бор.

Бошқа барча соҳалар каби адабиёт ҳам замон билан ҳамнафас тарзда ривожланади, тараққий этади. Бугунги кунда нашриётларимизда қардош халқлар адабиётига оид асарларни нашр этилаётгани, адабий алоқаларнинг ривожланиши, «Жаҳон адабиёти» журналининг бу эзгу ишда ўзига хос минбар бўлиб келаётгани шубҳасиз, дўстона муносабатларнинг янада кенгайишига хизмат қилади. Чунинчи, адабиёт ҳамшиша эзгуликка хизмат қилган ва шундай бўлиб қолади.

Маъмура МИРЗАЕВА,
ўқитувчи

NIHOLLAR ULG'AYIB, *meva berajak*



**Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ, ўзунга кўпракдурур.**

Алишер НАВОИЙ

Инсон дунёга келиб илк бор она ҳидини туяди, она меҳрини ҳис қилади, она деб тили чиқади. Аслида тил миллатнинг теран томири, ғурури ва ифтихоридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Матбуотда адабиётшунос олимлар, ёзувчилар, ёшлар, турли соҳа ходимларининг бу Фармон юзасидан фикрлари эълон қилинди. Хусусан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али шундай ёзади: «Ёзувчининг қуроли – тил, сўз. У сўздан бинолар «ясайди», шаҳарлар «қуради», боғлар «барпо этади», дунёларни «чаманга айлантиради», қандай манзара бўлмасин, уни сўз воситасида яратади. Натижада, она тилининг бутун гўзаллиги намоён бўлади. Она тили – ижодкорнинг борлиғи, унинг суянгач тоғи, ижод майдонини яратиб берган буюк қудрат. Шу важдан ҳам ўзбек тили ва адабиётини ривожлантиришга қаратилган ҳар бир қадам ижодкор қалбини нурлантиради, унга кўтаринки руҳ бағишлайди».

Янги – Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети, Тошкент давлат педагогика университети ўзбек тили ва адабиёти факультети, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти базасида ташкил этилди. Университет таркибида учта: ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш, ўзбек-инглиз таржимаси факультетлари, бундан ташқа-

ри, Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти иш бошлади. Университет ўзбек тили ва адабиётини ривожлантиришга хизмат қилиш билан бирга, чуқур фалсафий дунёқарашни шакллантириш, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бой маънавий меросимизни асрашда муҳим ўрин тутди.

– Мамлакатимизда янги – Ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши росмана тарихий воқеа бўлди, – дейди университетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Абдулҳай Собиров. – Бу билан ўзбек тили ва адабиёти мавқеи бир неча баланд поғонага кўтарилди. Таълим жараёнига энг янги педагогик технологияларни қўллаш, давр талабига мос кадрларни тайёрлаш борасида кенг имкониятлар яратилди. Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги қароридан келиб чиқиб, университет жамоасининг олдида бир қатор устувор вазифалар қўйилди. Жумладан, ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлашга энг муҳим вазифа деб қаралди. Ўзбек-инглиз таржимаси факультетида илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Ўзбек тили ва адабиёти, фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотларини, мумтоз ва замонавий методларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш биринчи галдаги вазифамиз этиб белгиланган.

Шу нуқтаи назардан бу ишларни янада жонлантириш, ҳозирги глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетакрор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия





тизимининг барча бўғинида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитиш ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори ма-лакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини оширишга эътибор қаратилган. Биз қисқа фурсат ичида бутун жамоамиз билан мазкур вазифаларни сидқидилдан амалга оширишга киришдик..

Бу йил ўқишга уч юз нафар талаба қабул қилинди. Янги университетнинг илк талабалари, қалдирғочлари бўлиш шу ёшларга насиб қилди. Ҳали йиллар ўтади, бу даргоҳнинг ўн, йигирма, эллик, юз йилликлари нишонланади. Шунда биринчилар қаторида бу талабалар ичидан чиққан олимлар, устозлар, таниқли инсонлар, жамиятнинг илғор кишилари, таржимонлар бугунги кун ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Улардаги дастлабки ҳаяжон илм йўлидаги дахлдорликка, фан йўлидаги фидоийликка омил бўлади.

– Мен болалигимдан китоб ўқишга, тил ўрганишга иштиёқманд эдим, – дейди биринчи курс талабаси Шахло Маннонова. – Бу ҳавас ўзим билан улғайиб, тилишунос бўлиш орзусига айланди. Бир йил давомида ўқишга тайёргарлик кўрдим. Биринчи Президенти-мизнинг Фармони мен сингари ёшларнинг орзулари ижобати йўлида дастуриламал бўлди. Яқинда қайтадан уни синчиклаб ўқиб чиқдим. Биздан эртанги кун нималар кутаётганини, илм-фан, давлатимиз ва келажак олдида нималарга масъулликимизни яна бир бор дилдан ҳис қилдим. Энди мақсадим янаям қатъийлашди. Ўйламанки, бу муборак даргоҳда ҳар бир талаба мен каби жуда катта орзу ва мақсадлар билан билим олмоқда.

Ҳар қандай маънавий жасорат дадиллик, шижоат ва фидоийлик билан амалга ошади. «Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масалани аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур» деб таъкидланади Фармонда. Бу узоқни кўзлаб, тилимизнинг софлиги, ривожланиши йўлида кўйилган тамал тоши бўлди.

– Биз – баркамол авлодмиз, – дея сўз бошлади ўзбек-инглиз таржимаси факультети талабаси Музаффар Ҳабибуллаев. – Биз – дунё тамаддунига ҳисса қўшган халқнинг ворисларимиз. Соҳамизнинг етук кишилари сифатида Ватанимиз равнақиға ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз. Университетдаги ҳар бир талабанинг қалбидан ҳозир мен кўнглимдан кечираётган тугёнлар ўтаётган бўлса, ажаб эмас. Бизда дарс тайёрламайдиган, дарсга кеч қоладиган, вақтини беҳуда ўтказадиган талаба йўқ. Барчамиз юксак ишончни оқлаш учун, яратилган имкониятлардан тўлпалигича фойдаланиш учун ҳаракат қиламиз. Ҳозир тенгдошларим инглиз тилидаги адабиётларни ўзбек тилига бемалол ўгира олишади. Яна бир мақсадимиз – ўзбек тилидаги бой меросимизни инглиз, ундан бошқа тилларга таржима бўлишида ҳисса қўшиб, ўзбек адабиёти, фани дурдоналарини жаҳонга танитишдан иборат. Дарсдан кейин кутубхонага, қўшимча дарсларга қатнаётган тенгдошларимдан ортда қолишни истамайман. «Бугун нима ўргандим, эртага нималар билан шуғулланаман, шунча имкониятлар, шароитлар ким учун?» деган саволлар олдида аввало

ўзимиз уялиб қолмаслик учун ўқиймиз, изланамиз.

Ўзбек филологияси, Ўзбек тили ва адабиётини ўқи-тиш факультетларига абитуриентлар ижодий имтиҳон асосида қабул қилинди. Бунинг натижалари ўқув йили-нинг дастлабки кунларида қайта иншо ёзиш билан текшириб кўрилди. Натижа барчани хурсанд қилди. Ҳар бир иншо бир ижодий иш сифатида диққатга сазовор.

– Ўтган йилги ўқув режаси билан жорий йилдаги ўқув режасини солиштирадиган бўлсак, қарийб қирқ фоиз ўзгаришлар бўлди, – дейди Ўзбек филологияси факультети маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовини Илҳом Саидқулов. – Бу йил биринчи курс талабалари мана шу режа асосида ўқий бошладилар. Улар тўрт йил давомида шу дастур асосида ўқитилиб, замон талабларига жавоб берадиган педагоглар, филологлар, таржимонлар бўлиб етишади. Ўқув режасига янги фанлар киритилди. Хорижий энг илғор тажрибаларни ўрганиб, амалда жорий этиш бўйича бир қатор ишлар қилинди. Масалан, Жанубий Корея, Франция, Германия, Буюк Британия каби давлатларнинг ўқитиш тажрибаси тизимга олиб кирилди.

Университетдаги ўқиш жараёнлари, деворий газеталар, ўқув хоналари билан танишган одам бу жойга ўзга бир меҳр билан боғланиб қолади. Кўпинча талабаларнинг танаффусга чиққиши тинч уммонда тўлқин тургандек таассурот уйғотади. Бу университетда ҳеч ким бир-бирига ҳалақит бермайди. Талабалардаги ички маданият, муомала одоби, уларнинг юриш-туриши ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтиради.

– Талабаларимиз нафақат университетда, ётоқхонада, жамоат жойларида ҳам бошқаларга ўрناق бўла олади, – дейди университет касаба уюшмаси раиси Абдумурод Тиловов. – Талабаларимизни Ўзбекистон Миллий кутубхонасига, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейига олиб бориб, бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Улар сўраганларга Ўзбек тили ва адабиёти университети талабаларимиз, деб жавоб беришади. Миллий маданият аввало миллий тилдан бошланади. Тилга, адабиётга дахлдор инсон ҳеч қачон, ҳеч қаерда инсонлик чегарасидан чиқмайди. Буни биз талабаларимизда ҳам кўриб турибмиз. Улар устозлардан ўрناق олган ҳолда ўзаро ҳам бир-бирларига ҳурмат билан муносабатда бўлишади. Бу тартиб, ўйламанки, бардавом бўлади. Чунки кейинги йилларда келадиган талабаларга ҳам булар бевосита намуна бўлишади.

Университетда яратилган ижодий, илмий муҳит нафақат талабалар, устоз-ўқитувчиларнинг бу ерни атай кўргани келаётган меҳмонларнинг ҳам ҳавасини келтиради. Ахборот-ресурс маркази, компьютер хоналари, янги техник имкониятлар Фармонда белгилаб берилган барча масалалар тўлиқ амалга жорий этилганини кўрсатади. Янгилик, яхши янгилик ҳамиша хурсандчилик билан кутиб олинади. Илм, фан, адабиёт, ўзбек адабий тили тараққиёти йўлидаги бу янгилик яқин йилларда ўз самарасини кўрсатади. Бу йўлда университет жамоаси фидоийлик билан фаолият олиб бормоқда. Ҳали бугунги ниҳоллар улғайиб, ўз мевасини беради. Шунда ҳеч бир ишнинг беҳикмат эмаслигини яна бир бор кўнгилларимиздан ўтказамиз.

Сирожиддин АХМАД

Хар бир халқ театр санъатида ўзига хос тарих ва ўринга эга, ижрочилар учун бир мактаб бўлган сеvimли спектакллар бор. Атоқли шоир ва драматург, режиссёр ва муסיқашунос Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» муסיқали драмаси ана шундай асарлардан биридир. «Ҳалима» пьесасининг илк нусхаси том маънодаги пьеса эмас, либреттога яқин бир асар эди. Атоқли санъаткор Маннон Уйғур, шоир Чўлпон ва бошқа санъаткорларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида

«Турон» театрида «Ҳалима»нинг ҳақиқий саҳна нусхаси яратилди. Пьесада XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек турмушининг энг оғир жиҳатларидан бири – фарзандларни уйли-жойли қилиш, қашшоқлик балоси, халқ ҳаётидаги таназул акс эттирилган.

Асар қаҳрамонлари Неъмат ва Ҳалима худди «Лайли ва Мажнун» каби болалик чоғида бир мактабда ўқиб, таълим олишади. Бунинг устига улар девор-дармиён қўшни. Бора-бора икки ёш ўртасидаги самимий муносабат чин муҳаббатга айланади. Аммо масала тўйга тақалганда ижтимоий тенгсизлик кучини кўрсатиб, икки ёшнинг ҳаётини синдиради. Ҳалиманинг отаси Муслимбой қизини камбағал қўшнисига эмас, қари бўлса-да, аммо бой Ортиқбойга беради. Ҳалима ўз тенги, севган кишиси билан турмуш қурмагани учун куёвнинг уйида ўзини сочи билан бўғиб ўлдиради. Неъмат эса муҳаббатига етишмаганидан, замоннинг носозлигидан шикоят қилиб, аламзада ҳолда хасталаниб никоҳ куни, Ҳалима сурнай «наво»си оҳангида куёвни кига узатилиш пайтида дунёдан кўз юмади.

Ушбу мусибатни гўё сезгандек Муслимбойнинг ўғли Зокир тўйга қаршилиқ кўрсатади. Ота-бола ўртасидаги кескин ҳолат, тўй маросими саҳнасида жонлантирилади. Асар икки севишган Неъмат ва Ҳалиманинг ҳалокати билан тугайди. Юзаки қараганда, миллий-маиший драмадек кўринган бу асар, аслида Туркистон халқи ҳаётидаги маънавий, иқтисодий, ҳатто сиёсий таназулнинг инъикоси эди.

Асар 1919 йилда Маннон Уйғур ва Ғулом Зафарий ҳамда «Турон» труппаси аъзолари иштирокида ялпи ўқилади. Режиссёр, драматург ва актёрларнинг таклиф-мулоҳазалари эътиборга олиниб, кўшиқ ва куйлар сони орттирилади. Ушбу асарга шоир Чўлпон ҳам дўстона аралашади. Шоирнинг синглиси Фоиқа Сулаймон қизи ва атоқли режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Музаффар Муҳамедовнинг хотирлашларига кўра, Чўлпон Неъматнинг «Сайра, булбулим» кўшигини ёзиб берган. Ғулом Зафарий ўзбек куй-кўшиқларини яхши билгани учун ҳар бир ария қайси куйга солинишини белгилайди. Спектаклга Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Абдусоат дуторчи, Абдуқодир найчи, созгар ва моҳир созанда Шораҳим Шоумаровларни жалб қилади. Асарнинг мусиқали режиссурасини Маннон Уйғур ва созандалар иштирокида Ғулом Зафарийнинг ўзи бошқаради. Бир неча ойлик тайёргарликдан сўнг у омма эътиборига ҳавола қилинади.

1919 йил 14 сентябр куни «Роҳат боғча» саҳнасида асарнинг

«Halima» ning qismati





премьераси ўтади. Спектакль томошабинлар томонидан жуда яхши кутиб олинади. Орадан ўн беш кун ўтгач, матбуотда Абдурауф Фитратнинг «Ҳалима» операси» («Иштирокиюн» газетаси 1919 йил, 29 сентябрь) сарлавҳали мақоласи босилади: «Ёзув ўзбекча, чолғулар ўзбекча, куйлар ўзбекча, чиндан ўзбекча опера. Деярли сахналаримизда ўзбекча опера бу кунгача қўйилмагон, томошачиларимиз ўзбекча кўрмагон... Ўз куйларимиз, ўз чолғуларимиз билан опера қўйила олурми? Ўзбек чолғуси билан ўзбек куйи опера кечаларинда тиладигимиз таъсирни бера олурми? деган сўроқларга биз шу «Ҳалима» томошасини кўргандан кейин жавоб бера олур эдик». Сўнг асар, овоз, мусиқа уйғунлиги устида, опера санъати ҳақида фикр юритар экан, хулоса қилади: «Ҳалима» кечаси бизга оп-очиқ кўрсатдиким, тиришилса ўзбек куйлари, ўзбек чолғулари билан энг юксак, энг юқори опералар қўйила олур эмиш».

Спектаклнинг энг қийин жойидан бири миллий ҳаётни ипидан игнасиғача биладиган кишилар куй-қўшиқларни жой-жойида, ўринли ишлатилишигача аҳамият берар эдилар. Мунаққид Абдурауф Фитрат бунини сезгандек «Асар учун миллий куйларимизнинг яхшилари олинган» дейди.

«Ҳалима» 1922 йил декабр ойида томошабинларга янги кўринишда тақдим этилади. Асарга айрим ўзгартиришлар киритилади. Чўлпон асарга ёзган тақризида «11 декабрда ўзимиз кўрган кишилик «Турон» биносида юзинчи марта бўлса керак «Ҳалима» ўйналди» дейди.

Ушбу спектаклга Қаландар имзоси билан тақриз ёзган шоир Чўлпон асарнинг энг фожиали жойларини, актёр ва актрисалар маҳоратини, мусиқа масаласини ёритиш билан чекланмайди. Театрнинг бадиий баркамол асар қўйиш учун имконияти ҳар жиҳатдан торлигини таъкидлайди, шундай шароитда ҳам «Ҳалима»дай асарнинг ўйналиши ва томошабинни чақиритиши кифоя, демакчи бўлади. Орадан икки йил ўтгач, «Ҳалима» яна сахналантирилади.

«Ҳалима» спектакли 1925 йил март ойи бошида яна бир карра томошабинларга тақдим этилади. Фақат бу гал Ҳалима ролини ниҳоятда гўзал, ўзбек сахнасида Лайли ролининг илк ижрочиси Дуррияхоним Бойбўлатова ўйнайди. Тақризи Дуррияхонимнинг ашула айтишга овози заифлиги, бошқа артистлар ўз ролларини бажарганликларини айтади ва драматургга юксак баҳо беради: «Ғулом Зафарий томонидан ўзбек санойи нафиса оламида – тарихда катта бир хизмат эканлигини айтмасдан ўтиб бўлмайди.

Бу опера турмушимизнинг энг қайғули фожиаларидан олиниб ёзилган бир нарса бўлиши билан баробар, – дейди мунаққид. – Йўқолиб кетмакда бўлган оҳангларимиз бир ерга тўпланган».

1926 йилда Ўзбекистондаги илк миллий театр биноси «Ҳалима» билан очилади. Ёзувчи ва таржимон Аъзам Айюб ушбу воқеага бағишланган мақоласида «Халқ театри» номини олган «шу бинонинг биринчи гулини «Ҳалима» узди» дейди.

Матбуотда спектаклнинг премьерасидан то 1926

йилги қўйилишигача асосан, артистларнинг хатти-ҳаракатларига эътибор берилган бўлса, янги бинодаги спектаклга баҳо беришда эски андозалардан қочиш, сахна, маҳорат, талқин масалаларига янги ёндашиш кўзга ташланади. Айни масалалар ёзувчи ва мунаққид, режиссёр Абдулҳамид Мажидийнинг «Зарафшон» газетаси (1927 йил 29 декабр)да босилган «Ҳалима» мақоласида ҳам сезилади. 1928 йил февралда «Ҳалима» яна томошабинларга тақдим этилди. Бу галги спектаклда режиссёр Уйғурнинг ёшлар билан ишлагани сезилади. Бош роллар овозли артистлар Абдулҳақ Султонов, Турсуной Саидазимовага берилади. Баҳриниса Эрматова, Замира Ҳидоятлова, Ҳакима Хўжаева, Обид Жалилов, Етим Бобожонов, Обид Ҳасанов бошқа ролларга тортилади. Режиссёр ва драматург келишган ҳолда айрим ўзгаришлар қилдилар. Бироқ тақризи Зиё Саид бу ўзгаришлардан, Турсуной Саидазимовани мустано қилганда, бошқа ижрочилардан қониқиш ҳосил қилмайди, асарга янги талаблар қўяди. Шу боис уларнинг номларинигина санаб ўтади. Аммо спектаклнинг кучи уни рост сўзлашга мажбур қилади: «Ҳалима» томошоси жуда кўб ўйналишига қарамасдан, театр золини томошабинлар билан тўлдириш кафилигини ҳар вақт ўз устига олиб келади. Бу гал ҳам ўз аҳли билан золни тўлдириб берди» деб ёзади.

Фитратдан то Зиё Саидгача «Ҳалима» ҳақида тақриз ёзган муаллифлар асосан асарнинг бадииятини очишга эмас, балки ижтимоий-сиёсий моҳияти, актёрларнинг психофизик ҳолатларига аҳамият беришган.

1928-1929 йилларда турли ташкилотлар, масалан, санъат бошқармаси қошидаги репертуарни назорат қилиш бўлими ва бошқалар томонидан театрдан синфийлик, коммунистик дунёқараш масаласига эътибор бериш талаб қилинди. Рус муаллифлари асарлари ҳисобига репертуарни тўлдириш, «Фарҳод ва Ширин», «Ҳалима», «Лайли ва Мажнун» каби мумтоз асарларни сахнадан олиб ташлаш масаласи ўртага қўйилиб, турли поғонада мажлислар ўтказилди. 1928 йилда фирқа, сиёсий оқартув ва комсомол, санъат бошқармаси раҳбарлари иштирокида миллий театр репертуари муҳокамасига бағишланган «томошабинлар конференцияси» ўтказилди. Жадваллар тузилди. Эслаб ўтилган йилларда жадвал бўйича кўрсатилган асарлар орасида томошабин фақатгина «Ҳалима»га кўп ва уюшган ҳолда келгани аниқланади. Шундан дарғазаб бўлган ташкилотлар бу спектаклга келган ёшлар билан махсус шуғулланиш кераклигини уқтирадилар...

1927-1929 йилларда «Ҳалима» ҳақида эълон қилинган барча тақриз ва мулоҳазаларда муаллифларнинг зиммасига инқилоб арафасида ўзбек халқининг тараққиёти учун курашган ва рус тарихчилигида «жадид» сўзи билан аталган улуғ боболаримизни, адибларимизни ёмон отлик қилиш вазифаси юкланган. Бу фикр қатор мақолаларда кўзга яққол ташланади.

Давоми 42-бетда



Бувимни топдим...

Сотволди РАЖАБОВ

Ҳикоя

Кутилмаганда эшик кўнғироғи чалиниб, чўчиб кетдим. Ким бўлди экан, деган ўйда эшикни очдим. Кўзлари киртайган қўшни кампир қўлларини қовуштириб турибди.

– Яхши, уйда экансиз, қоқиндиқ, – деди у қурт шимиётгандай энгақларини қимирлатиб.

– Тинчликми, буви? – дедим.

Негадир «буви» десам, дилим яйраб кетади. Шу сўзни оғзимни тўлдириб айтгим келади. Раҳматли бувимнинг серажин, нурли чеҳраси кўз олдимда намоеъ бўлади.

Кампир менга таажжуб билан қаради-да, мақсадга кўчди:

– Ўғлим, сиздан илтимос, крандан сув томчила-япти, тузаттирмасам, ваннани тўлдириб, полга оқади. Биринчи қаватдаги аёлнинг феълини биласиз. Уйига бир томчи сув тушадиган бўлса, дунёни бошига кўтариб айюҳаннос солади. Имконингиз бўлса, шу кранни созлаб берсангиз.

Унинг илтижо билан боқиб турган нигоҳларига дош беролмадим. Қандай рози бўлганимни билмай қолдим. Аслида эса мен шу дамгача ҳеч кимга ёрдам қилган эмасман. Жуда илтимос қилганларга «Кўлимдан келмайди» дейишдан нарига ўтмайман. Ҳозир эса одатимга чек қўйдим. Ҳатто кампирни ўз бувимга ўхшатдим чоғи, дарҳол озғин қўлларини тутдим:

– Хўп бўлади, буви, қани юрингчи?

Етаклашиб уйга кирдик. Анчадан бери бунақа юмушни қилмагандим, уддасидан чиқа оламанми, деган хадик бор эди. Ҳайриятки, эпладим.

Чакиллаб томаётган сув тўхтади. Кампир нурсиз кўзларини менга миннатдор тикди.

– Умрингиздан барака топинг, болам, мушкулими осон қилдингиз. Менинг ёшимга етиб юринг! Сизнинг ҳам мушкулнингизни ўзи осон қилсин!

Онахонга қараган сарим худди бувимга ўхшагани ҳис қилиб, қалбим ҳаяжонга тўла бошлади. Тавба, ўз қобиғимга ўралиб, шундоққина ёнимда яшаётган муштипарни сезмабманми? Соғинчдан эзилган юрагим хапқириб кетяпти.

– Энди менга руҳсат-а, буви.

– Йўқ, йўқ, бир пиёла чойимни ичиб чиқасиз, бўлмаса дилим ранжийди, ўргилай!

– Чой ичиш қочмас, бувижон.

– Ундай деманг, ўргилай, озгина ўтиринг, – кампирнинг ялинчоқ кўзлари мени беихтиёр стулга чўқтирди. Онахон топган-тутганини дастурхонга тўқа

бошлади. Қаранг-а, унинг бисотида антиқа ширинликлар бор экан. Хув ўша болалигимиздаги қизил чизиқли парварда, новвот, майиз...

Кампир мулойим кулиб қаради. Бу қарашдан баттар ҳаяжонга тушдим. Худди бувимнинг нигоҳлари! Наҳот, оналар шунчалар бир-бирига ўхшаса?

...Отам бизларни ташлаб, ўзга юртларга кетгандан кейин бир йил ўтиб онам ҳам қазо қилди. Мени бувим ўзи билан олиб кетди. Ўшанда онамга роса интизор бўлганман, тунлари зор-зор йиғлаганман. Бувим ҳам менга қўшилиб йиғлаган. Ота-онамнинг чеҳрасини ҳозир аниқ-тиниқ хотирлай олмайман. Болалик хотирамда бувимнинг серажин, аммо нурли чеҳрасигина муҳрланиб қолган.

Бувимнинг қўлида ғам кўрмай ўсдим. У мени ўқиб, катта одам бўлишимни хоҳларди. Онам борлигида мени эркалаб суядиган тоғаларим мендан гашиқадиган бўлиб қолишди. Лекин бувим сўзида қатъий туриб мени ўқишга жўнатди. Бир йилдан сўнг эса кутилмаганда вафот этди. Жони жаҳонимдан айрилиб, бўтадек бўзлаб қолдим. Кейин ўқишга қайтдим. Қишлоққа қайтиб бормадим. Ҳеч ким ортимдан сўроқлаб ҳам келмади. Ўқишни тамомлаб, шаҳарда ишлай бошладим. Мана шу икки хонали уйни олдим.

– Олинг, ўргилай, – қистай бошлади кампир. – Биласизми, бу нарсаларни қачондан бери сақлайман? – У кўзларини очиб-юмиб ҳисоблашга тушди. Чалкашиб кетди чоғи, қўлларини силтади. – Эсимда қолмабди. Олиб ўтиринг, ўргилай.

– Бирортасига сақлаганмиди, ўғиз, бувижон?

– Ҳа, – деди у оғир сўлиш олиб.

– Ким у? – Қизиқишим устун келиб яна сўрадим.

– Ўғлим! Якка-ю ёлғиз ўғлим... – кампирнинг юраги зардобга тўла чоғи, овози титраб кетди

– Унга нима бўлган?

– Ўғлим қамалган. Уни бир марта қамоқ қабул-хонасида кўрганман, холос. Қамоқдан кейин домдараксиз кетди. Шу сўнгги дийдор бўлди.

– Нима учун қамалган? – Кампирга оғир бўлаётганини тушунсам-да, барибир тилим саволдан тўхтамади.

– Ҳалигача тагига етолмадим. Ўғлимни ўғирликда айблашди. Мен билмаганман, ҳатто сезмаганман ҳам. Мелисалар уйимизга келиб, боламнинг қўлларига кишан солганларида бутун жону жаҳоним куйиб кетган. Дод солдим, ялиндим, ёлвордим. Аммо жинойт қилдими, жазоси тайин, дейишди. Ўғлимдан



сўрасам «лом-мим» демайди. – Кампир боядан бери ҳиқиллаётган эди, энди ростмана йиғлай бошлади. – Тўйини қилмоқчийдим, сеп-сидирғаси тайёр, келин ҳам қидираётувдим.

Савол берганимга пушаймон бўлдим. Кампирнинг ярасини янгилаганим қолди. Бироқ тилимдан яна ўз-ўзидан савол чиқди:

– У тирикми?

– Билмадим, тирикми ёки йўқ. Эртаю кеч ўғлимни ўйлайман, зориқиб кутаман. Аллоҳга нола қиламан «Э, Яратган эгам, ёлғизимнинг дийдорини кўриб жон берайин!» деб. Орадан шунча йиллар ўтса ҳам унинг йўлига интизорман. Қазойим етиб ўлиб қолсам, ўлигим мана шу тўрт девор ичида қолиб кетармикан, деб юракларим зада.

– Йиғламанг, бувижон, – унинг ҳолати энди менга кўчди. Ўпкам тўлиб, кўзим ёшланди. – Менинг ҳам сиздек бувижоним бор эди. Меҳрибон, бағри кенг. Афсуски, энди оламда йўқ. Сизни кўриб, бувимни кўргандай, топиб олгандай севи-ниб кетдим.

– Ўргилиб кетай, болам. Бувингиз ўрнига буви бўлай, – йиғлаётган кампирнинг юзига табассум югурди – Мен ёлғиз, сиз ёлғиз, бу ёғига она-бола бўлиб яшаймиз-да. Агар лойиқ кўрсангиз, болам...

– Раҳмат, бувижон, – беихтиёр ўрнимдан туриб келиб, кампирнинг елкаларидан кучдим – Сиз энди менинг бувимсиз!

– Бўйларингдан ўргилай, ўғлим ўрнига ўғил бўлгин, жоним болам! Аллоҳга шукр, қариганимда менга ўғил жўнатган Яратганга шукр.

Кампир узоқ вақт мени бағридан бўшатмай титраб-қақшаб турди. Кейин бу ҳолатга ишонқирамагандай, ҳозирги кўрганлари тушида содир бўлгандай киртайган кўзларини юзимга тикди. Ичкари хонага кириб кетиб, шойи белбоғ кўтариб чиқди.

– Рости билан боламмисан?

– Ўғлингизман бувижон! – дедиму, кўзларимдан тирқираб ёш оқди. – Сизнинг ўғлингизман!

– Ўғлим, мана шу белбоғни сенга берай. Хизматингга рози бўл.

– Одам ўз бувисидан ҳам хизмат ҳақи олади-ми, буни олиб қўйинг... – Қарасам, онахон астойдил ранжийдиган. Кейин йўлини топдим. – Бувижон, буни яхши ният билан олиб қўйинг, тўйимда

ўзингиз белимга боғлаб қўясиз.

Шу кундан бошлаб кампир қўлида егулиги билан ҳар куни мени йўқлаб олдимга кирар, узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўтирарди. Менинг ҳаётим ҳам ўзгара бошлади. Авваллари тўрт девордан иборат бўш уйга боришдан юрагим безилларди. Энди эса ишдан чиқибоқ уйга шошаман. Йўл-йўлакай бирор тансиқроқ егулик оламан. Бояқиш бувим севиногидан оламга сиғмай кетади. Бора-бора кампирнинг киртайган кўзларида нур пайдо бўлди. Менинг ҳам хувиллаган дилимга илиқлик югурди. Ишдан кейинги чарчоқ, зеркиш мени тарк этди. Икковлашиб тамадди қиламиз, гурунглашамиз, дардларимизни бўлишамиз ва енгил тортамыз.

Мана, ҳозир ҳам ишдан қайтпману, бувим бугун қайси мавзуда сўз очишини ўзимча мулоҳаза қилиб келяпман. Ўтган гал мени уйлантириш ҳақида гап очиб, кўз остига олиб қўйган қизнинг таъриф-тавсифини қилганди. Қани борайчи, бугун совчиликка боришидан гапирса, ажаб эмас.



М

ода ҳеч қачон, ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган. Чунки инсон табиати фасллар каби ўзгаришга мойил. Айниқса, опа-сингилларимиз дунё мода олами доимо кузатиб борадилар ва ана шу жиҳатдан либослари, сумкалари, соч турмаклари, ҳатто пойабзалларига ҳам алоҳида эътибор берадилар.

Албатта, келаётган йил модаси кўпчиликни қизиқтириши табиий. Шу мавзуда модельер-дизайнер Гулчеҳра Юнусова билан суҳбатлашдик.

– Гулчеҳраҳон, кириб келаётган йилда қандай янгиликлар кутилаяпти?

– 2017 йилда дунё мода оламида кўплаб ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда. Ўзимизда эса ипак, парча, атлас, бахмал каби матолар урфга киради. Бисер билан безалган либосларга бўлган эътибор сусаймайди.

Модаларнинг алоҳида ўрни бор, шу боис оқ костюмларга талаб кучаяди. Жигарранг, мошранг, тўқ сариқ, кулранг оммалашади. Бу ранглар кўзга яққол ташланмайди, одмироқ кўринади. Кундалик ва оқшом либосларида ҳам райҳон ранг тўғри танлов бўлади. Жуда ёрқин бўлмаганлиги учун оппоқ юзли ва қорачадан келган аёлларга ҳам бу ранг мос тушади.

Бичимларга келсак, ҳар доим қулай ва кенгроқ фасонларни тавсия қиламиз. Тор ва очик кийимлар менталитетимизга ва соғлигимизга тўғри келмайди. Оқшом либослари эса ҳар доимгидек ҳашамдор, узун, шлейфли, жозибали, муҳими, ўзига ярашган бўлиши керак. Байрам, тўй-ҳашамларда ҳар бир аёл ўз либоси билан ажралиб туришни истайди. Бироқ жозибали кўринаман, деб нотўғри либос танламаслик керак. Кундалик кийимларда асосан классика оммалашши мумкин. Ҳозирги пайтда

бачканаликка анча чек қўйилган, жимжимадор, кўзга ташланадиган деталлардан фойдаланилмаяпти. Ўта ҳашамдор либосдан кўра, бичимлари қийин, аммо одми кўринишдагиси урфда. Бундай кийимлар ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайди.

– Ўтаётган йилдаги кўзимиз ўрганган, ёрқин «Милитари» услубидаги кийимлар гардеробда қоладими?

– «Милитари» услуби кириб келаётган йилда баъзи ўзгаришлари билан янада нафис кўриниш олади. Узун нимча, шим, юбка, калта камзул, калта пальто урфда бўлади. Йилнинг энг муҳим йўналиши сифатида узун устки кийим билан шим кийиш модаларга киради.

– Қиш мавсумида қандай либослар урфга киради?

– Қорли-қировли кунларда ҳар доимгидек, тўқилган кийимлар нисбатан чиройли кўринади. Ҳозир тўқишнинг турли услуби ва бичимлари оммалашган. Бундай кийимлар қулай ҳамда иссиқлиги билан ҳаммабоддир. Ҳаттоки, тўлачадан келган қизларимиз ҳам елка қисми ихчам, пастки қисми кенгроқ тўқилган кийимларда бемалол ишга, ўқишга боришлари мумкин.

Qalb go'zalligiga

ИНСОНДА ҲАММА НАРСА ГЎЗАЛ БЎЛМОҒИ ЛЎЗИМ: ЮЗИ ҲАМ, КИЙИМИ ҲАМ, ҚАЛБИ ҲАМ, ФИКРИ ҲАМ.

ЧЕХОВ

Бу йил бахмалдан тикилган кундалик ва оқшом либослари ҳам урф бўлади. Оддий, калта пальто, кардиган, нимчалар, қавилган костюмлар эксклюзив кийим сифатида тавсия қилинади.

Бош кийимларга келсак асосан, қасаба услуби кенг тарқалади. У худди рўмолни ажойиб тарзда ўрагандай кўриниш беради.

Пойабзал масаласида эса ҳар доимгидек ўзимизга мос, қулай, ўртача пошнали, шу билан бирга таг чарми қалин ёки спорт услубидаги, платформа туфлиларни, камроқ деталли, одми этикларни тавсия қиламан. Уларни ҳар қандай кийимга уйғунлаштириш мумкин.

– Модельер-дизайнер сифатида қандай кийимлар кийишдан чекланишни маслаҳат берган бўлар эдингиз?

– Масалан, кейинги пайтларда бозорларимизга кириб келаётган, баъзи ёшларни қизиқтираётган йиртиқ кийимларни ҳеч кимга тавсия қилмайман. Бу услуб Ғарб модалари асосчилари томонидан «дизайн хатолиги» деб тан олинган. Йиртиқ кийим қашшоқлик белгисидир. Бундай кийимларнинг урф бўлмаслиги учун биз дизайнерлар фақат модаларнинг намоишлари, оқшом либослари устида эмас, кундалик кийимлар учун ҳам ишласак, ёт либосларнинг кириб келиши ўз-ўзидан

барҳам топади. Шундай бўлаяпти ҳам. Ўзбек дизайнерлари ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда пахта, трикотаж, чўзиладиган матолардан ҳам бозорбоп, ҳам сифатли миллий кийимларни яратмоқдалар. Ваҳоланки, бутун дунё мутахассислари асосан пахтали матолардан кийимлар яратишга интилади. Ушбу кийимларга адрас гули ёки миллий орнаментлардан детал сифатида фойдалансак, алоҳида услубни кашф этган бўламиз. Аслида ўзимизга ярашган, одми ва миллий кўринишдаги кийимга нима етсин!

Модалар ҳамиша ўзгариб, янгилиниб тураверади. Албатта, бу борадаги мутахассислар фикри тавсия кўринишидадир. Аёл учун энг чиройлиси бу унга ярашган либосдир. Айтишадик-ку, либос инсонни эмас, инсон либосни безайди.

uzg'in liboslar

НИГИНА ҚОДИРОВА
суҳбатлашди



Давоми.
Боши 36-37-бетларда

«Халима» спектакли ҳақидаги гап-сўзлар 1929 йилда яна авж олади. Хужум асосан драматургининг тутган йўлига, асарнинг ниҳоятда миллий бўлганига қарши қаратилади. Драманинг композицияси қайта ишлангани, бор-йўғи тўрт-беш образ иштирок этган илк асар 30-йилга келиб 5 пардали, 15 дан ортиқ иштирокчига эга бўлган пьесага айлангани, сахналаштириш жараёнида режиссёрлик нуқтаи назаридан анчагина ўзгаришлар қилингани эътибордан соқит қилинади. Матбуотда «Халима» асари бизга керакми?!» деган мақола пайдо бўлади.

Ўзбек давлат «Намуна» труппаси 1929 йилда Самарқанддан Тошкентга келиб «Халима»ни томошабинларга тақдим этади. Тошкент томошабинлари кенгашида ҳам «Халима»ни олиб ташлаш масаласи қатъий қўйилганига қарамай, томошабинларнинг муносабати ўзгармай қолаверади. «Халима» асари билетлари бир кун илгари тамом бўлади.

Ўша пайтда «Томошабин» имзосини қўллаган Аъзам Айюб: «ҳамма «Халима»ни кўргувси келади, ҳатто корхоналардан ҳам кўплашиб кўриш талаби ҳам бўлади. Бундан кейин бундай талабларнинг бўлиши ҳам эҳтимол эмас. Бу айбми? Бу кимнинг гуноҳи?» Шу боис «Халима» асарини сахнадан олиб ташлаш фикрига қўшилиш мумкинми?» деган савол кўяди.

Асарнинг томошабин қалбидан жой олиб, унинг маънавий мулкига айланганини жуда чиройли мисол билан ифодалайди: «Халима»нинг аҳамияти турмушнинг бир парчасини кўрсатишидадир. Шунинг учун зиёлиси бўлсун, ишчиси бўлсун ва ҳоказо ўз турмушининг, айниқса, бунинг каби собиқ турмушнинг ингичка жойларини кўргуси келади. Энди шу асарни сахнадан олиб ташлаш фикрига тушсак хато қилғон бўламиз» дейди ва асарнинг айрим ўринларини тузатиш керак деб тақлиф беради. Кўнгли тўлмайди шекилли, фикрини қатъийроқ ифодалайди: «Бизнинг қатъий фикримиз тубондагича асарга фақат бир ёнлама эмас, икки томонлама қараш керак: «Олиб ташлаш керак», деганда, «Нима учун» деган сўроқни қўйиш лозим. «Халима» томошабинларни бузмайдир, ўз таъсирига олмайдир». «Қачон ҳозирги ҳаётимизнинг «Халима»ларини яратиш сахнага чиқармагунимизча «Халима» ситилиб чиқмас» дейди.

Ушбу тақриз Давлат труппаси ишга тушгандан буён «Халима» спектаклига тақриз баҳонасида тор мафкурачиларга асар-жамият-мафкура-танқид нуқтаи назаридан берилган энг тўғри жавоб эди. Аммо бу мақола ўзига хос баҳсга сабаб бўлиб, «маданий инқи-

лоб» тарафдорлари тубан мақолаларини эълон қила берадилар. Ушандайлардан бири ёш журналист Ёлқин (С. Раҳмонов)нинг «Халима» асари тўғрисида фикр» мақоласидир.

Муаллиф, спектакль ёш йигит-қизларни тўғри тарбиядан адаштиради, дейди. Ёлқин мумтоз асарларнинг мақсад-маслакини идрок этмайди, шу боис «Лайли-Мажнун», «Фарҳод-Ширин»ларнинг бизга қанчалик ярамас ва яроқсиз эканини биламиз. «Халима» асари эса шулардан қолишмайди», деб хулоса қилади. Спектаклда кўтарилган инсоний, ижтимоий, иқтисодий муаммолар мақола муаллифини тамоман қизиқтирмайди. Шу боис спектакль олға сурган фикрга эътибор бермай театр ва пьеса муаллифининг бошига гурзи туширади.


Бу мақола кўпчиликда норозилик уйғотади. Газетанинг навбатдаги сониди Дилгир тахаллусли қаламкашнинг «Халима» асари бизга ярайди» («Шарқ ҳақиқати». 1930 йил, 3 март) мақоласи босилади.

Мунаққид спектакль хусусида фикр юритар экан, Ёлқиннинг кўпгина даъволарини инкор қилади, унинг ёшлиги ва спектакль қамраган даврни назарда тутиб «Ёлқин ука, сан ўшал вақтда гўдак бўлсанг, унинг учун ким айбдор бўлсун?» дейди ва тақризчининг «соч ўсдиргонлар», «эски мактаб», асар қаҳрамонларининг маъноли қўшиқ куйлашлари ҳақидаги, «пролетар мафкурасига уйғун келмаган» деган фикрларининг ноўринлигини танқид қилади.

Ёлқиннинг фикрлари ноўрин эканлигини таъкидлаб «сенинг хазон резгилидаги ёки киш чилласидаги фикрингга қўшилиб, томошабинлар театр кўришни, давлат драм труппаси тахта-ўқлоғисини йиғиштириб кўя қолсинми?» дейди. Тақризчи фикрини яқунлагандай «Халима» бир мунча ўзгариш ва тузатиш билан сахнамизда қолиши ва яшаши керак. Биз сахнадан олиб ташлаш тўғрисида Ёлқин ва бошқаларнинг фикрига мутлақо қўшула олмаймиз» деб асарни ҳимоя қилади.

Матбуотдаги бундай баҳс ва тортишувлардан сўнг асар муаллифи Фулом Зафарий 1930 йилда миллатчиликда айбланиб ҳибсга олинади ва қамалади. Аммо театр назоратчилари асар муаллифининг номини афиша ва программалардан олиб ташласалар ҳам режиссёр кундалик репертуардан олиб ташламайди. 1936 йилда Фулом Зафарий сургундан қайтиб келади аммо орадан бир йил ўтар-ўтмас, яна қамоққа олинади ва 1938 йилда маҳв этилади. Ана шундан кейингина «Халима» унутилди.

Ўзбек миллий театрининг илк қадамларида пайдо бўлиб, миллионлар қалбини шод этган, қарийб 15 йил сахналардан тушмасдан ўйналган, ўзбек санъаткорлари учун маҳорат мактаби бўлган гўзал «Халима»нинг тақдири шундай яқун топди. Мустақиллик шарофати билан бу қисмат сири очилди. Биз асарнинг ижтимоий талқинлари ва тақдири ҳақида тўхталдик, навбатда унинг йирик музыкали асар сифатидаги эволюциясининг таҳлили ўз эгасини кутмоқда. Бу энди келажак иши.



Ustoz so'z tizgan damlar

Buyuk avar shoiri Rasul Hamzatov «Burgut qanotida» deb nomlangan suhbatida «Umrinning bir qismini o'g'irlatganman» degan edi. Bu bilan zamonamizning zabardast adibi besamar o'tgan kunlariga ishora qilgan. Inson uchun, ijodkor uchun umrning har bir lahzasini munosib yashab o'tish nihoyatda muhim va u, albatta, o'z samarasini beradi. Xorazmlik taniqli bolalar shoiri Ollobergan Po'lat esa sakson bir yildirki, Xonqa tumanida, ilk bor beqiyos san'atkorlar Hojixon

va Olmaxon taronalari taralgan osuda go'shada so'z tizib kelyapti. Muhtaram muallimimiz bilan cho't qoqsak, shu kungacha besh mingdan ortiq mag'zi to'q she'rlar yozibdi. Uch jildi, yigirma kitobi bosilibdi.

Ollobergan ota bir paytlar Quddus Muhammadiy, Ilyos Muslim, Quдрat Hikmat, Egam Rahim, Rahim Bekniyoz, Do'stjon Matjonlardan olgan saboqlarini minnatdorlik bilan eslaydi. Xuddi Quddus bobodek dunyoni bola ko'zi bilan ko'radi, bola qalbi bilan anglaydi. Quдрat Hikmat kabi qushlarga do'st tutinadi. Do'stjon Matjondek gullarga mehr suvini quyadi. Ayni chog'da o'zbek adabiyotining boyteraklariga

aylangan Rustam Nazar, Qo'zi Ismoil, Ismoil Olloberganov, Sodiқjon Inoyatov, Erpo'lat Baxt va boshqalarga oq fотиha bergani bilan faxrlanadi.

Ollobergan ota hamon yosh yigitdek tetik va bardam. Hamon bolalar davrasida, ularga she'r o'qib, kitob va shirinlik ulashadi.

Odatda, bozordagi meva rastasiga borsangiz, «Bir tatib ko'ring!» deb iltifot qilishadi. Men qadrlı ustozimning she'rlarini maqtamoqchi emasman. O'zingiz o'qib, undagi beg'ubor nafosatdan bahramand bo'ling!

Yangiboy QO'CHQOROV

ASALARI

Achomlashib ko'rishar
Gullar bilan ertalab.
Har birini o'padi
Asalari erkalab.

Zavqqa to'lgan bolalar
Qutlab chalishar qarsak.
Deyishar: – Bizga basdir,
To'yib-to'yib bol yesak.

OLCHAM

Qarang-chi, olcham
Berib nishona.
Bu yil u meva
Qildi besh dona.

Pishsa yozaman
Sizga dasturxon.
Gar kelib, do'stlar,
Bo'lsangiz mehmon.

ARCHA

Archam dovul, bo'ronni,
Sovuqni pisand etmas.
Dim demas saratonni,
Toza havo bo'lsa bas.

Ko'm-ko'k kelganday bahor
Yaproqlari qishu yoz.
Cho'chitolmas yoqqan qor,
Uni qahraton ayoz.

MEHMON QUSHLAR

Chaman bog'imga qushlar
Kelishar mehmon bo'lib.
Don, suv bersam zavqlanib
Sayrashar to'yib-to'yib.

Har tong meni qutlashar
Boshim uzra aylanib.
Shu asno do'stligimiz
Qolgan mahkam boylanib.

BOBOMNING TABASSUMI

Shahrimda al-Xorazmiy
Bobomning haykali bor.
Har o'tganda poyiga
Gullar qo'yaman takror.

Qallda shodlik, hayajon,
Ko'z uzmay tursam bir zum –
Rahmat deganday ular
Go'yo qilar tabassum.

DO'STLIK IPI

Do'sti borning bir umr
Bo'lar hayoti quvnoq.
Qayg'u bilmayin hech bir
Yashar tashvishdan yiroq.

Lek do'stlik ipi aslo
Mahkam bog'lanmas birdan.
U eshilgan bo'lmasa,
Yurakdagi mehrdan.

MAKTABDAN KELSAM

O'qish kitobimni man
Haddan yaxshi ko'raman,
Uni ukamlarga ham
Har kun o'qib beraman.

Maktabdan kelsam darhol
Atrofimni o'rashar.
– Bugun, aka, nechta «besh»
Oldingiz deb so'rashar.

Aytgan bilan ularning
Sira ko'ngli to'lmaydi.
Shu bois «besh»larimni
Ko'rsatmasam bo'lmaydi.





Keeling, Bir kulishayeib

Dilga ilhom

solgan sayohatlar



ДУНЁ ҲАЖВЧИЛАРИ АНЖУМАНИДА

Қадим машойихлар дебдиларки, жаҳон кула олгани учунгина сақланиб қолгандир. Буни қайси авлиё айтганини билмадим-у, лекин рост гапни айтган экан, хувари. Одам боласи пайдо бўлибди-ки, кулги унга йўлдош, ҳамдам. Гам-кулфат, қайғу-алам, меҳнат-машаққат деган ташвишлар ҳиқилдоғига етганида кулги-ю қаҳқаҳа жонига оро кирганиданми, одам зоти уни қадрлайди, эъзоялайди. Кулги инсоннинг ҳаётдан, яшамокдан оладиган завқи, унинг фазилати, бебаҳо бойлиги. Шунинг учун ҳам инсон кулиб яшашга интилади. Ўзбекларнинг закийси Юсуф қизиқ ҳам: «Кулинглар, дўстлар, умрингиз узоқ бўлади», деб бежиз айтмаган. Беназир адибимиз Абдулла Қодирий ҳам одамларни кулдириб йиғлатгану йиғлатиб кулдирганлар. Ҳа, азизлар, кулгида хосият кўп. Беғубор кулгигаю кулганга нима етсин!

Ўз тарихида кўп меҳнат-машаққатлар чеккан, не-не жафоларни кўрган булғор халқи ҳам кулгини севади, улуғлайди. Шу боисдан ҳам у халқ ғалати, ҳеч ерда учрамайдиган ўзига хос Габрово кулгисини яратиб, оламга таратди. Шунинг учун ҳам Габрово жаҳон кулгисининг марказларидан бирига айланган. Бу шаҳарда жаҳондаги биронта мамлакатда йўқ идора – Ҳажв ва кулги уйининг барпо этилганлиги ҳам шундан. 1971 йилда ташкил топган бу ажойиб кулги маскани қисқа вақт ичида фақат Булғористондагина эмас, бутун дунёда танилиб, машхур бўлиб кетди. Ҳозир бу жойда жаҳоннинг 157 мамлакатидан келтирилган 15 мингдан ортиқ кулгибахш китоблар, суратлар, ҳайкаллар, кино, театр асарлари сақланади. Кулги уйи махсус журнал

ва мажмуалар чоп этади, кўрғазмалар ташкил қилади. Бу ерда ҳар икки йилда бир марта Халқаро ҳажв ва кулги анжумани ўтказиб турилади.

IX Халқаро Габрово йиғинига юздан ортиқ мамлакатдан меҳмонлар келишди. Ҳажв ва кулги уйининг олдидаги булғор халқи кулги қаҳрамони Айёр Петр, испан ҳажвчиси Сервантес ижод қилган Дон Кихот, Санчо Панса, атоқли кино қаҳрамони Чарли Чаплиннинг ҳайкали ўрнатилган майдонда одам тирбанд. Улар анжуманнинг очилишини кутишяпти. Дарвоқе, булғор ҳайкалтароши Георгий Чапкинов Санчо Панса ҳайкалини шу йилги кулги байрамига совға қилибди. Майдонда булғор саҳнасининг устаси Дмитро Добрев машхур кино қизиқчиси Чарли Чаплиннинг образида пилдираб, томошабинларни кулдириб юрибди.

Мана, ниҳоят орзиқиб кутилган дамлар келди – Халқаро кулги анжуманининг байроғи кўтарилди. Габрово жамоасининг раҳбарлари меҳмонларни табриклади, ўз хўжаси – Дон Кихотнинг ортидан бу ерга муқим туриш учун келган содиқ яловбардори Санчо Пансани шаҳар бошлиғи габроволиклар номидан муборакбод қилди ва меҳмоннавозлик кўрсатиб, унинг эшағи олдига бир тутам пичан солди. Шу тариқа ҳазил-мутойиба билан Габроводаги кулги анжумани бошланиб кетди. Бир томонда ҳажвчи ёзувчилар, бир томонда кулгили суратлар ижодкорлари, бир томонда комедиячилар баҳслашдилар. Фолиблар мукофотларга сазовор бўлишди.

Дунё ҳажвчилари анжуманида камина булғор халқ кулгисини ўзбек халқига танитувчи сифатида тилга олинганидан бошим осмонга етди. Мен ҳам сўзга чиқиб узоқ Ўзбекистондан, халқимизнинг миллий латифағуи Насриддин Афандининг

Таниқли масалчи шоир, ёзувчи ва олим, филология фанлари доктори Мухтор Худойқулов турли йилларда ёзилган «Қоя ва палахса», «Дарё ва пўкак», «Зирапча», «Қирқ масал», «Ўйлаб топилмаган ҳикоялар», «Габрово латифалари ва ҳангомалари», «Отам ҳақида ҳикоялар», «Киракашликнинг киройи ҳангомалари», «Машхур изқувар Шерлок Холмснинг уйида меҳмон бўлганим...» каби кўплаб асарлари билан китобхонлар меҳрини қозонган.

Айни кунларда табаррук 80 ёшни қаршилаган устоз Мухтор Худойқулов қизгин ижодий фаолиятда. Қуйида Сизнинг эътиборингизга адибнинг «Саёҳатлар ва ҳикоятлар» туркумига кирувчи ҳикояларидан намуналар тақдим этилмоқда.

юртидан келганимни, у кишининг йигирманчи қават эвара-жияни бўлишимни айтдим. Мазкур жаҳон кулгиси маркази бўлмиш Габроводаги Ҳажв ва кулги уйи олдига Насриддин Афандининг ҳам ҳайкалини ўрнатишни таклиф қилдим. Бу таклиф кўпчиликка маъқул келгандай бўлди. Ажаб эмаски, келгусида донишманд халқ қаҳрамони Насриддин Афандининг ҳайкали Габровода ҳам қад ростласа!

ЛАТИФАЛАР МУАЛЛИФИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ

Габрово латифалари эшитган одамни кулдирибгина қўяқолса ҳам, Насриддин Афанди билан Айёр Петрининг ҳаққи-ҳурмати гапнинг ростини айтишим керак – мен улардан хийлагина фойда кўрдим. Аввало, соф фойда – қалам ҳақи олдим. Аммо, энг муҳими, рўзғорда ҳам габровоча тутум тутишга ўрганиб, анчагина масаллиқни тежашга муваффақ бўлдим. Хотиним мастава қилганда мен унга солинадиган, гуручни санаб бераман, яна ўша санаганимдан бир қисмини эрталик овқат учун ҳам олиб қўядиган бўлдим. Хотинимнинг туғилган кунига фақат совун совға қиламан, нимага деганда бу нарсдан ҳар иккаламиз бараварига фойдаланишимиз мумкин-да! Эшик-дарвозани тузатмоқчи бўлсам ўғлимни теша сўратиб қўшниларимникига чиқараман, хасислик қилиб беришмаса, ўзимизникини ишлатаман. Ерда бирорта ип-мип ётганини кўрсам олиб бармоғимга ўраб кўраман – бир ўрамга етса бирон нарсага яраб қолар, деб олиб қўяман. Бунақа иш тутуми секин-аста уйимдагиларга ҳам ўтди. Хотиним уйимизни тез-тез оқлаб турарди, бир гал: «Бўлди, ҳадеб деворга оҳак суртаверма, хона торайиб кетди», – деб урушиб берди. Катта ўғлимга онаси бир жойга

совчиликка борган экан, қараса келин бўладиган қиз нозик-ниҳолгина. Хотиним дарров шуни танлабди, нега десангиз – нозиккина бўлса уйда кўп жойни эгалламайди, бунинг устига кийимликка ҳам унча газлама кетмайди... Тўғри, бу гапларнинг аксарияти ҳазил, аммо габроволикларнинг тутумига сиз ҳам риоя қилиб кўринг, кўп нарсага эришишингизга мен кафил.

Габровода ана шу латифаларнинг муаллифи – ҳажв ва кулги уйининг мудирини Стефан Фортуннов билан учрашдим, менга ва оиламизга шунчалик фойда келтирган латифалар учун ҳисоб-китоб қилишдик. Бу – жуда ажойиб, ғирт фойданинг қони бўлган латифалар учун бутун бошли туя етаклаб борсам ҳам озу, лекин узоқчилик қурсин... Аммо мен қарздор бўлиб қоладиганлардан эмасман – Стефан Фортунновга ян-янги, оҳори тўкилмаган ўзбек дўпписини кийдириб кўйдим. Бундан ҳамкасбимнинг боши осмонга етди. Лекин мен унга бу дўппининг гули қўлда эмас – босма дастгоҳда босилганини, ўзи эса... арзонроқ туришини айтганим йўқ, албатта. Ортиқча эзилиб ўтиришининг нима кераги бор. Гап-сўздаям тежамкор бўлган ютади, а лаббай...

ЧАРЛИ ЧАПЛИН БИЛАН ОШНО БЎЛДИМ

Ҳажв ва кулги уйининг олдида тумонат одам. Ҳамма «хо-хо»ни баланд кўйиб куларди. Қарасам ўртада Чарли Чаплин юрибди. Ҳа-да, тириги! У оёқларини икки томонга қаратиб босиб, қўлидаги ҳасасини ўйнаб пилдираганича томошабинларнинг олдида бориб ҳазиллашар, болаларнинг олдида келганда қорнидаги тугмани босиб, ғалати овоз чиқариб кулдирарди. Унинг кўзлари гоҳ кулгидан порлаб кетса, гоҳ маъюсланар, қисқаси ҳақиқий Чарли Чаплин тирилиб келгандай эди, у кулги байрамини жонлантириб, яна ҳам хушчақчақлик кўшарди.

Мен ҳам у билан ҳазиллашдим, суратга олдим. Йиғилишдан чиқиб келаётсам Чарли бир ўзи дарахт тагида чарчаб-ҳориб турарди. Унинг кўзлари хорғин, маъюс эди. Мен уни шу ҳолатда ҳам суратга олдим. Менинг ишқибозлигимдан хурсанд бўлган Чарли «Ҳали яна кўришамиз, лекин сиз мени танимай қоласиз!» – деди. Кечқурун «Болқон» меҳмонхонасининг ресторанида анжуманга келган меҳмонлар учун зиёфат берилди. Базму жамшид қизиган бир пайтда бир одам келиб менга салом берди, қадаҳ уриштиради. Мен бу одамни умримда биринчи кўришим эди, шу-

нинг учун ғалати ҳолга тушиб қолдим. Шунда ҳалиги одам кулиб: «Мени танимадингиз-а, ахир мен Чарлиман-ку», деди. Лекин менинг рўпарамда бутунлай бошқа одам турарди. Ҳақиқатан ҳам, унинг Чарли Чаплин эканлигига ҳеч ким ишонмасди. Софиядан келган саҳна устаси Дмитро Добрев драматик театрнинг артисти экан, яқинда нафақага чиқибди. Ёши олтмишдан ошган бу одам ёшлардек ғайратли, шўх ва улфатидон экан. «Сизлар-ку, мени биринчи марта кўриб турибсизлар, бир гал саҳнага чиққанимда ҳаттоки онам ҳам танимаган», деди у. Ҳа, у шундай ажойиб санъаткор! Соғ бўл, қадрли дўстим Чарли Чаплин!

Габрово сафарим ҳақидаги илк китобим босилиб чиққач, унинг бир нусхасини дўстим Дмитро Добреву юбордим, у жуда хурсанд бўлиб менга жавоб мактуби ёзди.

ЎША МАШХУР КЎҲИНУР...

Лондон осори-атиқахоналарида кўрганим яна бир ажойибот – машхур Кўхинур олмоси бўлди. Қадимги Ҳиндистонда топилган ва жуда кўп ҳукмдорларнинг тожларини, шу жумладан, биз учун азиз шоҳ ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобурнинг бошидаги тожини безаган ўша дуру гавҳар тош. Не-не қўллардан-қўлларга ўтган, не-не талашувлар, можарою қон тўкилишларига сабаб булган ниҳоятда қимматбаҳо жавоҳир бу тош охири инглизлар қўлига тушган экан. Мана, Бритиш музейида томошага кўйилибди. Англия ҳукмдорига тегишли тожга тақилган ва махсус мустақам ойналар ичида турган каптар тухумидек бу олмосни кўриб куйидаги мисраларни ёзиб кўйдим:

Кўхинур,
Мен сени кўрдим бу олис юртда,
Қиролининг олтин тожида.
Ҳамон ўша-ўша – эшитганимдай
Ярқирайсан сирли, улуғвор.
Сенда не-не шоҳлар кўлин изи бор:
Ҳамюртим Бобуршоҳ,
Ўғли – Ҳумоюн,
Акбаршоҳ... Зафаршоҳ
Сени деб тўкилмиш
Қанча-қанча қонлар,
Кесилмишдир неча-неча бош.
Қўлдан-қўлга ўтдинг,
Тутдилар сени
Ҳирс-у, ҳаяжондан титраган қўллар,
Тикилдилар тўймас нигоҳлар,
Сен баридан қолдинг...
Рожалару шоҳлар, қироллар
Ўтди, кетди бари,
Сен эса қолдинг
Табиатнинг ажиб гавҳари...



Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

МЕНИНГ ТЎРТТАГИНА ТИЛЛО ТИШИМ...

Оғзимда тўрттагина тилло тишим бор. Жуда энди тилло ҳам эмас – сариқ металдан-у, аммо, ишқилиб, ярқираб туради-да. Буларни мен баъзилардай шунчаки олифталчилик учун эмас, тишларим ёйилиб кетганидан, ноиложликдан кўйдирганман. Аммо бу тишларнинг чет эл сафарида бунчалик аҳамиятли бўлиб қолишини қаёқдан билай?

Бир куни Лондоннинг катта бозорида бир гулчи хотиннинг суратини олмоқчи бўлдим. Аммо у хотин суратини олдирамасдан қўлини тўсиб: «Бир фунт берсанг, суратга тушман», деди. Бир фунт бизнинг пулга чақилса, анча бўлади. Шу боис ҳалиги хотинга: «Пулим йўқ эди-ю», дегандек гап қилдим. У менинг тилло тишларимга ишора қилиб: «Тишларинг тиллодан бўлатуриб, пулим йўқ дегани уялмайсанми» дегандек жавоб қайтарди. Шундан билдимки, бу ерда тилло тишнинг нархи, тилло тишлининг қадрини баланд экан.

Бир сафар ўғлим мени бир емакхонага олиб кирди. «Лондоннинг казо-казолари овқатланадиган жой бу, бир кўринг», деди у. Кийинишларию муомалалари зодагонлардай емак ташувчилар бизга хизмат кўрсатишар экан, айниқса, бошқалардан кўра менга кўпроқ илтифот кўрсатишгандай бўлди. Менинг тилло тишларимни кўриб камида миллиардер деб ўйлади-ёв чамамда... Бундан мағрурланиб илжайиброқ ўтирдим.

Аммо бир сафар хилватроқ боғда сайр қилиб юрганимда икки занжининг бир-бирига мени кўрсатиб тишларимга ишора қилаётганликларини кўриб, хушёр тортдим. Ҳа, шу тўрттагина тилло тишимни ҳадеб мақтаниб, кўз-кўз қилавермасдан ҳар доимгидек оғзимни сал юмиброқ юрганим тузукка ўхшайди...



Bizda ham g'urur bor

Бугун мажлис чўзилиб, бунинг устига ҳамкасблар билан кечки овқатни корхонанинг тамаддихонасида еб уйга кеч қайтдим. Уйқусираган кўзларини ишқалаб, намунча дея эшик очган хотинимни кўргач, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганини пайқагандек бўлдим. «Овқатни иситайми?» дегани ҳам қулоғимга дағал эшитилди. «Қорним тўқ!» дедим кескин. Ахир, бизда ҳам ғурур бор.

Хотиним ичкарига кириб кетди. Мен секин залга ўтиб, диванга ёнбошладим. Ҳадеганда уйқу келавермади. Ногаҳон стол устида турган хотинимнинг сумкасига кўзим тушди. Бир олиб титкилаб кўрсамми, аёл кишининг сумкаси сир-синаотга тўлиқ хазина, дейдилар. «Уят эмасми, кап-катта одам», дея фикримдан қайтмоқчи ҳам бўлдим. Охири шайтон васвасаси ғолиб келди. Шартта сумкани кўлга олиб, ялтироқ тугмачасини тортдим, «шиқ» этиб очилди. Кичкинагина сумкада дунёнинг хазинаси бор эди: узилган тугмачалар, парча қоғозларга ёзилган телефон рақамлари, терминал қоғозлари, метро жетонлари... Хуллас, санайверсам вақт етмайди. Бирдан улар орасида яп-янги, бежиримгина ҳужжатни кўриб қолдим. Қизиқ, буниси нима экан? Ия, ёзувлари инглизча-ку! Орасида қўлда ёзилган ўзбекчаси ҳам бор экан. Шошиб ўқидим – хотинимнинг исм-шарифи дона-дона қилиб ёзилган. Ёнида эса қандайдир чет эл машинаси маркасининг номи, сотилган куни ва ҳатто харфли-рақамли сонига қайд этилган. Бунга ҳам бир ҳафта бўлай деб қопти. Охирида қандайдир фирманинг муҳри ҳам бор. Во дариғ, бу қандай гап, ахир? Эрни уйда қолдириб, ўзга юртларга бориб, мол келтириб, олди-сотди қилиб рўзгор тевратаётган аёллар борлигини биламан, лекин шу пайтгача эридан бемаслаҳат машина олган аёлни кўрган эмасман. Эр деганининг кадр-қиммати шунчалик бўлади-ми? Бир оғиз индамай, сен ҳам одамисан демай... Тўғри, эрта кетаман,

кеч келаман. Хизматчилик. Онда-сонда йиғилишлар, чойхоналар чиқиб турмаса, доим уйга шошганим-шошган. Ахир мен шуларни деб югуриб юрибман-ку! Бизда ҳам ғурур бор! Тўғри, сиз ҳам ўртоқларингизга ўхшаб қачон машина оласиз, ҳеч бўлмаса, мундоқ эрталаблари ишга шошиб турганимда ташлаб ўтардингиз, деганлари эсимда. Бироқ бу ёғига индамай-нетмай... Нима қилиш керак бунақа ўзбошимча хотинни? Бесўроқ машина олса-ю, тагин бир ҳафтадан буён ўғри мушукдек чурқ этмай, маза қилиб миниб юрса-я! Ҳужжатларни ҳам тўғрилаган, ҳойнаҳой. Ахир, машинага сўрамасдан пул ишлатган одам бу ёғини ҳам тўғрилагандир. Қаерга қўйди экан? Бир-икки кун олдин умумий гараж томондан келаётганини кўргандек бўлувдим-а. Ҳозироқ уйғотиб, кўзига кўрсатсаммикан? Э ўша, эрни сариқ чақага олмай машина минадиган... Эси бор, ўз қадрини билган одам бундай хотиннинг кавушини дарҳол тўғрилаб қўяди. Бизда ҳам ғурур бор. Ахир, эр деганининг обрўси шуми? Мени менсимаса, бир-биридан ширин болаларининг ҳурмати учун бир оғиз сўрамайдими?

Ич-ичимдан кучайиб келаётган нафратдан сочларим тикка бўлиб, вужудим ғазаб ўтида ёнди. Шу онда минг куйиб, минг суйиб олган хотиним кўзимга шунчалар хунук кўриниб кетдики... Даст туриб ваннага кирдим-да, муздай сувда юз-бошимни ювиб чиқиб келдим. Шундан сўнг сал ўзимга келдим – вужудимдаги нафрат ўрнини хўрлик эгаллади. Не-не умидда бир ёстиққа бош қўйган хотиним... Эссиз, хотин! Бу қурғур хотинга эр бўлган эссиз, мен! Йўқ, йўқ, бунақа ҳурматсизликка мен эмас, кўшимнинг мушуги ҳам чидай олмайди, ҳозироқ гаплашиб олишим керак!

Шартта турдиму битта-битта қадам босганча ётоққа кириб бордим.

– Тур! Тур ўрнингдан, – дедим бақирганча хотинимни турткилаб. – Гап-

лашиб олишимиз керак!

– Сенсираманг! – Хотиним уйқусираб тўнгиллади. – Қанақа гап бемаҳалда! Нима, ичиб олганмисиз! Ярим тунда келганингиз етмай... Эртага гаплашамиз.

– Тур деяпман, сенга! – хунобим ошиб бадтар ўшқирдим. – Ҳозир, иссиғида гаплашиб олишимиз керак. Эртага кеч бўлиши мумкин. Мен ҳам эркакман! Менда ҳам ғурур бор!

Залга чиқиб диванга оғир чўқдим. Ортимдан юз-кўзларида минг ҳадик билан хотиним кириб келди.

– Мен сенга кимман? – ўшқирдим унга қараб. – Айт!

– Ростдан ҳам ичганмисиз... Ким деганингиз нимаси, болаларимнинг отасисиз.

– Яна-чи?!

– Эримсиз.

– Буни унутмабсан, ўзбошимча...

– Вой, нима қилибман?!

– Тагин сўрайди-я! Одам деган бир иш қилса, аввало, эри билан маслаҳат қилиши керакми? Керак! Сен эса машина олганинга бир ҳафта бўлибди-ю, уни ялтириб гажаванг қилиб миниб юрибсану, менга – эринга чурқ этмабсан, номард! Аёл деган ҳам шунақа бўладими? Ахир бизда ҳам ғурур бор! – дея столга қаттиқ муштлаб, сапчиб ўрнимдан туриб кетдим.

Хотиним шундагина ҳаммасини туншунгандек дам стол устидаги очиқ-сочиқ ётган сумкасига, дам унинг ёнидаги машина ҳужжатига қараб кулиб юборди.

– Вой ўлмасам, хаёл курсин, айтиш эсимдан чиқибди. Уми? Ахир у «Пфаф Зингер» – тикув машинаси-ку...


Дивандан қандай шашт билан турган бўлсам шундай ўтириб қолдим, На кулишни биламан, на йиғлашни. Кечирим сўрай десам... Ғурур қўймайди...

Сўнги гапни дона-дона қилиб хотиним айтди:


– Ахир, бир ҳафтадан бери эрта кетиб-кеч келасиз. Гапирай деб энди оғиз жуфтласам, «кейин» деб қўл силтайсиз. Ё телевизор кўраётган бўласиз ё газета ўқиётган бўласиз. Машинани ўғлингиз билан чиқиб олиб келдим. Ахир, тикиш-бичиш бинойидай қўлимдан келади. Арзимаган нарса учун ҳам чеварга югураверадиган нўноқ хотинимидимки, шалвирасам! Рўзгорга салпал ёрдамим тегсин дегандим-да. Сиз топиб келганингизни совириб ўтиравермайман-ку! Ахир, бизда ҳам ғурур бор...

Унинг зарда билан айтган охириги сўзи худди санчилган миҳдек юрагимни тешиб ўтгандек бўлди. Ортдан мажолсиз шивирладим: «Ҳа, гуруринг ҳам бор бўлсин, онаси!».

Адҳам ДАМИН




**«O‘ZVINOSANOAT-XOLDING»
KOMPANIYASI
BARCHA YURTDOSHLARIMIZNI
KIRIB KELAYOTGAN YANGI –
2017-YIL BILAN TABRIKLAYDI!**



Бахмалда




Анорлар



Қишки шафақ



Шафақ





Илоҳий нур

Дилором Мамедова 1974 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1992 йилда Республика тасвирий санъат лицейини, 1998 йилда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини тугатган.

Мусаввир ижодида ўзбек миллий анъаналари, урф-одатлари табиат уйғунлигида акс эттирилади. У ўз асарлари орқали ички дунёсини, ҳис-туйғуларини ифодалашга интилади.

Дилором Мамедованинг бир қатор асарлари хорижий давлатларда ўтказилган кўргазмаларда намоиш этилган. Шунингдек, Ўзбекистон давлат санъат музейидан жой олган.


Musavvir
Dilorom Mamedova
ijodidan namunalari



Кеча



Ўрқин келажак



Остона



**O'ZBEK SIRKI
JAMOASI BARCHA
VATANDOSHLARIMIZNI KIRIB
KELAYOTGAN 2017-YIL BILAN
TABRIKLAYDI
HAMDA QIZIQARLI,
QUVNOQ DASTURLARIGA
TAKLIF ETADI!**



ISSN 2091-5330

OBUNA DAVOM ETMOQDA

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.

Хизматлар лицензияланган

